



ОФАТ ВА МАТОНАТ



ОФАТ ВА МАТОНАТ





Халқимиз ўз тарихида қандай оғир табиий офатларни кўрган бўлмасин, Қодир Аллоҳнинг марҳамати билан, ўзининг куч-қудрати, вазминлиги ва донишмандлиги орқали уларнинг барчасини енгиб ўтган.

Мен ана шундай мард ва матонатли, меҳр-оқибатли халқимизнинг ақл-заковатига, унинг метин иродаси ҳамда қатъиятига тўла ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Sam DTI
axborot-resurs markazi

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

2020 йил бутун инсоният тарихида жиддий синов даври сифатида муҳрланди. 2019 йилда пайдо бўлган “COVID-19” касаллиги тезлик билан Курраи Замин бўйлаб тарқалиб, барчани ташвиш ва саросимага солиб қўйди.

Ушбу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан берилган кўрсатмалар асосида юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳудудларда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича қисқа муддат ичида комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Минг афсуски, бутун дунё коронавирус пандемияси таҳликасида турган бир пайтда, Бухоро вилоятида юз берган кучли шамол, Сирдарё вилоятида сув тошқини келтириб чиқарган талофат эл-юртимизнинг матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Меҳр-оқибат, сабр-тоқат ва матонат, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, мурувват, хайр-саховат ва кўмак кўрсатиш, фидойилик – буларнинг барчаси самимий ва бағрикенг халқимизнинг энг муҳим ва азалий қадриятларидан ҳисобланади. Ана шундай эзгу фазилатлар ушбу синовли кунларда яна бир бор яққол намоён бўлди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: **“Ватанимизда яшаётган ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслиги керак”**, деган қатъий сиёсати асосида юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи бу даврда янада кучайтирилгани халқимизнинг кўнглини кўтарди.

Барча эҳтиёжманд кишилар, аҳолининг кам таъминланган қатлами, муҳтож оилалар, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга зарур ёрдам ва кўмаклар кўрса-

тиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Инқирозга қарши кураш жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон мамлакат ичкари-сида эпидемияга қарши курашиш билан бирга, бир қатор хорижий давлатларга ҳам инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатди, тиббий ниқоблар, дори-дармонлар, вирусдан ҳимояловчи кийимлар ва бошқа зарур кўмак юкларини юборди.

Президентимиз 2020 йил 20 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир хайрли ташаббусни илгари сурди.

“Пандемия шароитида иш-сизлар, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли сонининг ўсиб бориши табиий жараён, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари ушбу йиғилишда. – Биз аввало халқимизни, шунингдек, иқтисодиётимизни бу инқироздан эсон-омон олиб ўтиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Шунинг учун биз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, жумладан, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат, топганини ўзгалар билан баҳам кўриш каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умум-халқ ҳаракатини эълон қилсак, ўйлайманки, бутун халқимиз бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди”.

Ҳар қандай синовни ҳамжихатлик ва бирдамлик билан енгиб

ўтадиган халқимиз, саховатпеша тадбиркорларимиз ва савобталаб юртдошларимиз жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу эзгу ташаббусни кенг қўллаб-қувватладилар.

Ҳамжихатликда барака бор, деган гап бежиз айтилмаган. Шукрки, бугун юртимизда бунёдкорлик ва эл-юртимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислохотлар жадал суръатда давом этмоқда.

Сардобада юз берган техноген фалокат тўла бартараф этилиб, Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларида кўрган кўзни қувонтирадиган янги тураржой мажмуалари барпо этилди.

Бухорода табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун 100 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиб, уйлар таъмирланди, шикаст етган йўл, алоқа, электр, газ ва бошқа коммуникация тармоқлари янгиланди.

Пандемиянинг салбий оқибатларини имкон қадар камайтириш борасидаги кенг кўламли ишлар ҳам ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Мазкур китобда мураккаб вазиятда мамлакатимизда кечган тарихий жараёнлар, оғир синовларни улкан мардоналик, сабру матонат билан енгиб ўтаётган халқимизнинг эзгу фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚИМИЗГА МУРОЖААТИ

Хурматли дўстлар!

Хаммангиз кўриб турибсиз, мана, тўрт ой бўлдики, дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатидо хавфли касаллик – коронавирус инфекцияси тарқалди.

Дунё миқёсида касалланганлар сони 190 минг нафарга етди, уларнинг 81 минг нафардан ортиғи тузалди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди. Касаллик кенг ёйилиб кетгани сабабли, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни “пандемия” деб эълон қилди.

Минг афсуски, бу юқумли касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади ва бизга ҳам четдан кириб келди. Биз бу офатнинг тарқаб кетмаслиги учун ҳамма чораларни кўряпмиз.

Топшириғимга кўра, Бош вазир раҳбарлигида Республика махсус комиссияси тузилган. Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар таш-

кил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилмақда.

Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилиб, улар дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Сихатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Буларнинг барчаси учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

Юртимизда коронавируsgа қарши кураш ишларига жалб этилган қарийб 5,5 минг нафар тиббиёт ходимини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида, уларнинг ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўланмоқда.

Одамлар гавжум жойларда, жумладан, таълим масканлари, кўнгилочар масканлар, концерт

заллари, масжидларда оммавий тадбирларни чеклаш чоралари кўрилмоқда. 16 мартдан бошлаб, барча таълим даргоҳларидаги 8 миллион 300 минг нафар фарзандларимизга таътил эълон қилдик. 80 минг талаба марказлашган ҳолда яшаш жойларига жўнатилди.

Таълим муассасалари фаолияти тўхтаб турган даврда тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга зарур шароитлар яратиб берилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 фоизга ёки 60 мингтага ошириш чоралари кўрилмоқда.

Хорижга хизмат сафарига ва бошқа юмуш билан кетган юртдошларимизни чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтармоқдамиз.

Чегараларда ҳаракатлар чекланди, аммо транспортда юк ташиш тўхтатилгани йўқ. Мамлакатимизга кунига кўплаб хорижий ва маҳаллий юк ташувчилар кирмоқда ва, ўз навбатида, юртимиздан чиқмоқда.

Биз эпидемия тарқалишининг дастлабки босқичида юртимизга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқа-

лишининг олдини олишга муваффақ бўлдик.

Афсуски, бу хатарли вирус ҳеч қандай чегара билмас экан. Аммо вазият тўлиқ назоратимиз остида эканини юртдошларимизга алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи давлатлар билан яқин ҳамкорликда ишляпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, фидойилик ва жонбозлик кўрсатаётган барча тиббиёт ходимларига ва бошқа мутасаддиларга ҳам чуқур миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Бугун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда.

Муфтият раҳбарлигида диний уламолар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз якдилмиз ва ишонамизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади.

Бунинг учун, **биринчи навбатда**, шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, бола-чақаларимиз билан уйимизда, ишхонамизда ҳамда борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур.

Касалликни яширмасдан, ўз вақтида мурожаат қилиш унинг олдини олишда энг самарали чорадир.

Иккинчидан, озик-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чоралар кўрилмоқда. Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бу борада назоратни кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда етарли даражада захира мавжуд, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Аммо кўпга келган бу балога қарши ҳаммамиз биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилишимиз лозим.

Барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, муҳтарам нурунийларимиз, маҳалла ва хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари фаоллари оммавий ахборот воситалари орқали холис ва ҳаққоний, кенг тушунтириш ишларини кучайтиришига ишонаман.

Учинчидан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда видеодарслар туркуми йўлга қўйилди.

Телерадио каналларимиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз

учун фойдали ва қизиқарли бадиий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Ота-оналар ўз фарзандларини жаҳон ва миллий адабиёти-мизнинг энг яхши намуналари билан таништиришга ҳаракат қилсалар, айти муддао бўларди.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини “пиар” қилишни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринади.

Шу муносабат билан жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим.

Азиз ватандошлар!

Коронавирус пандемиясининг бутун дунё мамлакатлари қатори иқтисодиётимизга салбий таъсири бўлиши табиий.

Сўнгги икки ҳафтада жаҳон бозорида нефтнинг нархи (бир баррели 60 доллардан қарийб 30 долларга) кескин пасайиб кетгани оқибатида газ экспортимиз тушумлари қисқариши мумкин.

Хориждаги асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валю-

талари қадрсизланиши мамлакатимизда ҳам валюта тушумини камайтиради. Хорижий туристлар сони ва тушум миқдори камайиши мумкин. Булар, табиийки, ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмига таъсир қилмасдан қолмайди.

Бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар ҳамда экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида фармон қабул қилдик. Ҳужжатга асосан, Инқирозга қарши жамғарма тузилиб, унда 10 триллион сўм шакллантирилади.

Менинг топшириғимга кўра, Махсус ишчи гуруҳи туризм, транспорт, фармацевтика ва енгил саноат каби соҳаларга солиқ таътиллари бериш, кредитларни қайтариш муддатини кечиктириш, кечиктирилган ташқи қарздорлик учун жарима қўлламаслик тартибини жорий қилиш чораларини кўрмоқда.

Бу жараёнда, **аввало**, молия ва хомашё бозорида беқарор-

лик юзага келишига йўл қўймаслик лозим.

Иккинчидан, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олиш зарур.

Учинчидан, иқтисодиётимизнинг базавий ва ҳал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш керак. Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзилли ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Тўртинчидан, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳолимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиз бўлиши шарт.

Бутун халқимиз аниқ билиши керак: биз коронавирусга қарши кураш фаолиятини ошқоралик тамойиллари асосида олиб бораёмиз. Жаҳон жамоатчилигини ҳам, халқимизни ҳам вақтида хабардор этиб бораёмиз. Бу борада керакли чораларни янада кучайтирамиз.

Бугун мен икки қўшни давлат – Қозоғистон ва Туркманистон раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаев ва Гурбангули Берdimухамедов билан телефон орқали мулоқот қилиб, бу борада ўзаро ҳамкорлик ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш бўйича барча масалаларни келишиб олдик.

Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжихат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади, деб ишонаман.

Яна бир муҳим масалага барча мутасаддиларнинг эътиборини қаратмоқчиман.

Хабарингиз бор, сўнгги йилларда мамлакатимизда санитария-эпидемиология масаласига жиддий аҳамият бермоқдамиз. Ҳозирда юртимизда республика даражасидаги 2 та шифохона, 14 та вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, 216 та ҳудудий санитария-эпидемиология муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ кейинги 25 йил давомида умуман эътибор бермаганимиз учун уларнинг аксариятининг моддий-техника базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жиҳозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳам айтиш ҳақиқатдир.

Шу сабабли бугунги кунда республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан ислоҳ қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳи томонидан алоҳида қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мазкур хизматнинг асосий фаолияти тиббий ва санитар барқарорлик, жамоат саломат-

лигини таъминлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини ташкил этишга қаратилади.

Бунинг учун вилоят ҳокимлари жойлардаги санитария-эпидемиология муассасаларини бирма-бир айланиб, лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар салоҳияти, ойлик маоши каби муаммоларни чуқур ўрганиши зарур. Ички молиявий имкониятлар асосида уларни йил охирига қадар бартараф этиш, захиралар шакллантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб, бажариши лозим.

Бош вазир республика даражасидаги ва Тошкент шаҳридаги муассасаларни бирма-бир жойига чиқиб ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда ижроси учун шахсан масъул бўлади.

Асосий масала – моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрларни ўқитиш, илм-фанни ривожлантириш, аҳоли саломатлиги учун маблағни аямаслигимиз зарур.

Маҳалла ва оила муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқдан.

2020 йил 18 март

ТАДБИРКОР ЁКИ ФЕРМЕР ҚАНЧА КЎП ОИЛАГА КЎМАК БЕРСА, ДАВЛАТДАН ШУНЧА КЎП ИМТИЁЗ ВА ЁРДАМ ОЛАДИ

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Ҳозирги пандемия пайтида, албатта, ишсизлар, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳолимиз сони ўсиб бориши табиий жараён. Бутун дунёда бўлгани каби бу мураккаб ташвишлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Биз, аввало, халқимизни, шунингдек, иқтисодиётимизни бу инқироздан эсон-омон олиб ўтиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Лекин бу халқаро муаммо қанча давом этишини ҳеч ким аниқ башорат қила олмаяпти. Бутун дунё касалликка қарши кураш баробарида аҳолини боқиш, иш жойларини сақлаб қолиш ва иқтисодиёт кескин таназзулга учрамаслиги учун бор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Биз ҳам бу борада ҳар куни, ҳар соатда изланишдамиз.

Албатта, халқимизни боқиш учун ҳам, иқтисодиётимизни қўллаб-қувватлаш учун ҳам бизнинг захираларимиз ва имкониятларимиз етарли. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Шубҳасиз, аҳолини рағбатлантириш учун пул тарқатишдан осон йўл йўқ. Лекин эртага бунинг оқибати нималарга олиб келишини ҳали бирор-бир иқтисодчи башорат қила олмаяпти. Бу борада коррупция илллати авж олиш эҳтимоли ҳам юқори.

Шунинг учун биз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, жумладан, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат, ўзгаларга ҳамшиша ёрдам қўлини чўзиш, топганини бошқалар билан баҳам кўриш каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, **“Саховат ва кўмак”** умумхалқ ҳаракатини эълон қилсак,

ўйланманки, бутун халқимиз бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди.

Хабарингиз бор, санокли кунларда барчамиз учун муқаддас бўлган Рамазон ойи ҳам кириб келади. Ушбу ойда фуқароларимиз эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишлари ҳам қарз, ҳам фарздор. Шунинг учун ушбу муқаддас ойда ҳар бир тадбиркор ўзига холис мажбурият олган ҳолда, ўзи фаолият юритаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини фаол қўллаб-қувватлаши бўйича таклиф киритмоқчиман.

Яъни Рамазон ойида ва кейинги уч ойда амалга ошириладиган эҳсонларимиз ва хайрияларни манзилли қилайлик, ифторликларга сарфланадиган маблағлар ва озиқ-овқатларни муҳтожларга йўналтирайлик.

Имкониятидан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда 10 та, бошқа бири эса 20 та оиланинг рўзғорига қўмаклашиши мумкин. Шунингдек, тадбиркорлар муҳтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз навбатида, давлат томонидан шундай тадбиркорларга берган ёрдамлари учун турли компенсациялар қўллаш йўллари ишлаб чиқилади.

Мисол учун, 10 та оиллага қўмаклашган тадбиркорга тегишли банк томонидан кредит бўйича тўловлар қўшимча маъ-

лум муддатга чўзиб берилади. Тўланадиган солиқ миқдорининг маълум бир фоизи бўйича қўшимча “таътил” берилиши мумкин.

Агар ёрдам берувчи инсон фермер бўлса, қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг ёки кредитга сотиб олса, унинг ҳам тўлов муддатларини яна узайтирамиз. Ўғитлар ва ёқилғи сотиб олишда ҳам имтиёзлар тақдим этилади.

Худди шундай, агар тадбиркор 20 та оиллага ёрдам кўрсатса, бериладиган имтиёзлар ҳажми ва муддатлари ҳам каттароқ бўлади. Ушбу жараёнда йирик корхоналар ҳам четда қолмаслиги керак. Уларнинг жойлардаги таркибий бўлинмалари ҳам фаол қатнашиши лозим. Бу жараён бюрократия ва ҳеч қандай тўсқинликсиз жойларда сифатли ташкил этилиши шарт. Яъни барча ишлар туман ҳокими ва сектор раҳбарлари томонидан тўлиқ ташкил этилиши зарур.

Барча даражадаги ҳокимлар, сектор раҳбарлари жойлардаги Савдо-саноат палатаси бўлимлари, банклар, ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари билан биргаликда бир ҳафта муддатда ушбу ташаббусни амалга ошириш учун тадбиркорлар билан яқиндан ишлашни бошласин.

Бирорта тадбиркор ёки фермерни мажбурламаймиз. Уларга оғирлик тушмасин. Уларга кредит таътили берилади. Керак бўлса, фоизсиз. Ёқилғини,

ўғитни 15 фоиз арзон қилиб берамиз. Банкдан олган кредитининг муддатини чўзиб берамиз. У мурувват ҳам қилади, шу билан бирга, улуғ айём кунларида Худонинг олдида ҳам бағрикенг бўлиб, юзи ёруғ бўлади. Лекин ҳамма харажатни, ҳамма масъулиятни давлат ўз зиммасига олади. Тадбиркор қийналган оилаларга ёрдам бериб, давлатимизга ёрдам беради. Улар кам таъминланган, муҳтож оилаларга ёрдам берса, давлат уларга бошқа тарафлама кўмаклашади.

Қийналган ва муҳтож оилаларнинг биттама-битта рўйхатини қилиб, уларга моддий ёрдам берибгина қолмасдан, келажакда уларни иш билан ҳам таъминлайди. Асосийси шу. Уларни ойлик билан таъминлайди.

Ҳар бир одам давлатимиз кўмагини сезиши керак. Тадбиркор ёки фермер қанча кўпроқ оилага кўмак берса, давлатдан шунча кўпроқ имтиёз ва ёрдам олади. Бу ишларни коррупциясиз, ҳар бир инсон “бу менинг энг меҳрибон ватандошим, кўшним, қариндошим”, деб қилиши керак. Меҳр билан қилиши керак. Ҳамма нарсани давлат бўйнига олади.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига ҳисса қўшганларга ҳали алоҳида қарорлар бўлади, уларга миннатдорчилик, катта-катта мукофотлар бўлади.

Бизнинг халқимиз жуда бағрикенг. Мана шу жараёнда халқимиз жипслигини намоён этиб, уларнинг қаддини янада кўтариб олишимиз керак. Бу ҳаракатга ёрдам берган одамлар аслида элу юртда ҳам баракали бўлиб, халқимиз орасида обрў топади.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати аъзолари ҳақида, уларнинг қилган яхшиликлари ҳақида ҳар куни газета, телевидение, радиода, интернетда халқимиз номидан миннатдорчиликлар, материаллар эълон қилиб борилади. Шоирлар шеърлар ёзади. Китоблар ёзилади. Мана шундай оғир кунларда “Саховат ва кўмак” ҳаракатига ҳисса қўшган барчани – шифокорларни ҳам, саховат кўрсатган бағрикенг тадбиркорларимизни ҳам, кластерлар, фермерларимизни ҳам, катта-катта корхоналарни ҳам батафсил ёзамиз. Халқимиз ўз қахрамонлари ҳақида билиши керак. Бу тарихда қолади.

Бугун биз кўринмас душман билан курашяпмиз. Бу вирус – бу душман биздан ўн карра ақлли ва важоҳатли. Бу инсон умри билан боғлиқ бўлган ҳаёт-мамот жанги, десак, буям ҳақиқат бўлади. Бу худди Иккинчи жаҳон урушидагидек уруш, жанг. Бундай ҳодиса қачон бўлган? Ҳеч қачон бўлмаган.

Коронавирус пандемияси таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий барқарорликни сақлаб

қолиш борасида катта имкониётларга эга бўлган “драйвер” соҳалардан бири – бу қурилиш тармоғи ҳисобланади.

Қурилиш соҳаси кўплаб sanoat тармоқлари учун ҳам талаб яратади. Шунингдек, бу соҳа 1 миллион 375 минг нафар аҳолини иш билан банд қилишни таъминлайди.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси сабабли қайтиб келиб, уйда ўтирган 500 минг нафардан зиёд меҳнат мигрантларини ҳам иш билан таъминлаш зарурати мавжуд. Шу сабабли, карантин даврида қурилиш ҳажми камайишига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида, қурилиш соҳасига қўшимча 3,3 триллион сўм маблағ ажратдик.

Карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, барча қу-

рилишларни давом эттиришга рухсат берилади, қурилиш корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг объектларга бориши учун тўсиқсиз ҳаракатланишига шароит яратилади.

Умуман олганда, уй-жой қурилиши бўладими ёки инфратузилма объектлари бўладими, қурилиш соҳаси – бу янги иш ўринларини яратиш, бозорда талаб ва таклифни шакллантириш, пировардида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун катта имкониёт ва захира ҳисобланади.

Тармоқ раҳбарлари ўзларига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишларни тўғри ташкил этсалар, албатта, иқтисодий инқироздан имкон қадар кам йўқотишлар билан чиқиб кетамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг sanoat, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқидан.

2020 йил 20 апрель

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ВА МЕХР-ОҚИБАТ ФАЗИЛАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА

Хабарингиз бор, 27 апрель кечаси Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида табиий офат юз бериб, кучли шамол кузатилди. Мен кеча Бухоро вилоятида бўлиб, юзага келган вазият билан яқиндан танишдим. Бу масала бўйича тузилган Республика комиссияси ва жойлардаги масъул мутасаддилар билан биргаликда ушбу ҳудудларда амалга ошириладиган барча ишларни батафсил муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Мазкур вилоятларда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, табиий газ ва электр тармоқларига, турар жой бинолари ва маданий мерос иншоотларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги майдонларига жиддий талафот етган.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан табиий офатдан зарар кўрган ташкилот ва

хўжаликларга, фуқароларга ёрдам бериш бўйича барча чоратадбирлар ўз вақтида амалга оширилади.

Такрор айтаман, биронта ҳам юртдошимизни, биронта ҳам оилани ушбу кутилмаган фалокат қаршисида ёлғиз қолдирмаймиз.

Энди эпидемиологик вазият ва пандемияга қарши кураш бўйича ишларга тўхталсак.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича ушбу касалликка чалинган беморларнинг 55 фоиздан ортиғи тўлиқ соғайганини алоҳида қайд этмоқчиман. Қолган беморларни ҳам даволаш юзасидан, ўзимизда амалий ёрдам бераётган хитойлик, германиялик, корейлик врачлар ҳамда телемедицина орқали бошқа етакчи хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилган ҳолда, барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг бугунги кунда ка-

салликка қарши олиб бораётган машаққатли ва ўта масъулиятли меҳнاتини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш учун куни кеча яна бир муҳим қарорни имзоладим. Унга кўра, санитария-эпидемиология хизматининг қарийб 11 мингга яқин барча тоифадаги тиббиёт ходимларининг иш ҳақи 2,5 бараварга оширилди.

Умуман, карантин қоидаларини ўз вақтида жорий этганимиз ва халқимиз унга сабр-тоқат билан амал қилаётгани туфайли кўплаб туман ва шаҳарларда инфекция тарқалишига йўл қўймадик.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда кўнглимдаги бир фикрни жамоатчилигимиз, халқимизга очик айтмоқчиман.

Мана, бир ярим ойдан ошдики, эл-юртимиз “Уйда қолинг” деган даъватга амал қилиб, юксак жасорат кўрсатиб, ялпи карантин шароитида яшамоқда. Оилам, бола-чақам, деб тиниб-тинчи-майдиган, эртаю кеч ғайрат билан меҳнат қиладиган халқимиз учун бундай мажбурий ҳолат, албатта, осон кечаётгани йўқ.

Юртдошларимиз оғир синов кунларида чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этипти. Бу-

ни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, ҳар томонлама эътироф этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, пандемияга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам қаҳрамонлик кўрсатаётган барча шифокорларимизга, шу жумладан, тез ёрдам хизмати ходимлари ва ҳайдовчиларига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Шу жараёнда ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг раҳбарлари ва хизматчиларига, муҳтарам нуронийларимиз ва маҳалла фаолларига, саховатпеша тадбиркорларимизга, олимларимиз, ўқитувчи ва домлалар, ижодкор зиёлиларимиз, имом-хатибларимизга чин дилдан раҳмат айтман.

Ҳозирги мураккаб шароитда ўз профессионал бурчини виждонан бажараётган оммавий ахборот воситалари вакилларига, инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, кўнгилли бўлиб волонтерлик ҳаракатида қатнашаётган фидойи ёшларимизга ўз номидан, халқимиз номидан катта миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқидан.

2020 йил 29 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДАН

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Охирги маълумотларга кўра, дунёнинг 191 мамлакатида 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 миллион 765 минг нафари вафот этган.

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун – шунга эътибор беринг – ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдоридан зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.

Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам кутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада

юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Хабарингиз бор, пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулудда иш режимига ўтказилди.

Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминлан-

Sam DTI
axborot-resurs markazi

ди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунинг-

дек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз пайтида қўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

2020 йил 29 декабрь

**“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ
ТУРЛИ ХАВФ ВА ТАҲДИДЛАРГА
ҚАРШИ КУРАШДАГИ БИРДАМЛИГИ
ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ”**

2020 йилда дунёни қамраб олган коронавирус пандемияси жаҳон халқлари доимо бир-бири билан елкадош бўлиб яшаши лозимлиги, бир она замин ва бир осмон остида умргузаронлик қилаётган бани башарият, давлати, миллати, тили, дини ва ирқидан қатъи назар, ўзаро ҳамжиҳатлик билангина турли синов ва офатларга қарши кураша олиши ва тараққий этиши мумкинлигини исботлади.

Синовли кунларда Ўзбекистонда пандемияга қарши курашиши билан бир қаторда Бухоро ва Сирдарёда юз берган табиий офатлар оқибатларини бартараф этиши бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўз вақтида олиб борилган оқилона сабъ-ҳаракатлар натижасида коронавирус касаллигининг салбий оқибатларини камайтиришга эришилди ҳамда Сирдарё ва Бухорода тез фурсатларда ҳаёт оқими ўз маромига тушди.

Юртимизда амалга оширилган бундай инсонпарварлик ва халқпарварлик сиёсати дунё афкор оммаси томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига дунёнинг кўплаб хорижий давлатлари раҳбарлари ва таниқли сиёсатчилар томонидан йўлланган мактубларда ва улар билан бўлган телефон орқали мулоқотларда бу борадаги фикр-мулоҳазалар ва муносабатлар, самимий дил изҳорлари билдирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ҳамда бошқа таниқли давлат ва жамоат арбоблари билан ўтказган мулоқотларда коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, ушбу глобал хатарга қарши ҳамкорликда самарали курашиши, икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашиди.

Сўхбатларда ҳамда мактубларда коронавирус инфекциясига қарши давом этаётган курашининг энг мураккаб даврида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, кўрсатилаётган ўзаро кўмак ва гуманитар ёрдамлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташиқлоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг коронавирус пандемиясига қарши курашишга бағишланган навбатдан ташиқари видеоконференция шаклидаги саммитида ҳамда Ўзбекистон Республикаси раислигида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги Иқтисодий кенгашининг 86-йиғилишида иштирок этиб, кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан БМТнинг 75-сессиясида билдирилган Бирлашган Миллатлар Ташиқлоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриялари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклифи кўплаб сиёсатчилар томонидан илиқ кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Президентимизнинг пандемия шароитида ўзаро сабъ-ҳаракатларни бирлаштириш, коронавируснинг салбий таъсирини камайтириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги самарали ишлари дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Глобал микёсда ўт очишни тўхтатиш бўйича мен эълон қилган даъватни қўллаб-қувватлаб мактуб йўллаганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман. Ушбу даъват бутун дунё бўйлаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари, шунингдек, минтақавий шериклар, фуқаролик жамияти ва диний ташкилотлар раҳбарлари томонидан ижобий қабул қилингани мени руҳлантирди. Энг муҳими, ушбу даъватга бир қатор ўзаро низолашаётган томонлар бошланғич ижобий муносабат билдирди.

Можаролардан турли даражада жабр кўрган ва пандемия олдида янада заиф бўлиб қолганлар учун мен ҳали ҳам хавотирдаман, тинч аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, болалар ва маргинал гуруҳларни химоя қилиш учун барчамиз масъул эканимизни ҳаммиша таъкидлайман. Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган мамлакатнинг минтақада жабр кўрган давлатларга, жумладан, Афғонистон Ислом Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун ғоят миннатдорман.

Сизнинг Ҳукуматингиз томонидан Ўзбекистон Республикасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан, аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари учун оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган қатъий чораларни юксак баҳолайман. Ҳукуматингиз ва резидент-координатор бошчилигида БМТнинг Мамлакат гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада экани мени руҳлантиради.

БМТ қарама-қарши томонлар эзгу ниятлари ёки ўт очишни вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги баёнотлардан урушни якунлашга, узоқ муддатли сиёсий ечимлар ва барқарор тинчликка эришишга ўтишига кўмаклашиш учун барча ҳукумат муассасалари ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни давом эттиради. Сиз саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашда давом этасиз, деб умид қиламан.

Шунингдек, Сирдарё вилоятида тўғон ёрилгани тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилганимни таъкидлашни истардим. Унинг оқибатидаги сув тошқинидан жабрланган Ўзбекистон халқи ва қўшни Қозоғистон халқига ҳамдардлик билдираман. Муҳтож одамларга ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари яқиндан ҳамкорлик қилаётганини юксак баҳолайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Энг эзгу тилаклар билан,

Антониу ГУТЕРРИШ,
БМТ Бош котиби.
2020 йил 12 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

2020 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс лойиҳасини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига (ЖССТ) тақдим этганингиз учун Сизга миннатдорлик билдириш шарафига муяссарман.

“COVID-19” пандемияси бутун дунё бўйлаб ҳамжамиятлар ва мамлакатларга талафот етказишда давом этмоқда. Ўткир халқаро инқирозга дуч келиб, мен фавқулодда глобал етакчилик ва бирдамликка, имкон қадар кенг доирадаги шерикларни бирлаштиришга, кўп томонлама саъй-ҳаракатларни ишга солиш ва ҳеч кимнинг орқада қолиб кетмаслигини таъминлашга чакирдим. Салкам бир йилда биз илм-фан, вакциналарни ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш амалиётидаги мисли кўрилмаган ютуқлар, жамоатчиликни сафарбар қилиш ва сиёсий собитқадамлик туфайли кучли етакчиликка эришишнинг имкони борлигини кўрдик.

Пандемия соғлиқни сақлаш тизимларимиз заиф эканини кўрсатди, тиббий ва ижтимоий тенгсизликни кучайтирди ҳамда соғлиқни сақлаш иқтисодий тараққиёт ва хавфсизликда марказий ўрин эгаллашини намойиш этди. Пандемияни назоратга олиб, тикланишга инвестиция йўналтираётган эканмиз, келажакка ҳам тайёргарлик кўришимиз лозим. Бундай вазият яна такрорланишига йўл қўя олмаймиз.

Жаноби Олийлари, Халқаро кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласида узоқни кўзлаганингиз ва бу жараёнда етакчилик қилганингиз учун Сиздан миннатдорман. Биз ҳужжатни диққат билан ўрганиб чиқдик. Унда қўйилган вазифаларнинг қўлами ва таклиф

этилган амалий ечимлар менда катта таассурот қолдирди. Кодекс лойиҳаси тақдим этилгани ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлди.

Ўтган йили биз пандемиядан кўп сабоқ чиқардик ва эндиликда келажакка назар ташлашимиз керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш асамблеясининг “COVID-19” га қарши чоралар бўйича WHA73.1 резолюциясига мувофиқ мен 2020 йил сентябрь ойида иш бошлаган Халқаро тиббий-санитария қоидаларининг (2005 йил) амал қилишини ўрганиш қўмитасини чақирдим ҳамда Пандемияга шайликни таъминлаш ва жавоб чоралари бўйича Мустақил гуруҳни таъсис этдим.

Бундан ташқари, аъзо давлатлар томонидан амалга оширилаётган жараён доирасида Халқаро тиббий-санитария қоидаларига қўшимчалар киритиш мақсадида пандемияга шайлик ва жавоб чоралари тўғрисида глобал ҳадли конвенцияни ишлаб чиқиш имконияти юзасидан мунозаралар давом этмоқда. Мазкур масала 2021 йил 18 март куни ўтган ЖССТнинг ташкилотга аъзо давлатлар учун мўлжалланган ахборот сессиясида муҳокама қилинди, бу кўплаб мамлакатларда қизиқиш уйғотди ва кейинги муҳокамалар учун қадам бўлиб хизмат қилди.

Барчанинг хавфсиз келажакка сармоя киритиш, барқарор ва ишончли соғлиқни сақлаш тизимларини барпо этиш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай инқирозларга шай туришга тайёргарлик кўриш вақти келди. Жаноби Олийлари, сиёсий етакчилигингиз туфайли Сизнинг бу борадаги иштирокингиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сиз тақдим этган Халқаро кодекс лойиҳаси пандемияни ўрганиш бўйича амалдаги жараёнларга ва пандемияга қарши курашиш бўйича ҳар қандай бўлажак халқаро ҳужжатни режалаштиришга бевосита боғлиқ. Сиз ушбу саъй-ҳаракатларда шахсан иштирок этишда давом этишингизга умид қиламан.

Жаноби Олийлари, “COVID-19” пандемиясининг олдини олиш ва барчанинг соғлом ва хавфсиз келажакни таъминлаш ишига содиқлигингиз учун Сизга яна бир бор ташаккур билдираман. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти жамоат саломатлиги соҳасидаги ушбу глобал фавқулодда вазиятда Сиз билан ҳамжихатдир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Энг эзгу тилаклар ва миннатдорлик билан,

Доктор Тедрос Аданом ГЕБРЕЙЕСУС,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори.
2021 йил 27 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари!

Сизга ва 2020 йил 1 май куни Сардоба сув омборининг тўғони қисман қулаши оқибатида жабрланганларга ҳамдардлик билдираман. Сув остида қолган уйлар, кўчирилган аҳоли, вайрон бўлган йўллар ва фермер хўжаликлари тасвирларини кўриш қалбни ларзага солади.

Шахсий эътибор ва тезкор чоралар кўриш орқали Сиз лидерлик хусусиятларини намоиш этдингиз. Давлат департаменти ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳам ушбу фожиага жавобан дарҳол чора кўрдилар ва кўмак кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз учун маблағ ажратдилар.

Америка Қўшма Штатлари ушбу мушкул пайтда Ўзбекистон ва унинг халқига елкадошдир.

Шу билан бирга, коронавируsgа қарши курашда биргаликда иш олиб борар эканмиз, ушбу мудҳиш пандемияга қарши чора-тадбирлар учун ёрдам бўйича сўровингиз тез фурсатларда кўриб чиқилишини таъминлаш учун маъмуриятимга кўрсатма бердим.

Хурмат билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.
2020 йил 10 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари!

“COVID-19” пандемиясининг салбий оқибатлари бутун дунё ҳамжамиятига таъсир қилаётган бугунги фавқулдда шароитда мен мамлакатингиздаги қийинчилик ва хатарларни енгиб ўтишда Ўзбекистон халқи билан бирдам эканимни билдирмоқчиман. Вирус тарқалишига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган харажатларни ошириш, аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида Сиз томондан кўрилган тезкор чора-тадбирлар инқироз таъсирини юмшатишга хизмат қилади.

Халқаро валюта жамғармасининг Ижроия кенгаши жорий ҳафтада ушбу ғоят мушкул вазиятда Ўзбекистонга молиявий кўмак тақдим этишни маъқуллаганидан мамнунман. Ушбу ёрдам Жаҳон банки гуруҳи ва Осиё тараққиёт банкининг кўмаги билан биргаликда ҳозирги шароитда юзага келган молиявий эҳтиёжларни қондириш имконини беради.

Бугунги кунда Сизнинг бутун саъй-ҳаракатингиз, табиийки, коронавирус оқибатларини енгиб ўтишга қаратилган. Шунга қарамай, айти пайтда Ўзбекистонда фаол ва очиқ бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича ўрта муддатли мақсадларга эришиш йўлидаги ислохотларингизни давом эттираётганингиз мени руҳлантиради.

Кейинги уч йил давомида Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, савдони, нарх шаклланиши ва валюта айирбошлаш курсини либераллаштириш, давлат молияси ҳамда уни бошқаришдаги

салоҳиятни мустаҳкамлаш, молия сектори ва ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича мисли кўрилмаган янгиланишлар бошланди.

Ушбу ислохотлар Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал иқтисодиётга янада интеграциялашувига, бундан ҳам юксак, барқарор ва инклюзив тараққиётга эришишига хизмат қилади.

Бугунги шароитда ислохотларни амалга ошириш йўлида мавжуд барча хатарларга қарамай, сиз иқтисодиётни трансформация қилиш бўйича сиёсатингизни қатъий давом эттиришингизга ишонаман.

Шу муносабат билан ишонтириб айтаманки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва ХВЖ ўртасида эришилган юқори даражадаги ҳамкорликка таянган ҳолда зарур маслаҳат ва техник кўмакни тақдим этиш, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда молиявий ёрдам орқали Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёрмиз.

Мен Жаҳон банкининг ижрочи директори бўлган даврдаги ҳамкорлигимизни ва шу аснода Тошкентга ташрифимни илиқлик билан эслайман. Менинг бугунги кундаги вазифамда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишимизга умид қиламан.

Энг эзгу тилаклар билан

Кристаллина ГЕОРГИЕВА,
*Халқаро валюта жамғармаси
бошқарувчи директори.*
2020 йил 20 май

ЎЗБЕКИСТОН ОҒИР ДАМЛАРДА БИРДАМЛИКНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Хурматли Ўзбекистон аҳли, инсоният 100 кундан буён коронавирус инфекцияси билан курашмоқда. Бугунги кунда Европа минтақаси, АҚШ пандемия ўчоғига айланиб улгурди ва бизда ташвишланиш учун жиддий асослар сақланиб қолмоқда.

ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси барча миллий ташкилотлар ва муассасалар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Хусусан, мамлакатингиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги бизнинг асосий ҳамкоримиздир.

Дунёнинг деярли барча мамлакатлари каби Ўзбекистон учун ҳам лаборатория реактивлари, дори-дармон воситалари, тиббий буюмлар ва шахсий ҳимоя воситалари, беморларга ғамхўрлик қиладиган тиббиёт ходимларига талаб бор. Ушбу эҳтиёжларни қондириш мақсадида ЖССТ Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига ёрдам беришни давом эттиради.

Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ёрдамни жалб қилиш ва бу борада ЖССТ ваколатини кенгайтириш бўйича таклифларини қўллаб-қувватлаймиз. “COVID-19” пандемияси чегара билмайди, у дунёнинг барча мамлакатларини қамраб олди.

Оғир вазиятга қарамай, Ўзбекистон бирдамликни намоийш этмоқда. Хитой, Афғонистон, Эрон, Қирғизистон, Тожикистон, Венгрия, Беларусь, Россия, Озарбайжонга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлади. Ишончим комилки, улар буни миннатдорлик билан эшлашади.

Ушбу оғир даврда Президент Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг онлайн тарзда таш-

кил қилинган навбатдан ташқари саммитида фаол иштирок этди. Унинг фаолияти натижалари билан фахрланиш мумкин – Ўзбекистоннинг барча таклифлари ушбу форумнинг якуний ҳужжатида ўз аксини топди.

ЖССТ, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ушбу минтақавий ташкилот билан ҳамкорликни ўрнатиш таклифини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чоралар инфекцияни тўхтатишга имкон беришига умид қиламиз. Аммо бир зум бўлса-да, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ. Биз чекинмаслигимиз керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вазиятни диққат билан кузатиб бормоқда ва дунёда пандемия ривожланишига қарши курашмоқда.

Асосий вазифалардан яна бири тиббиёт ходимларини ҳимоя қилишдир. Зеро, тиббиёт ходимлари соғлиқни сақлаш тизимининг асоси бўлиб, уларнинг кучи ҳар доим аҳамиятли.

Глобал пандемия ҳамма учун умумий хавфга айланди. Шунинг учун уни фақат биргаликдаги ҳаракатлар билан бартараф этиш мумкин.

Мен бу курашда ўзбек халқига ва барчамизга зафарлар тилаб қоламан. Ишончим комилки, биз муаммони биргаликда енга оламиз.

Ханс КЛУГЕ,

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг
Европа минтақавий бюроси директори.
2020 йил 30 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович!

Болалигим ва ёшлик йилларим ўтган она юртимдаги ака-укаларим ва опа-сингилларим билан ҳозирги эпидемиологик қийинчиликларга шерик бўлар эканман, Сардоба сув омборида содир бўлган фожиа ҳақидаги хабарни, шунингдек, уни одамларимиз муносиб ва мардона қабул қилганлигини қалбимда оғриқ билан ҳис қилдим.

Муқаддас Рамазон ойида Аллоҳнинг ўзи мени Ватанимга чорлади, зеро, бу кунларда биз ёрдамга муҳтож одамларга алоҳида ғамхўрлик қилишимиз ва кўмак беришимиз керак. Биз қувончли дамларда ҳам, бошга ғам-ташвиш тушганда ҳам бир-биримизни елкама-елка туриб қўллаб-қувватлаймиз. Мен халқимизнинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайман ва шу сабабли сув тошқинидан жабрланганлар турмушини тиклаш ва яхшилаш, талафот оқибатларини тезкорлик билан бартараф этишга ёрдам кўрсатиш учун 10 миллион доллар ажратишга қарор қилдим.

Мен халқимизнинг дуоларига қўшилиб, уларнинг бошига тушган кутилмаган синовлардан тезроқ халос қилишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Хурмат билан,

Алишер УСМОНОВ
2020 йил 8 май

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ТУРЛИ ХАВФ ВА ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ БИРДАМЛИГИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар хорижий экспертлар диққат марказида бўлиб турибди. Хусусан, Исроил ижтимоий-сиёсий доира вакиллари мамлакатимизнинг замонавий ривожланишини юксак баҳоламоқда.

Қуддусдаги Яҳудийлар университетининг Осиё ва Африка тадқиқотлари институти ўқитувчиси Владимир Месамед Ўзбекистон ривожланишининг 2020 йилдаги асосий устувор жиҳатлари ҳақида, жумладан, бундай деди:

– Ўзбекистонда кўплаб соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти 2020 йилда илм-фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини таъкид-

лади. Буни мантиқий жиҳатдан жуда тўғри деб ҳисоблайман. Мамлакат босқичма-босқич янги даражага кўтарилмоқда. 2019 йилда амалга оширилган ислохотлар Ғарб иқтисодчиларига Ўзбекистонни “Йил мамлакати” сифатида эътироф этиши учун асос бўлди.

Ишончли молиялаштирилган дастлабки иккита йўналиш халқаро стандартларга жавоб берадиган кўп босқичли таълим тизимини яратади. Исроил томони Ўзбекистон билан ўз тажрибасини бўлишишга, шу жумладан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ҳамкорликка тайёр. Ушбу соҳада бизда катта тажриба ва ишланмалар мавжуд.

Исроил юқори технологияли мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикаси учун ҳақиқий таж-

риба ва салоҳиятли ҳамкорга айланиши мумкин.

Албатта, бугунги кунда барча давлатлар қийин даврни бошдан кечирмоқда. Коронавирус пандемияси яна бир бор дунёмизнинг қанчалик нозиклиги, унда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқлиги, биз шунчаки бир-биримизни ушлаб туришимиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз ва бир-биримиздан ўрганишимиз кераклигини кўрсатди.

Ўзбекистон раҳбарияти ушбу инкирознинг мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли ижтимоий ҳаётига етказадиган таъсири ни камайтириш борасида янги ташаббуслар билан чиқаётгани ҳамда самарали кураш олиб бораётганидан мамнунмиз.

Мамлакатда халқаро илғор тажрибалар фаол равишда қўлланилмоқда. Бу тушунарли, чунки пандемия глобал ҳодисадир, демак, биз унга қарши биргаликда курашишимиз керак. Бу одатий ҳаётга қайтишнинг ягона йўлидир.

“Ибн Сино Исроил” жамғармаси президенти, профессор Майкл Сох, ўз навбатида, Ўзбекистонда “COVID-19”га қарши курашда иштирок этадиган тиббиёт ходимларига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни алоҳида таъкидлади.

– Кўрилган чоралар ва Ўзбекистонда малакали шифокорлар саъй-ҳаракатлари туфайли коронавирусдан даволанганлар сони касалликка чалинганларга нисбатан кўпайди, – деди у. – Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон бу даврдан тез ва жиддий йўқотишларсиз ўтмоқда. Беморларга тезроқ соғайиб, ўз оилаларига қайтишларини тилайман.

Исроилдаги Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари институти директори Александр Зинкер коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон раҳбариятининг фаолиятини алоҳида қайд этди.

– Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев чет элда ислохотчи сифатида танилган. У Президент этиб сайланганидан бери иқтисодиётни, давлатни ва фуқаролик жамиятини эркинлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Биз республиканинг прагматизмга ва замонавий воқеликлар ҳамда миллий манфатларидан келиб чиқиб, янги ташқи иқтисодий алоқаларни қандай кураётганига гувоҳ бўляпмиз.

Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг миллий устуворликларини ҳисобга олган ҳолда, ташқи иқтисодий алоқаларни фаол диверсификация қилиш орқали

иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ стратегияни ишлаб чиқди.

Масалан, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, унинг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қарор-

лар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Ўзбек халқининг ўз етакчисига бўлган самимий ишончи, мамлакатни янада ривожлантириш ва раванқ топтириш йўлида хавfli таҳдидга қарши курашда бирдамлиги таҳсинга лойиқдир.

“Дунё” Ахборот агентлиги

Тель-Авив.

2020 йил 19 май

ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ ОҒИР КУНДА БИЛИНАДИ

Мамлакатларимиз маданиятида шундай умумий тушунча бор: ҳақиқий дўст бошга оғир кун тушганда, ғаму шодликларда бирга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг мамлакатимизга ана шундай оғир дамларда биринчилардан бўлиб инсонпарварлик ёрдами ни жўнатгани таҳсинга лойиқ. Бу саховат инсониятнинг энг қадимий байрамларидан бири бўлмиш Наврўз айёми арафасида амалга ошганида ҳам чуқур маъно мужассам.

Эрон Ислом Республикаси ҳукумати ва халқимиз номидан Ўзбекистон ҳукумати ва дўст, биродар халқига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга юртимизга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдирамыз.

Умид қиламызки, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммони бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, албатта, ўз натижасини беради.

Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ,
*Эрон Ислом Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавқулодда ва
мухтор элчиси.*
2020 йил 17 март

ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК ЭКСПЕРТ: “ЎЗБЕКИСТОН “COVID-19”ГА ҚАРШИ КУРАШДА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШМОҚДА”



Сеулдаги Корё университетининг профессори, айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида “COVID-19”га қарши курашиш бўйича эксперт-маслаҳатчи лавозимида фаолият юритаётган Цой Чже Ук Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мурожаат йўллади.

Цой Чже Ук ўз мактубида Ўзбекистон Республикаси ва

Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни юксак кадрлашни билдириб, Президентимизга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби Пан Ги Муннинг самимий табрикларини етказган.

Ўз навбатида, Жанубий корейлик профессор Ўзбекистоннинг “COVID-19”га қарши курашда улкан натижаларга эришаётганини алоҳида қайд этди. Унинг сўзларига кўра, четдан юқумли касалликнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун чегаралар ёпилгани, беморларни ташхислашда самарали усул қўлланилаётгани, ижтимоий карантин дастурлари амалга оширилаётгани, “ўзини яқкалаш” бўйича махсус жойлар ташкил этилгани ҳамда беморларни даволаш учун тўртта янги шифохонанинг бунёд этилаётгани коронавирусга қарши курашишда ижо-

бий натижаларга эришишнинг муҳим омили бўляпти.

Цой Чже Укнинг фикрича, ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам ушбу юқумли касалликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда Ўзбекистондаги каби самарали чораларни топиш қийин.

Цой Чже Ук таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги рақамларни бошқа мамлакатларники билан солиштирганда, инфекцияни юқтирганлар сони ва ўлим даражаси анча паст.

Бундай яхши кўрсаткичга самарали эпидемиологик текширишлар, “ўзини яккалаш” ва ижтимоий карантин бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар тufайли эришилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида қабул қилинган тезкор ва самарали қарорлар, шунингдек, инфекция тарқалишининг олдини олиш ҳамда назорат қилиш бўйича олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасидир.

“Халқ сўзи”.
2020 йил 1 май

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси (АҚШ) раиси Кэролин Лэмм Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган инқирозга қарши чораларни юқори баҳолади.

– Савдо палатаси аъзолари “COVID-19” пандемиясига қарши курашда Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватлайди, – дейди у. – Янги вирусли инфекция туфайли жорий қилинган чекловларга қарамай, биз гуманитар ва тижорат ёрдами кўрсатиш орқали Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ишларини давом эттирмоқдамиз. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида аҳоли, хусусий компаниялар, хорижий корхоналар ва инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисодиёт ва бизнесни рағбатлантириш, уларга кўмак кўрсатишга қаратилган ҳаракатлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Хусусан, 1 миллиард долларлик Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг ташкил қилиниши мамлакатнинг барча саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт ва логистика турларининг барқарор ишлашини таъминламоқда. Шунингдек, мамлакатда “COVID-19” тарқалишига қарши курашиш учун молиялаштириш механизми жорий этилиб, турли дастурлар воситасида тадбиркорлик фаолиятига кўмак берилмоқда ҳамда бандлик таъминланмоқда. Бундан ташқари, жамғарма тижорат кредитларини қайтариш учун фоизсиз бюджет ссудаларини киритиш, ташқи савдо билан шуғулланувчи субъектлар томонидан

қилинган логистика харажатларини қисман қоплаш орқали маҳаллий иқтисодиётни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби “COVID-19”га қарши курашда Ўзбекистон билан мунтазам мулоқотни давом эттириш ниятидамиз.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси халқаро пандемияга қарши курашишда Ўзбекистоннинг минтақавий мавқеи тўғрисида халқаро молия институтларининг хабардорлигини оширишни ўз зиммасига олган ва шу мақсадда шерикларимиз билан турли тадбирларни ўтказиш ташаббусини илгари суряпмиз.

“COVID-19” устидан ғалаба қозониш глобал ҳамкорликни талаб қилади. Ўзбекистонда пандемияга қарши фаол ва қатъиятли равишда курашаётган, ўз халқи, маҳаллий компа-

ниялар, хорижий корхоналар ҳамда инвесторларни ҳимоя қиладиган дўстаримиз бор.

Ўзбекистон Республикасининг бундай изчил ва дадил қадамлари бизнинг компанияларимизга инқироз даврида Ўзбекистонда ишлашни давом эттириш, бизнеснинг ишончли ва ҳалол шериги бўлиб қолишга катта ишонч уйғотмоқда. Ишонч бизнесдаги энг қимматли “маҳсулот”дир. Америка – Ўзбекистон савдо палатаси Ўзбекистонга ва унинг пандемияга қарши курашиш қобилиятига ишонади.

Биз Ўзбекистоннинг “COVID-19” билан боғлиқ вазиятга тезкор жавобини ва бизнеснинг янги стандартларини ўз вақтида қабул қилганини олқишлаймиз. Бу, шубҳасиз, Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

“Дунё” АА.
Вашингтон.
2020 йил 27 апрель

ЖАҲОН БАНКИ ЭЪТИРОФИ: “ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМНИ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИГА ТЕЗДА МОСЛАШТИРА ОЛДИ”

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси маълумотларига кўра, 24 апрель куни Жаҳон банки веб-сайтида “Ўзбекистон: мактабни ёпишда таълимга ўз вақтида жавоб бериш” сарлавҳали мақола чоп этилди. Материал муаллифлари – Жаҳон банкининг Таълим сектори менежери Гарри Патринос, катта ўқитувчи Янссен Тейхейра ва Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси таълим бўйича мутахассиси Нодира Мелибоева.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон ҳукумати касалликнинг биринчи ҳолати рўйхатга олинган куни “COVID-19” тарқалишининг олдини олиш учун барча мактабларни ёпишга қарор қилган. Икки кун ўтгач, Таълим вазирлиги карантин даврида 6,1 миллион ўқувчи учун масофавий ўқитишни жо-

рий этиш бўйича мисли кўрилмаган режани эълон қилди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, масофавий таълимга ўтиш ҳолатида бутун дунё бўйлаб талабалар, ресурслар ва электрон таълим имкониятларидан тенг фойдалана олмайди. Аслида, пандемик инқирознинг бундай тури номутаносиб равишда энг заифларга таъсир қилади, уларнинг аксарияти узоқ туманларда истиқомат қилади ва электрон қурилмалар ёки интернетга эга эмас, дейишади Жаҳон банкининг расмийлари.

Муаллифларнинг фикрига кўра, республикада чекланган интернет қамрови шароитида телевизион дарсларнинг бошланиши, бу – Ўзбекистон расмийларининг анъанавий ўқитиш усуллари вақтинча тўхтатиб қўйилишига энг тўғри

жавобидир, чунки рақамли эшиттириш бутун мамлакатни қамраб олади ва истеъмолчилардан қўшимча харажатлар ва янги инфратузилма ечимларини талаб қилмайди.

Таъкидланишича, бир неча кун ичида 350 дан ортиқ видеодарслар ўзбек, рус ва имошора тилида миллий телеканалларда намойиш этилиб, материаллар вазирликнинг ижтимоий платформаларида, шу жумладан, You tube ва Mover.uz видеохостларида ҳам жойлаштирилди.

Таълим вазирлигининг электрон манбаларидан бепул фойдаланиш имконияти юқори баҳоланмоқда, бу эса, ўз навбатида, техник билимга эга бўлган барча талабалар учун онлайн таълим олиш имкониятини сезиларли даражада оширди.

Бугунга келиб, кунига ўртача 100 та видеодарс жойланмоқда,

бу таълим дастурларининг пандемияда узлуксиз ўтишини таъминлайди.

Халқаро ташкилот вакиллариининг фикрига кўра, инқироз даврида яхши ишлаб чиқилган онлайн дастур ва фавқулодда масофадан ўқитиш ўртасида фарқ бор. Уларнинг фикрига кўра, кўплаб мамлакатларнинг ноанъанавий ўқитиш турларини жорий қилишдаги ҳаракатлари коронавирус пандемияси уларга берадиган қимматли тажрибани сақлай олиши керак.

Умуман олганда, Жаҳон банки мутахассислари таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг фавқулодда вазиятга тезкор ва ижодий муносабати республика ҳукуматининг пандемия вақтида ўқишга ёрдам беришга қодир бўлган гуруҳларга қўшимча юкларсиз ўз вақтида чоралар кўриш қобилиятидан далолат беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



МОМОКО ЧИБА

Токиодаги Жунтендо тиббиёт
университети фахрий
профессори

**КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШДА
ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ УРГАНИШ
ВА ҚЎЛЛАШНИ МАСЛАХАТ БЕРАМАН**

ДУНЁ НИГОҲИДА

- Мен коронавирусни дунёда тарқалиши ва Ўзбекистоннинг унга қарши кўраётган қатъий чораларини катта қизиқиш билан кузатмоқдаман. Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакат раҳбарияти вазиятни бошиданоқ назоратга олди. Бунинг самарасида Ўзбекистонда коронавирус билан касалланганлар сони тез ўсишининг олди олинди.

Ўзбекистон коронавирус талофатларини ўз бошидан ўтказган Хитой, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўз вақтида ва самарали ўрганишга муваффақ бўлди. Бу, ўз навбатида, мазкур инфекция билан курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



ЭММАНУЭЛ АЛЭН КАБАНИС

Париж тиббиёт академияси
фахрий президенти ва
академиги


**ЎЗБЕКИСТОН ПАНДЕМИЯ ТАЪСИРИНИ
КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА
ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРМОҚДА**

ДУНЁ НИГОҲИДА

Ўзбекистоннинг 300 мингга тезкор тест тизими ва 500 та механик шамоллатиш мосламасини харид қилиши, аҳоли пунктларида кўчма лабораториялар ташкил этилиши, шунингдек, кунлик ишлаб чиқарилаётган тиббий ниқоблар ҳажмининг 5 миллион донага етказилиши муаммоларни ҳал қилишда аниқ ва тезкор ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарининг фуқаролар хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаш масалаларига юқори даражада эътибор билан ва масъулиятли ёндашаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Соғлиқни сақлаш тизимини янгилашда давом этиш ва ислоҳ қилиш Ўзбекистонни Марказий Осиёда ўзига хос "тиббий марказ"га айлантиришга имкон беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ДУНЁ НИГОҲИДА



РОБЕРТ БЛУМ

Женева Дипломатик
доираси президенти

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИЛГАРИ
СУРГАН ТАШАБУСЛАР ТАРАҚҚИЁТ ВА
МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ**

– Ўзбекистон ҳукумати қабул қилаётган қарор ва кўрилаётган чоралар туфайли мамлакатда коронавирус билан боғлиқ вазият тўлиқ назорат остига олинган. Ушбу саъй-ҳаракатлар аниқ ва ўз вақтида амалга оширилган бўлиб, аҳолини табиий офатлардан ишончли ҳимоя қилишга имкон беради.

Мамлакат раҳбари пандемиянинг салбий таъсирини юмшатиш учун инфратузилмани ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус инқирозга қарши жамғарма ташкил этилишини эълон қилди. Шунингдек, эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш учун муҳим дастурлар қабул қилинди. Буларнинг барчасига катта куч ва маблағ йўналтирилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ДУНЁ НИГОҲИДА



Мерит ФОСС

Швейцариядаги
"Diva International"
журнали бош муҳаррири

**ЎЗБЕКИСТОН COVID-19 ТАРҚАЛГАН МАМЛАКАТЛАРГА
КЎМАК БЕРИШ ОРҚАЛИ ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАМОҚДА**

Ўзбекистон коронавирус пандемияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда илғор ҳаракат қилмоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳозирги мураккаб вазиятни ҳал этишда комплекс ёндашувни намоён этишга эришди. Жумладан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига тезкор равишда бепул бериладиган манзилли ёрдам тизими алоҳида эътибор ҳамда юқори баҳога лойиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон COVID-19 таъсирини тушган мамлакатларга инсонпарварлик ёрдамини юбориш орқали ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳини қўллаб-қувватлаётгани қувонарлидир.

СИНОВЛИ КУНЛАР НАФАСИ

КАРАНТИНГА ОЛИНГАНЛАР УЧУН ШИФОХОНАЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Ўзбекистонга коронавирус оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида Республика махсус комиссияси тузилган эди. 2020 йил 19 март куни Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам қабул қилинди.

Унга мувофиқ, Молия вазирлиги ҳузурида 10 триллион сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағлари юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш, даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, жиҳозлар билан таъминлашга сарфланади.

Коронавирусга қарши курашиш учун кўплаб давлатлар тез фурсатларда касалхоналар қурмоқда ва бу ўзини оқлади.

Маълумки, Президентимиз топшириғи билан ҳамюртларимиз коронавирус тарқалган давлатлардан олиб келинмоқда. Улар белгиланган муддатда карантинда сақланади. Бу ҳамюртларимиз карантин даврида махсус объектларда яшаши, агарда хавfli вирус аниқланган тақдирда даволаниши учун қулай ва барча шароитларга эга шифохонада даволаниши керак.

Шу мақсадда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида карантин муассасасини бунёд этишга киришилди. Бу масканга хориждан чартер рейслари орқали олиб келинаётган ватандошларимиз жойлаштирилади.

Айни пайтда коммуникация тармоқлари – газ, сув, электр



линиялари тортилмоқда. Тез орада муассасага хориждан келган ватандошларимиз жойлаштирилади.

Бу ерда беморлар учун барча шароитларни яратишга ҳозирлик қўрилмоқда. Муассаса контейнерлардан қурилмоқда. Контейнерларнинг том қисмида махсус изоляция материали

ўрнатилган бўлиб, у контейнер ичида зарур микроклимни яратишга кўмак беради. Хоналарнинг ҳар бири ҳожатхона, душ, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, совутиш мосламалари ҳамда телевизор билан жиҳозланади. Ҳар бир фуқаро 27 турдаги шахсий гигиеник восита билан таъминланади.

ЎзА.

2020 йил 26 март





ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА ИШ БОШЛАДИ

Коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва унинг оғир салбий оқибатларини камайтириш учун юртимизда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса, касалликка чалиниш хавфи бўлган кишилар учун махсус карантин ҳудудлари қисқа муддатда ишга туширилди. Касалликни даволашга мўлжалланган қатор шифохоналар қуриляпти. Хусусан, Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилаётган ихтисослаштирилган кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонаси ҳам бу борада олиб борилаётган ишларнинг мевасидир.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектар майдонда икки минг ўринга мўлжалланган, бир қаватли тўрт блокдан иборат шифохонадир. Ҳар бир блокда 5 та даволаш корпуси, шу жумладан, 3 та стационар бокс (бўлим),


1 та жонлантириш бўлими ва 1 та жарроҳлик бўлими мавжуд.


Айни кунларда қурилиш ишларининг биринчи босқичи, яъни 16,5 гектар майдонда 1 000 ўринга мўлжалланган бир қаватли 18 та блок қисми фойдаланишга топширилди.

Шифохона комплекси енгил конструкцияли, изоляция қилинган сендвич панелларни қўллаган ҳолда, энергия тежамкор технологиялар асосида қисқа муддатда қурилди.

Энг сўнгги замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Шифохона юқумли касалликлар хусусияти ва замонавий тиббиёт талаблари асосида лойиҳалаштирилди.

Биоларнинг жойлашуви шундайки, тез ёрдам машинасида келган бемор тўғридан-тўғри ўз палатасига жойлаштирилади. Машиналар чиқиб кетаётганда, албатта, дезинфекция қилина-





ОФАТ БА МАТОНАИ

ди. Шунингдек, стационар жойларнинг ҳаммаси боксланган, ҳар бир хона автоном. Биридаги ҳаво бошқасига ўтмайди. Уларга кириб чиқиш ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам алоҳида. Касаллар келгач, қабул бўлимидан тамбур орқали тўғридан-тўғри ўз палатасига жойлаштирилади. Шифокор тамбурга кирганидан сўнг токи ташқи эшик қулфланмагунча бемор ётган хонанинг эшиги очилмайди. Қайтиб чиқиб кетиш ҳам айна шу тартиб асосида.

Бундан ташқари, ҳар бир эшик махсус код орқали очилиб ёпилади. Бу эса нафақат беморларнинг, балки тиббиёт ходимларининг ҳам ўринсиз ва бемаврид ҳаракатларининг олдини олади.

Шунингдек, барча корпуслар, бўлинмалар тоза ва нотоза йўлаклар билан ажратилган. Тоза йўлакдан фақат тиббиёт ходимлари ўз вазифасини бажариш учун фойдаланади. Шифокорлар ҳаракатланиш чоғида санитар ўтказгичлар орқали ўтади. Бу барчанинг — ташхиси ноаниқ бўлганлар, врачлар ва бошқа хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Аҳамиятлиси, шифохонада қоғоз шаклидаги тиббий иш ҳужжатларидан тўлиқ воз кечилиб, улар рақамлаштирилди. Барча ишлар “Электрон соғлиқни сақлаш” тизими орқали амалга оширилади.

Коронавирус хасталиги оғир кечадиган беморларга хизмат кўрсатадиган 72 ўринли реанимация бўлимидаги ҳар бир койка ўпканинг сунъий вентиляцияси ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган. Шу билан бирга, бу бўлимни бир вақтнинг ўзида кардиология, неврология, педиатрия каби турли йўналишлар бўйича ҳам жиҳозлаш мумкин. Қисқаси, бемор, хонадан-хонага олиб юрилмайди.

Аксарият мамлакатларда тождор вирус шифохона ичидан тарқалиши ҳоллари ҳам учраб турибди. Чунки инфекция ҳаво томчилари, маиший мулоқот орқали юқиши инobatга олинса, фуқаролар карантин даврида ёки шифокорларнинг ҳам ушбу касалликка чалинишида бинодаги ҳаво алмаштириш тизими нотўғри ўрнатилгани, беморларнинг умумий овқатланиш, ювиниш жойи битта бўлгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Шу боис, мазкур шифохонада ҳар бир хонанинг вентиляция – ҳаво айланиши тизими пухта ўйланди. Ҳаво ҳар бир койканинг бош томонидан берилиб, оёқ томонидан сўриб олинади. Бунинг натижасида доимий стериллик таъминланади.

Тизим орқали чиқарилган ҳаво ҳам шунчаки тарқаб кетмайди, балки барча бактерия ва вируслардан тозаланади. Ҳатто хоналарнинг пол қисми антибактериал қоплама билан қопланган. Хоналарга вирусларга қирон келтирадиган кварц шишали

лампадар ўрнатилган. Ҳар бир боксда беморларга овқатланиш, ювиниш учун шароит яратилган. Кўрпа-тўшак ва матолар ювилиб, бошқа буюмлар буғ ёрдамида дезинфекция қилинади. Умуман олганда, бирор вирус бу ерда яшаб қололмайди.

Махсус шифохона магнит резонансли томограф, рақамли рентген аппарати ва замонавий УТТ диагностика қурилмаси ҳамда гемодиализ билан жиҳозланган. Бундан ташқари, шифохона мураккаб эпидемиологик вазият ва фавқулодда ҳолатларда заруратга кўра, тўлиқ карантин муассасаси сифатида мослаштирилиб, фаолият кўрса-тиши мумкин бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, шифохонада замонавий

технологиялар орқали масофавий тиббий кўрик ва консилиумлар ташкил этиш ҳамда даволашнинг таъсирчан усулларини муҳокама қилиш учун барча имконият яратилди. Бу орқали замонавий телетиббиёт технологиялари асосида республикамиз ҳудудларида ҳам юқори сифатли тиббий хизматлар ташкил этилади. Келгусида тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларига малака ошириш учун махсус клиник база платформаси сифатида хизмат қилади.

Айтганча, мазкур шифохона ҳудудида вертолёт қўниши учун ҳам шароит бор. Бу эса яқин йиллар ичида тиббиёт вертолётлари ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилаётганидан дарак беради.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири.
2020 йил 7 июль



Зангиота туманида барпо этилган ихтисослаштирилган кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонаси

НАЖОТ ФАРИШТАЛАРИ



Вирусология илмий текшириш институти жонлантириш бўлими даволовчи шифокори Зафар Мейлиев бир неча йиллардан буён оиламизнинг кадрдон дўсти. Ўз касбининг жонкуяри бўлиши билан бирга, кўп китоб ўқиши, Ер юзи вирусологларининг илмий тажрибалари, билимларини тинимсиз ўрганаётгани билан диққатимни тортган бу ёш шифокорни карантин бошланиши билан йўқотиб қўйдим. Аммо доим

хаёлимда: “Зафаржон ҳам ўша “жанг майдони”да, бошқа қарда ҳам бўлар эди. Нима бўлса ҳам, соғ-омон бўлсин. Қашқарёда унинг дуои жонини қилиб турган кекса ота-онаси, уйда болаларига: “Дадажонингиз навбатчиликда, касалларни даволаяпти. Беморларни ташлаб келолмайди. Хадемай барчасини даволайди, кейин уйимизга қайтади. Унгача биз қўлларимизни совунлаб ювиб, кўчага чиқмай дарс қилишимиз керак”, дея болаларини овутиб турган жуфти ҳалоли бор, деб ўйладим.

Карантин эълон қилингандан уч кун ўтиб Зафаржонга SMS юбордим:

“Биламан, сиз ҳам кеча-кундуз жонлантириш бўлиמידасиз. Мен сиз ва ҳамкасбларингизнинг фидойилигингизга ишонаман. Қачон қўлингиз бироз бўш бўлганда “Ҳаммаси яхши, хавотир

олманглар”, деб ёзиб қўйсангиз бўлди”.

Роппа-роса ўн бир кун деганда, яъни 2 апрель куни SMSимга Зафаржондан жавоб келди:

“Опажон, хавотир олманглар. Мана, юзимиз ёруғ бўлиб иккинчи гуруҳ беморларни соғ-саломат кузатяпмиз. Барчамиз бардаммиз. Мен оддий шифокор бўлиб, халқимнинг оғир кунда жонига малҳам бўлаётганимдан розиман. Бу ерда ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Чунки бир инсоннинг азиз умрини сақлаб қолиш учун баъзан дақиқалар кифоя қиляпти.

Телевизор орқали кўраётган бўлсангизлар керак, Президентимиз биз шифокорларни қанчалар кўкларга кўтариб: “Коронавирусга қарши курашда зарбани биринчи бўлиб шифокорлар қабул қиляпти”, деди. Аслида биз тиббиёт аҳли давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлигидан куч-қувват олиб турибмиз. Кечаю кундуз у кишининг меҳрини ҳис қилиб ишляпмиз. Энг янги тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар, ташихис аппаратлари, тестлар билан таъминландик. Чет элнинг энг илғор тиббиёт ходимлари билан видео-конференциялар ўтказмоқдамиз. Улар ҳам ўзбек шифокорларининг амалиётларига юқори баҳо бермоқда. Қисқа вақт ичида қурилаётган йирик шифохоналар ҳам, мамлакатда сафарбар этилган ҳомийликлар, болаларимизнинг онлайн тизимда ўқиёт-

гани – ҳаммаси таҳсинга лойиқ. Мен шундай қудратли юртнинг шифокори эканимдан фахрланаман.

Опа, энди биз ҳақимизда шеър ёзсангиз бўлади. Ҳарқалай, кўзимизга тиқилиб келаётган қумдек оғир уйқуни сидириб, тик оёқда туравериб навбатчиликдан сўнг оёқлар сирқираётганини сезган чоғларда шундай ўйладим. Биз бир оз мизғиб, яна палаталарга чопамиз, ҳа, ҳақиқий “жанг майдони”да ҳаёт учун, тирик қолиш учун кураш кетмоқда. Биз енгимиз. Яхши кунларда кўришигунча!”.

Орадан бир кун ўтиб Зафаржондан янги SMS олдим.

Унда: “Опа, бирор нима ёздингиз бўлсангиз, қуйидаги ҳамкасбларимнинг исми-шарифини, албатта, қайд этсангиз, миннатдор бўлардим. Кўз ўнгимда уларнинг юзларида ажинлар кўпайди, сочларида оқ пайдо бўлди. Уларнинг барчаси қисқа вақт ичида қанчадан-қанча беморларни Аллоҳнинг ёрдами билан “тожли аждар” оғзидан қайтариб олмоқда. Бир лаҳза ҳам ўлимга таслим бўлишгани йўқ, тўхтовсиз жасорат кўрсатишмоқда. Мана улар: Вирусология илмий текшириш институти бош шифокори Муҳайё Асилова, шу институт клиникаси жонлантириш бўлими мудури Хайрулла Файзуллаев, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматологи Санжарбек

Отажонов, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори, пульмонолог Хайрулло Ражабов, шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматологи Алишер Пўлатовлар ва бошқалар”, деб ёзибди.

Зафар Мейлиевнинг ҳамкасбларининг сони бугунги кунда 100 мингдан зиёд. Улар карантин муддатини ўтаётганларга хизмат қилаётганлар, улар дори-дармон таъминотчилари, улар шошилиш тез тиббий ёрдам машиналарида елдек югуриб юрганлар.

Улар – нажот фаришталари.

*Иситмалаб ётган бемор ёнида,
“Кўринмас аждар”ни енгинг, маҳв этинг.
Биз уйда, сиз эса “жанг майдонида”,
Бизларни кечиринг, бизни афв этинг.*

*“Бир ютум ҳаво”, деб мўлтирар кўзлар,
Жонидан азобни бартараф этинг.
Нинанинг учида юрган, азизлар,
Бизларни кечиринг, бизни афв этинг.*

*Биз қачон етибмиз иззатингизга,
Сиз мулки маъзурни дур, садаф этинг.
Қандайин қараймиз кўзларингизга?!
Бизларни кечиринг, бизни афв этинг.*

*Сиз бардош, сиз нажот фаришталари,
Юртни байрамларга мушарраф этинг.
Гул кўтариб борсак ҳузурингизга,
Бизларни кечиринг, бизни афв этинг.*

Зулфия МЎМИНОВА,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

2020 йил 24 апрель

“БЕМОРНИНГ КЎЗЛАРИДАГИ ИЛТИЖОНИ КЎРИБ, ЎЗИМНИ ҚЎЛГА ОЛДИМ...”

Юртимизда коронавирус инфекцияси таъсирида юзага келган касалликлардан шифо топиб, яқинлари бағрига қайтаётган юртдошларимиз сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бунда малакали ва жонкуяр шифокорлар қаторида истарали, ширинсўз ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимларининг ҳам ўз ўрни бор.

Республика Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида беморларни даволаётган тиббиёт ходимлари навбатма-навбат ўрин алмашмоқда. Улар юксак миннатдорлик ва эҳтиром билан ўн тўрт кунлик изоляцияга кузатилмоқда. Бундай тиббиёт ходимлари орасида шахар 5-юқумли касалликлар клиник шифохонасидан жўнатилган саккиз нафар ҳамшира ҳам бор. Улар бор куч ва маҳоратини ишга солиб, бир-бирини қўллаб, беморларнинг соғайишига ўз ҳиссаларини қўшдилар...

2020 йил 25 мартнинг сокин кечаси. Ҳамшира Шарофат Дадабоеванинг қўл телефони жиринглади. Унга шифохона бош ҳамшираси эрталаб соат саккизда ҳамма зарур анжомларини олиб, тайёр бўлиб келишини тайинлаб, Вирусология илмий-текшириш институти клиникасига жўнатилишини маълум қилди. Гарчи йигирма бир йиллик иш тажрибасига эга Шарофат ўз хоҳиши билан кўнгиллилар гуруҳига ёзилган, бир куни улар ҳам сафарбар этилишини билган бўлса-да, қалбини алланечук ғулғула эгаллади. Тўрт фарзанди кўз олдидан ўтди. Тўнғичи ўн тўққизга кирган, укаларини бемалол эплашига кўзи етади. Аммо кенжаси... “У ҳали эндигина икки ёшдан ошган. Менга ичкиб қолмасмикан”, дея ўйлади у. Лекин юрагида хавотир билан бирга, Ватанга дахлдорлик, фидойилик ҳисси

ҳам жўш ура бошлаганди. Шунча кўнгиллилар ичидан танлаб олингани, жамиятга керакли инсон эканини англаб, ўзини қўлга олди ва ишга отланди.

26 март. Шарофат сингари ўз касбининг моҳири, бир неча йиллик тажрибага эга бўлган, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсата оладиган яна етти нафар ҳамшира танланиб, Вирусология илмий-текшириш институти клиникасининг маркази – реанимация бўлимига жўнатилди. Бу саккиз ҳамширани оғир беморлар билан ишлай олиш кўникмаси ҳамда хасталикка мурасасизлик ҳисси бирлаштириб турар эди. Том маънода, саккиз ҳамшира жангчи мисоли уруш ўчоғига йўл олганди.

– Республика Вирусология илмий-текшириш институти клиникасига боргач, бир кун давомида эпидемиологлар бизга ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланишни ўргатди, – дейди Шарофат Дадабоева. – Ҳамкасбларим билан қайта-қайта машқ қилдик. Сабаби, ҳимоя кийими, ҳаттоки ниқоб ва қўлқопларни ҳам кийиб-ечиш қоидалари бор. Бу ўринда йўл қўйилган кичик хато ёки эътиборсизлик ҳам касалликни юқтиришга замин яратади. Ишхонамизда олган билимларимиз қўл келиб, бу кўникмани дарров ўзлаштирдик. Энди эртанги иш куни бошланишини ҳадик билан кута бошладик. Менимча, мен билан келган

ҳамшираларнинг барчаси тунни бедор ўтказган бўлса керак. Тонг отди. Соат тўққизда навбатчиликни қабул қилдик. Бизни оғир касаллар бўлимига қўйишди. Улар томон кетиб борар эканман, қалбимни қўрқув аралаш турли ўй-хаёллар эгаллай бошлади. “Инфекцияни юқтириб олсам, тўртта болам бўзлаб қолмайдими?” каби фикрлар миямда айланар эди. Менга бириктирилган беморнинг кўзларидаги илтижо ва мунгни, бизга мўлтираб турган илинжли нигоҳларни кўриб, дарҳол ўзимни қўлга олдим. Улар менга қараб турганида, ўзимни ожиз ҳис этиб турсам, қандай ёрдам бера оламан, деган ўй менга журъат бағишлади. Дадил ишга киришдик. Кейин билсам, ҳамроҳларимнинг қалбидан ҳам шундай ўйлар ўтган, беморлар кўзидаги илинж уларга куч бағишлаган экан...

Орадан бир кун ўтиб, кутилмаган воқеа содир бўлди. Ҳамширалар келган пайтда аҳволи ўта оғир деб баҳоланган бемор вафот этди.

Ана энди янги ишга киришган саккиз ҳамширанинг аҳволини тасаввур қилаверинг. Бироқ шундай мураккаб вазиятда ҳам улар иродасини намоён эта олди. Масофа сақлаган ҳолда имо-ишоралар билан бўлса-да, бир-бирига суянч бўлди. Катталар кичигини қўллади, кичиклар катталарга ҳурмат кўрсатди.

– Ўлим ҳолати барчамизни эсанкиратиб қўйди, – дейди муолажа ҳамшираси Дилфуза Содиқова. – Лекин учинчи кундан бошлаб ўзимизни батамом қўлга олдик. У ердаги малакали шифокорлар далда берди. Биз қатъий назорат остида ишимизни дадил давом эттирдик. Қолаверса, бир марталик ҳимоя кийимлари, ниқоб ва қўлқоплар борасида тақчиллик йўқлиги, шифокору ҳамширалар учун яратилган шароитлар кўнглимиздаги ғуборларни аритди. Тиббиёт ходимларининг ҳимояланиш даражаси жуда юқори эди. Қолаверса, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ускуналар ва даволаш чоралари ҳеч бир давлатниқидан кам эмаслигини кўрдик. ОАВ орқали хабардор бўлаётганингиздек, кунига ўнлаб беморлар шифо топмоқда. Биз борган пайтда нисбатан оғир ҳолатда ётган икки бемор тузалиб, ҳозир махсус хоналарга олинди. Телефон орқали аҳолини сўраб турибмиз.

Энг ривожланган давлатларда ҳам назорат қўлдан кетиб, кунига юзлаб, минглаб беморлар вафот этаётганини кўряпмиз. Шукрки, бизда шифокорлар 12 соатдан, ҳамширалар эса 6 соатдан навбат алмашиб, бир дақиқа бўлса-да, беморларни эътибордан четда қолдирмаяпти. Ўзбекистон тиббиёти бугун ўз куч-қудрати ҳеч қайси мамлакатдагидан кам эмаслигини яна бир бор намоён этмоқда.

– Реанимация бўлимига киришдан олдин тартиб бўйича кийинамиз, – дейди Шарофат Дадабоева. – Кейин бир-биримизнинг тўғри кийинганимизни текшираемиз. Шу бўйи соат 9:00 дан 15:00 гача на егулик еймиз, на бир қултум сув ичамиз. Ҳимоя кийимимизда ўзгариш бўлмаслиги учун бундан тийиламиз. 6 соатлик ишдан сўнг ҳамроҳимизга навбатчиликни топшираемиз. Шифокорлар эса у ердаги беморлар ичган сувнинг ҳар томчисигача назорат қилиб туради. Ҳамширалар ҳар бир қилган муолажасини ёзиб боради. Бемор бир жойда узоқ ётса, ётоқ яраси тошиши мумкинлигини яхши биламиз. Касаллик билан курашиб ётган бемор учун у ортиқчалик қилади. Тошманинг олдини олиш учун беморларни дам ўнг томонга, дам чап томонга ёнбошлатиб, енгил уқалаб турдик. Бундан ҳам кийини – ўпканинг сунъий вентилияцияси аппаратини ўчириб туриш ва қайта улаш жараёни. Баъзи беморларни овқатлантириш ёки дори ичириш пайтида бу аппаратни тўхтатиб турардик. Биласизми, зиммасидаги улкан масъулият инсонни янада дадил қилиб қўяр экан. Биз, ҳамширалар барчасини уддаладик. Санитария-эпидемиология қоидаларига қатъий амал қилиш эса диққат марказимизда турди. Реанимациядан чиқиб, бир сидра ҳимоя кийимини ечсак,





ётоқхона биносига кираверишда иккинчи химоялагичдан халос бўлардик. Шундан сўнг тўғри махсус гигиеник душ қабул қилиб, уст-бошимизни янгисига алмаштирардик. Ундан кейин антисептик воситалар билан қўлимизни артиб, хонамизга кирардик. Баъзилар олти соат, баъзилар ўн икки соат дам олиб, яна ишга қайтар эди. Айни пайтда ўзимиз изоляциядамиз. Энди бизга ғамхўрлик қилиняпти. Бу ердаги имкониётлар ҳам аъло даражада. Шу ўринда биз учун бекаму кўст шароит яратиб берган Президентимизга ва бизни дуо қилаётган халқимизга раҳмат айтамыз...

Ҳамширалар билан суҳбатлашар эканман, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Уларнинг суратларига қараб, ҳар биридан улкан бир қаҳрамон ясадим. Айтаётган ҳар бир гапи юракдан чиқаётганини ҳис қилдим. Айниқса, ҳамширалар ичида ёши улуғи Наргиза Алимшайхованинг сўзлари кишини тўлқинлантирмасдан қўймайди.

– Мен жимжимадор сўзлашни билмайман, – дейди у. – Лекин шуни айта оламанки, у

ерда ўтган ўн етти кунлик ҳаёт менга яшашнинг асл мазмунини англашга, касбимиздан фахр туйишга туртки берди. Одамларга, айниқса, беморларга ёрдам қўлини чўзиш асл бахт эканини англадик. Ишонасизми, хизматимиз тугаб, улар билан хайрлашаётганда худди фарзандимиз, ука-синглимиз, қадрдонимиздан узоқлашгандек ҳис қилдик ўзимизни. Ахир, улардаги ҳар бир ўзгаришни боламизнинг атак-чечак қилиши, қадам ташлаши, юриши, илк сўз айтишидан хурсанд бўлгандек суюниб қабул қилардик-да.

Саккиз нафар тиббиёт ходими билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Улар қаторида яна Замира Абдурахмонова, Дилфуза Содикова, Гулбахор Суннатовна, Люция Мамлееванинг фикрларида ҳам умумийликни кўрдим – бу шукроналик ва фахр.

Сўзлаганларимиз жонкуяр ходимлардан бир гуруҳининг фаолиятидан бир шингил, холос. Аслида уларнинг сони кўп. Улар жимгина, фидойиларча ўз ишларини давом эттирмоқдалар.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
журналист.
2020 йил 27 апрель

ТАҲДИДЛАРНИ ДАФ ҚИЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

2020 йилнинг баҳори ўзбекистонлик деҳқонлар учун ниҳоятда қулай келди. Боғлар, бўстонлар беталафот гуллаб-яшнаб олди. Олди ғўра мевалар қинидан чиқа бошлади. Еримиз офтобда кўпириб, увоқ-увоқ бўлиб, уваланиб, уруғларни қабул қилишга шай бўлиб турибди. Ундан: “Экиннингни эк! Вақтингни бой берма, келажак орзу-аъмолларингнинг тамал тошини қўй! Бугунги сочган уруғинг эртанги йиғиштириб оладиган олтинларингдир”, деган тарзда ўзбек деҳқонига бугун тонгдан тонггача нидолар келиб турибди. Деҳқон бу нидоларни тушунади, уни ўз ҳаётига чорлов деб қабул қилади. Ернинг бу ҳаёт чақириғи ҳаммамиз учун асос чақириқ.

Офатлар эса ўтकिनчи!

Одамзод бошида азалдан офат, талафот бор. Инсоният азалдан уларга қарши курашиб, кучли, оқил, матонатли бўлди.



Болалик чоғларимда, 1940 йилларнинг ўрталарида кўчаларда безгак тутиб қолган, силласи қуриб, шақиллаб титраб-қалтираган, деворлар тагида, ариқлар ичида думалаган одамларни кўрардим. Трахомалар одамларнинг кўзларини ўйиб ерди. Сил таёқчалари неча-неча ширин жонларни қора тупроқларга тикарди. “Хинин”, “Стрептоцид”, “Пенициллин” деган ғалати овозалар, шов-шувлар халқ ичида юрарди. Безгаклар қуриди, трахомаларга даво топилди. Бола бўлсак

хам, ўшанда шундай дориларни топган илм-фан қудрати мурғак ақл-идрокимизни лол қилар эди ва илм умр бўйи оҳанрабо каби бизни ўзига тортарди. Бугун “диабет”, “вирус” деб вужудимизга қўрқув, ваҳима соладилар. Нима, инсониятни қутқарган “пенициллин”ларни яратган буюк олимлар энди йўқми? Биз энди ёш қизча – Греталарнинг экологик ваъзларини оғзимизни очиб тинглаб ўтиришга ўрганиб қолмадикми? Энди ким инсониятни оммавий касалликлар, оммавий ғулғулалардан ҳимоя қилади? Ҳимоя борми энди? Маърифатли Европада энди фантазияси кўкларга парвоз қилган Мюнхаузенлар йўқолиб кетдимми?

Ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Президент ва ҳукуватимиз жаҳон микёсидаги бундай оғир вазиятда энг илғор мамлакатларга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ғайрат, шижоаткорлик, билимдонлик, зудлик билан эпидемияга қарши зарур чоралар кўрмоқда. Эпидемиянинг тарқалиш йўллариغا мустаҳкам тўсиқ қўймоқда. Узоқ эртани кўзлаб, ҳисобли илмий, оқил режа асосида амалий ишларни катта микёсда олиб бормоқда. Халқимиз эса кўрсатилаётган ана шу ғамхўрлик, меҳр-оқибатга яраша бағирдошлик анъаналари, удумларига

риоя этипти. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар, ҳар бир туманда том маънода ҳозиржавоблик қилмоқда.

Барчамиз сидқидилдан аҳволни тушунган ҳолда уйда ўтирган бўлсак ҳам, бутун сезгиларимиз, жонимиз, ақлу уқувларимиз баробарида бу улуғвор ва зарур саъй-ҳаракатларга бардам қўшилмоқдамиз. Элу юрт омонлиги йўлида ҳаммамиз доим жону дилдан биргамиз. Албатта, турли-туман шароитлардаги оилалар, хонадонлар атрофимизни қуршаган: аъзолари кўп, аъзолари кам. Ёруғ дунёга чақалоқлари келаётган, касал боқётган, кексаларни авайлаётган, ёрдамга муҳтож оилалар ҳам оз эмас. Бундай оилалар, хонадонларда катталар кичикларга мададкор, кичиклар эса катталарга илҳомкор, ҳамма бир-бирини қўллаган. Сенинг ёнингда сени тушунадиган, меҳр кўрсатадиган жонкуярларнинг борлигини ҳис қилиб турсанг, қандай яхши!

Ҳукуват ҳеч кимни унутгани йўқ. Ҳеч кимни назардан қочиргани йўқ. Буни бутун халқ сезиб турибди. Халқ ўз раҳбарларига ишонади, уларга эргашади, изларидан боришни истайди. Бу эса халқ учун ҳам, ҳукуват учун ҳам чексиз куч-қувват манбаидир.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби.
2020 йил 21 апрель

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК – ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ



Тарихдан маълумки, кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ҳар қандай қийин вазиятдан чинакам қаҳрамонлик ва матонат билан чиқа олган. Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек халқи уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллионга яқин инсонга бошпана бериб, ўз нонини улар билан баҳам кўргани бунинг исботидир. Айниқса, ота-онаси, оиласидан жудо бўлган 200 минг нафар бегуноҳ болани “Сен етим эмассан!” деб бағрига босиб, меҳр-мурувват кўрсатди.

Бугунги жиддий ва таҳликали вазиятда зудлик билан пандемиянинг кенг тарқалишининг олдини олиш, одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган таъсирчан чора-тадбирлар учун мен Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистондаги рус миллати вакиллари номидан миннатдорлик билдираман.

Коронавирус пандемияси даврида мамлакатимиз аҳолиси озиқ-овқат, дори-дармон ва зарур тиббиёт воситалари, бошқа ҳаётий муҳим ашёлар билан мунтазам таъминланмоқда.

Тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва бошқа инфратузилма объектларини қисқа муддатларда ку-

риш ишлари ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Саховат ва кўмак” умуммиллий ҳаракати ўзбек халқига хос инсонпарварлик, миллий қадрият ва анъаналаримизга янада уйғунлик, ҳамоҳанглик касб этмоқда. Тарихий ва маънавий қадриятларимиз, жумладан, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат, ўзгаларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиш, топганини ўзгалар билан баҳам кўриш каби юксак инсоний фазилатларимизни намоён этувчи ушбу хайрли ташаббусда юртимизнинг турли ҳудудларида иш олиб бораётган Ўзбекистон Рус

маданий маркази вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз якдилмиз ва ишонамизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади. Ўшанда синовли дамларда қилган хайрли ишларимиздан, юртдошларимизга қилган эҳсон, саховату кўмақдан кўнглимизда ёруғлик бўлиб, ўзимиздан миннатдор бўлишимиз аниқ. Чунки ўша кезларда юртдош, маҳалладошлар кўзига тик қараб, бир-биримизга оқибат кўрсатганимиз учун юртимизга яна тинч ва осуда ҳаёт қайтганини сезамиз.

Сергей МИРОНОВ,
*Ўзбекистон Рус миллий
маданий маркази раиси.*
2020 йил 1 май

ҲАЁТНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАГАН ОДАМ УНДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШГА ҚОДИР ЭМАС



Мана, қарийб уч ҳафтадан буён уйдамыз. Аввало, шуни айтишим керакки, ижод аҳли азалдан ҳам ўзи билан ўзи олишиб, ўз устида тинимсиз ишлаган, уйда ўтиришдан зерикмаган. Аммо ҳозирги вазият ҳеч қачон бўлмаган шундай бир имкон бердики, қалбимиз эшиги илму ирфонга кенг очилди. Бугун ўқийман, эртага ўқийман, деб йиғилиб қолган китобларни бирма-бир очиб ўқий бошладик.

Ўзимни айтадиган бўлсам, “Мирзо Улуғбек” асаридан ёд олганим 44 бетли шеърий матни ҳар куни бир марта такрорлашимнинг ўзига уч соат вақтим кетяпти. Менинг ёшимда ҳар куни такрорламасликнинг иложи ҳам йўқ аслида. “Узилмаган гул” номли асарда ҳам роль ижро этяпман, ундаги сўзларимни ёдлаяпман. Кўзимни юмганча, сахна оламига узоқ шўнғийман. Театрда бадиий кенгаш аъзоси эмасманми, кенгаш аъзолари билан гаплашиб тураман.

Мутолаа, ўз устимда ишлаш машқларидан сўнг оламга бир назар солай деб деразадан ташқарига боқаман. Даҳшатга тушаман. Шовқин йўқ, машиналар йўқ, ҳаммаёқ жим-жит. Э, худойим, қаерда хато қилдик, гуноҳларимизни кечиргин, дея оятлар ўқиб, бутун халқимизга омонлик сўраб, дуо қиламан.

Коронавирус менга шундай бир туртки бердики, бугунги вазиятдан кейин оқ халатли шифокорларга ҳурматим ниҳоятда ортди. Очиғини айтаман, сценарийда врачлар ҳақида 1–2 та салбий фикрлар бор эди. Ўшаларни олиб ташладим. Асар анча ўзгариб кетди. Ўзимнинг ролим ҳақидаги салбий фикрлар ўзимга ёқмай қолди. Негаки, бугун жонини хатарга қўйиб, беморларни ўз опаси, акаси, яқинидай кўриб, дардига малҳам бўлаётган инсонларга тош отиб бўлмайди. Улар Аллоҳ томонидан инъом этилган оқ кийимли фаришталар. Бугун уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида гапириш керак.

Шу ўринда бир гапни айтмасам бўлмайди. Нурулло Аббосхоннинг “Одамлар орасида” пьесасида врач ролини ўйнапман. Коронавирус менга шундай бир туртки бердики, бугунги вазиятдан кейин оқ халатли шифокорларга ҳурматим ниҳоятда ортди. Очиғини айтаман, сценарийда врачлар ҳақида 1–2 та салбий фикрлар бор эди. Ўшаларни олиб ташладим. Асар анча ўзгариб кетди. Ўзимнинг ролим ҳақидаги салбий фикрлар ўзимга ёқмай қолди. Негаки, бугун жонини хатарга қўйиб, беморларни ўз опаси, акаси, яқинидай кўриб, дардига малҳам бўлаётган инсонларга тош отиб бўлмайди. Улар Аллоҳ томонидан инъом этилган оқ кийимли фаришталар. Бу-

гун уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида гапириш керак. Баъзи саҳифаларни ўзгартириш керак. Хуллас, бу асар устида ҳам бош қотиряпман. Шу тариқа вақтнинг қандай ўтиб кетаётганини сезмай қоляпман.

Барча вилоятларда ҳамкасб дўстларим бор. Шунча ишдан ортиб ора-сира улар билан ҳамсуҳбат бўлишга улгурияпман. Институтда тўрт йил дарс берганман. Талабаларим ҳол сўраб кўнғироқ қилиб туришади, улар билан гаплашаман. Хуллас, бир зум бекор қололмайман.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан баҳраманд бўлишга қодир эмас. Мен барча юртдошларим, тенгдошларим,

касбдошларимга мана шу қимматли дамларда фақат ўз устингизда ишланг, ўқинг ва яна ўқинг, дейман. Фикран, ақлан ўзимизни таҳлил қилишимиз керак. Карантин даврида ўзига ташқаридан бир назар солиб, хато-камчиликларини кўра билган ва уларни тузатишга ҳаракат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, деб бемалол айта оламан.

Минг шукр, бутун халқимиз, бетакрор юртимизнинг ҳар қандай вазиятда эсон-омон бўлиши ва гуллаб-яшнаши учун жонфидо давлат раҳбаримиз бор. Юрт отасига қанот бўлиб, барча чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб турган инсонлар ҳақиқий иймони бут, халқпарвар инсонлар, десак, хато бўлмайди.

Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.
2020 йил 10 апрель

БИЗНИНГ КУЧИМИЗ БИРЛИҚДА

Бундан 80 йил олдин Узоқ Шарқдан кўчириб келтирилган корейслар ва уларнинг авлодлари бағрикенг ўзбек заминини ўзларига муқаддас Ватан деб биладилар. Шу боис ҳозирги оғир ва мураккаб вазиятда корейс миллати вакиллари ҳам ўз фуқаролик бурчларини бажариб, аҳолимизнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож қатламларини аниқ, манзилли асосда қўллаб-қувватлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизга коронавирус пандемияси кириб келмасидан олдин халқимизни ундан ҳимоя қилишга қаратилган тизимли профилактика чоралари кўриб қўйилди ва мана шу оқилона сиёсат туфайли ушбу инфекция кенг тарқалишининг олди олинди.

Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиётига тахминан 6–7 триллион



доллардан зиёд зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши кураш ва пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга салбий таъсирини камайтириш бўйича кўрилаётган қатъий чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти ушбу инқироздан кам талафот билан чиқиши кутилмоқда.

Синовли вазиятларда иқтисодиётни барқарорлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали иш ўринларини сақлаб қолиш – булар халқ учун ғамхўрликнинг олий кўринишидир.

Бу мураккаб жараёнда биз бирдамлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш тутишимиз лозим.

Биз биргаликда кўп нарсага қодирмиз.

Айниқса, пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш, солиқ ва божхона тўловларида имтиёзлар, енгилликлар берилгани тадбиркорларга катта имконият яратди.

Синовли вазиятларда иқтисодиётни барқарорлаштириш,

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали иш ўринларини сақлаб қолиш – булар халқ учун ғамхўрликнинг олий кўринишидир.

Бу мураккаб жараёнда биз бирдамлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш тутишимиз лозим.

Биз биргаликда кўп нарсага қодирмиз.

Виктор ПАК,
*Ўзбекистон корейс маданий
марказлари уюшмаси раиси,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутаты.*
2020 йил 1 май

ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИР САФДА

Мамлакатимизга корона-вирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ҳаракатлар доирасида Маданият вазирлиги ва тизим ташкилотлари томонидан ҳам бир қатор амалий чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан онлайн концерт ва видеолавҳалар тайёрланиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди.

Карантин даврида аҳолининг уйда бўлиши ва ўз иқтидорини намойиш этишини ташкил этиш мақсадида “Уйдаги юлдузлар” онлайн танлови эълон қилинди. Ушбу қизиқарли танлов уйда қолиб ижод қиладиган иштирокчиларни “Энг яхши чолғу ижрочиси”, “Энг яхши хонанда”, “Энг яхши рақс ижрочиси”, “Энг яхши рассом”, “Энг яхши

хунарманд” каби йўналишлар бўйича сараламоқда.

Маданият вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан “Гўзал ҳаёт”, “Масофадан ўқиймиз”, “Уйда қолиб ўқиймиз”, “Шифокорларга раҳмат”, “Ўзингни асра”, “Уйда қолинг” каби ижтимоий челленжлар эълон қилиниб, мазкур чақириқларда ҳозирги кунга қадар жами 2 миллион 450 мингга яқин фуқаролар иштирок этди.

Турли телеканалларда таниқли хонандалар томонидан жонли ижрода тақдим этилаётган онлайн концерт дастурлари мухлисларга манзур бўлмоқда.

Айни пайтда ҳамкор ташкилотлар иштирокида “Виртуал музей” лойиҳаси устида иш олиб борилиб, 14 та давлат музейининг виртуал шакли тайёрланди. Яна бир қатор музейларда тасвирга олиш ишлари давом этмоқда.

Театрларимизда фаолият юри-таётган устоз санъаткорлар ҳамда ёш актёрлар томонидан ижтимоий тармоқлар ва давлат театрларининг расмий веб-сайтларида коронавирусдан ҳимояланиш, шахсий гигиена ва карантин қоидаларига риоя қилиш бўйича 270 дан ортиқ ижтимоий роликлар ва тарғибот чиқишлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Маданият вазирлиги ҳамкорлигида тайёрланган “COVID-19” қисқа метражли фильми ва бошқа тарғибот роликлари марказий телеканаллар орқали намойиш этилмоқда. “Ўзбекистон-24” телеканали орқали ташкил этилаётган мавзуга оид кўрсатувларда етмишга яқин таниқли актёрлар, маданият ва санъат ходимлари билан суҳбатлар ташкил этилди.

Маданият вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ҳудудий бошқармалар, республика ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимлар томонидан жами

7 миллиард 112 миллион сўмга яқин пул маблағлари “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди”га йўналтирилди.

Жумладан, санъаткорларимиз томонидан “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди”га 293 миллион ҳамда кам таъминланган оилалар ва аҳолининг бошқа ёрдамга муҳтож қатлами учун 230 миллион сўм хайрия маблағлари йўналтирилди.

Бундан ташқари, бир санъаткор томонидан муҳтож оиллага уй олиб берилган бўлса, яна бир хонандамиз томонидан Сардоба тошқинидан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш бўйича акция ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, маданият ходимлари ва санъаткорларимиз коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасида юртимизда амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирларда халқимиз билан бир сафда фаол иштирок этиб келмоқда.

Санжар БОБОЖОНОВ,
*Маданият вазирлиги
ташкिलий назорат ва таҳлил
бошқармаси бошлиғи.
2020 йил 30 апрель*

“СИЗ ДУНЁДАГИ ЭНГ МЕҲРИБОН ОНАСИЗ...”

2020 йил 15 март. Ўзбекистонда коронавирусга чалинган илк бемор аниқланди. 16 мартдан олий ўқув юртлари, таълим муассасалари фаолияти вақтинча тўхтатилди. Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасида коронавирусга гумон қилинган шахслар учун махсус палаталар ташкил қилинган, гумондорлар тиббий текширувлардан ўтказилар, ҳали ҳеч кимда хасталик аниқланмаган эди.

22 март. Урганчга Россиядан чартер рейс билан олиб келинган фуқаролар карантинга олинди. Юқумли касалликлар билан даволанаётган касаллар шошилиш равишида бошқа шифохонага ўтказилди.

25 март. Шифохонада карантинга олинган сурхондарёлик 32 ёшли йигитда коронавирус аниқланди. Ҳаммани совуқ тер босди...

26 март. Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасида ҳам зудлик билан тўртта гуруҳ ташкил қилинди. Ҳар бир гуруҳ 14 кун шифохонадан чиқмай ишлаши, муддат тугагач, яна 14 кун карантинда бўлиши керак. Бир-икки ойдан бери тиббиёт ходимлари учун коронавирусга қарши курашиш, ташхислаш, беморларни даволаш бўйича семинарлар, машғулотлар уюштирилди, дунёдаги пандемик вазиятдан барча бохабар эди. Бироқ назария бошқа, амалиёт бошқа...

7 нафар шифокор, 16 нафар ҳамшира, 12 нафар кичик тиббиёт ходимидан иборат биринчи навбатчи гуруҳ учун ўзлари тасаввур қилганларидан-да оғир, ҳаловатсиз кунлар бошланди.

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси коронавирус ин-

фекциясига таъхис қўйиш, даволаш бўйича тақдим қилган таъсиялар асосида ишга киришдик, – дейди шифохона бош ҳамшираси Меҳрибон Юсупова.

Шифохонада ётганларнинг аксарияти асабий, ваҳимада. Кимдир овқатланишдан бош тортса, кимдир дори-дармон қабул қилишни рад қилади. Бошқаси “Менинг иссиғим чиқмади, чиқариб юборинглар”, дея бақиради. Шифокорлар қатъият билан ҳаракат қилишади. Лаборатория таҳлиллари тез-тез ўтказилиб, натижалар таҳлил этилади. Зарур ҳолда Тошкентдаги малакали мутахассислар билан маслаҳатлашилади. Ҳамширалар тана ҳароратларини тез-тез ўлчаб туришади. Тестлар ўтказишади. Кичик тиббиёт ходимлари ҳам бир лаҳза тин олишмайди. Дезинфекция тадбирлари, хоналарни тозалаш, карантиндагиларнинг кийим-бошлари ва ўзларининг озодалигини таъминлаш... Жараён кеча-кундуз узлуксиз давом этади.

Хасталикка чалинганлар сони кундан-кунга ошиб борди. Бошқа муассасаларда карантинга олинганлар орасида касаллик аниқланганлар ҳам мазкур шифохонага келтирилди. 24 соатни бедор ўтказиш, ўз жонингни хатарга қўйиб, ўзганинг жонини асрашга уриниш... Бунинг учун касбга садоқат камлик қилади, катта матонат, жасорат ва улкан қалб зарур...

Бош ҳамшира ҳамкасбларидан ва беморлардан ҳаяжонланмасликни, ваҳимага берилмасликни сўрар, ҳамкасбларининг ўз вазифаларини санитария қоидалари асосида бажаришларини назорат қилар, улар билан муолажа жараёнларида иштирок этар, ширин сўзи билан беморларга далда бўларди.

12 апрель. Шу куни шифохонада даволанаётган илк бемор хасталиқдан фориғ бўлиб, реабилитацияга юборилди.

Бу пайтда шифохонада иккинчи навбат давом этар, 6 нафар врач, 9 нафар ҳамшира, 8 нафар кичик тиббиёт ходимидан иборат гуруҳ фаолият кўрсатарди.

– Уларнинг ҳар бири ҳақида, шифохонада ўтган 14 куни тўғрисида асар ёзиш, кино қилиш мумкин, – дейди бош ҳамшира. – Шундай ҳамкасбларим борлигидан ғурурланаман.

23 апрелдан 6 майга қадар учинчи гуруҳда 6 шифокор, 9 ҳамшира, 6 кичик тиббий ходим пандемияга қарши қаҳрамонларча курашди. Меҳрибон яна жамоа билан бирга бўлди, ҳамкасбларидан кўмагини, беморлардан меҳрини аямади. Шу даврда соғайиб, реабилитацияга кетаётган жиззахлик Қаҳрамон Элмирзаев бош ҳамширанинг қўлига бир парча қоғоз тутқазди.

Очиб қараса, шоиртабиат йигит жамоадаги барча шифокорларга, ҳамшираю кичик



UNI-T

Infrared Thermometer

UT305R

UNIVERSITY MICROFILMS
SERIALS ACQUISITION
300 N ZEEB RD
ANN ARBOR MI 48106-1500





тиббиёт ходимларига бағишлаб самимий сатрлар битибди.

– Фаолиятимнинг 27 йили алоҳида, кейинги бир ярим ой алоҳида тарих, – дейди Меҳрибон Юсупова. – Мени қувонтирадигани – беморларнинг кўпчилиги шифо топгани, жамоадошларим орасида ушбу хасталикни юктириб олганлар йўқлигидир.

Меҳрибон Юсупова 7 майдан буён учинчи навбатда фаолият кўрсатган ҳамкасблари билан Хоразм вилояти Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

тасарруфидаги оромгоҳда карантин муддатини ўтамоқда. У тўртинчи навбатда ҳам ишламоқчи эди. Ҳамкасблари “Анча толиқдингиз”, деб қўйишмади. Шундай бўлса-да, ҳамкасблари билан тез-тез қўнғироқлашиб, зарур тавсияларини беряпти. У ҳам қадрдон уйини жуда соғинган.

Кеча ўғли Жасурбек хабар йўллабди: “Сиз дунёдаги энг меҳрибон онасиз. Сиз билан фахрланаман”.

Меҳрибоннинг кўзлари намланди...

Муҳаббат Тўрабоева

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

“Муҳтарам Президент!

Авалло, Сизга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Мен коронавирус касаллиги муолажасини ўтаган биринчи беморлардан бўлдим ва узоқ муддат даволандим. Бу ҳолат менга мамлакатимизда ушбу хавfli вирусга қарши курашиш доирасида амалга оширилаётган барча ташкилий-тиббий жараёнларни кузатиш имконини берди.

2020 йилнинг 28 март куни ўта оғир аҳволга тушиб, зудлик билан ўпкани сунъий нафас олдиришга ўтказилдим ва 18 апрелга қадар шу ҳолатда бўлдим. Кейинроқ билдимки, “COVID-19” касаллигидан беморларни даволаш учун Ўзбекистон тарафидан харид қилинган 500 та сунъий нафас олдириш аппаратларидан бирига уланган эканман.

Мен ўз мисолимда шунга қатъий ишонч ҳосил қилдимки, Сиз томонингиздан қабул қилинган тезкор чоралар ҳамда шифокорларимизнинг фидокорона меҳнати минглаб ҳамюртларимизнинг ҳаёти ва соғлигини асраб қолишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимизнинг ғамхўрлиги ва иштирокини муолажа даврининг ҳар бир дақиқасида доимо ҳис қилиб турдим. Шифо олаётган ҳар бир ватандошимиз шахсан Сиз учун қадрли эканлигига иймоним комил бўлди.

Сўзим якунида Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлик, туганмас ишжоат тилайман ва Сиз томонингиздан Ватанимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгартишларга содиқлигимни изҳор этаман.

Хурмат билан,

Азиз БОБОРАЗЗОҚОВ

Тошкент шаҳри.

2020 йил 22 июнь

ЮРАГИМДАН ЎТГАНИ ЁЛҒИЗ АЛЛОҲГА АЁН

*Тўрт фарзанди коронавирусдан
тузалган она ҳикояси*

Чироқчи тумани Зум қишлоғида бир оиладан беш киши бугунги кунда энг кўп тилга олинаётган касалликка чалинди. Айна пайтда оила бошлиғи муолажа олаётган бўлса, тўрт фарзанд буткул соғайиб, реабилитацияга олинди. Яқинда оиланинг кенжа фарзанди Дилшодбекка уйига жавоб берилди.

Тўрт фарзанди коронавирусдан соғайган она... У бу кунларга етгунича неча бор ўлиб, неча бор тирилди экан? Биз онаизор Ойсоат Тўраеванинг дил сўзларини ёзиб олдик.

– Ўзим уй бекасиман, – дейди у. – Турмуш ўртоғим у ёқ-бу ёққа ишлагани бориб, устачилик қилиб, рўзғор тебратарди. Бу йил жуда оғир синовларга дуч келдик. Ўша дард бизга илашгандан то бугунги кунгача юрагимдан нималар ўтгани ёлғиз Аллоҳга аён. Турмуш ўртоғим ва тўрт нафар дилбан-

димни ўйлаб, қай ҳолга тушганимни сўз билан тасвирлаб беролмайман. Ҳаётда баъзи бир майда етишмовчиликлар, арзимаган камчиликлар учун нолир эканмиз. Аслида, тинчлик-хотиржамлик ва саломатлик энг катта бойлик экан. Иқдор бўлганим, инсон саломатлигига, еган бир оғиз луқмасига шукр қилиши керак экан.

Шифокорларнинг кечаю кундуз қилган меҳнатлари натижасида болаларим буткул соғайди. Шу ўринда халқимиз саломатлиги учун фидойилик билан хизмат қилаётган доно Юртбошимиз ва ҳукуратимизга, меҳрибон шифокорлар, Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари, барча-барчага чексиз миннатдорлик билдираман.

Кеча ўғлим билан уйга келдим. Маҳалла-кўй, ҳамма, ҳатто уйимизга анча вақтдан бери келмай қўйган қариндошлари-

миз ҳам кўнғироқ қилиб, оғир синовлар ортида қолгани билан табриклашди. “Худога бир ёққан тарафинг бор экан, шу синовлардан омон ўтдинглар. Илоё, ортида қолгани рост бўлсин”, деб дуолар қилишди. Рост, бутун Ўзбекистон бизга Яратгандан шифо сўради. Яхшиларнинг дуоסי туфайли болаларим тuzалди.

Уйга келиб ҳам кўнглим тинчимайди. Турмуш ўртоғимнинг соғлиғи ҳақида ўйлайман. Яқинда шифокор Арслон ака кўнғироқ қилиб, у кишининг тuzала бошлаганини, аҳволи яхшилигини айтди. Кўрқувларим чекинди. Юрагим таскин

топди. Ҳаловатим ўзимга қайтиб, ҳовлимизнинг у ёқ-бу ёғини йиғиштиришга киришдим. Насиб бўлса, ишонаман, болаларимнинг отаси ҳам тuzалиб, оиламизга хурсандчилик қайтади.

Бугунги қутлуғ кунларда эса туну кун дуодаман: Илоҳим, оналарнинг бағри болалари билан бутун бўлсин! Бу бало Ер юзидан даф бўлиб, дунё оналарининг кўнгли хотиржам бўлсин!

PS: Газета саҳифаланаётган пайтда Қашқадарёдан хушxabар келди: оила бошлиғи Шарофиддинжон ҳам соғайибди. Яхши кунлар келгани рост бўлсин!

Акмал АБДИЕВ,
журналист.
“Ishonch” газетаси.
2020 йил 1 май

ҲАМШИРА КУНДАЛИГИ: КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШГАН ҲАМШИРА ҲАР БИР ЎТГАН КУНИНИ КУНДАЛИГИГА ЁЗИБ БОРДИ

Яқинда интернет тармоқларида Италияда коронавирусуга чалинган оғир беморлар ҳаёти учун курашган итальян ҳамширасининг кундаликлари эълон қилинди. Унинг асл келиб чиқиши рус бўлиб, волонтер сифатида Апенниндаги пандемиянинг қоқ ўчоғи Брешия шаҳрига йўл олган кўнгилли инсон эди. Бу оқ либос эгаси тождор ёвга қарши кечган шафқатсиз урушда ўтказган ҳар бир кунини қоғозга тушириб борар экан.

Якунда эса ҳам ҳужжатли, ҳам ҳаётий, ҳам таъсирли сюжетлар ҳосил бўлган. Ҳамшира ниҳоятда содда тилда инсоният бошига тушган бугунги оғир синов, кўринмас ёвга қарши муросасиз кураш онлари ҳақида ҳикоя қилади. Кундалик саҳифаларида акс этган воқеаларни сизларга ҳам ҳавола этмоқчимиз.

Биринчи кун

Фанодан соат 8:45 да чиқиб, Кьярига 12:30 да етиб келдим. Йўлда бирор марта ҳеч ким тўхтатмади. Қатновда енгил машиналар анча сийраклашиб қолган, юк машиналари эса кўп. Лекин улар менинг йўлимга ўтишмади, манзилга хотиржам етиб олдим.

Черков яқинидаги квартирага жойлаштиришди. Бу ердан шифохонагача деярли бир чақиримлик йўл экан. Фақат “Тез ёрдам” машиналарининг тинимсиз “увиллаши” тинчликни бузади. Бугун ҳужжат билан боғлиқ барча ишларни битириб олдим: шартнома, тиббий кўрик, қон топшириш, махсус либослар ва оёқ кийимлари олиш.

Эртага жангга! Ҳозирча битта кўшним бор: 35 ёшли ҳам-



касбим. У жонлантириш бўлимида уч кундан бери ишлаётган экан. Айтишича, у ерда ҳар иккита беморга биттадан тиббиёт ходими бириктирилган. Қандай қилиб, деб сўрайман? Жавоб беради: реанимация 6 кишига мўлжалланган. Аммо 13 киши ётибди. Ҳаммаси сунъий нафас аппаратида...

Иккинчи кун

Ишда кийиладиган ниқоб биз ўрганиб қолганимиздан фарқ қилади. У юзга маҳкам ёпишади, нафас олиш жуда қийин. Ниқоб устидан махсус шаффоф химоя восита кийилади. У қулай

ишлаш имконини беради ва ён томонларни кўришга халақит қилмайди, яна бир ижобий томони унда кўзойнак тақиб ҳам ишлаш мумкин.

Менинг бўлинмам... Унинг номини айтиш ҳам шарт эмас. Чунки бошқача беморлар барибир у ерда йўқ. Педиатрия, ортопедия, ЛОР, окулист, хирургия (фақат шошилиничи қолган) бўлимлари ёпилган. Ҳаммасини реанимация, интенсив терапия ва ковид бўлинмасига айлантиришган. Бутун бошли шифохона фақат битта касаллик учун ишляпти!

...Янги қиёфалар: палатага 2 кишини сиғдириш ва уларнинг

хар бири учун алоҳида “прай-васи” (шахсий оралиқ майдони ва дахлсизлик)ни кафолатлаш мақсадида пардаларни олиб ташлаш учун ишчилар келишди. Эртадан янги беморларни олиб келишни бошлашади, иш янада кўпаяди. Лекин бу эртага бўлади, ҳозир эса дам олиш керак.

Учинчи кун

Менга шкафча беришди, бироқ унга осма қулф керак. Уни қаердан сотиб олиш мумкинлигини ким айтар экан? Албатта, ҳеч ким, чунки бу биринчи эҳтиёж маҳсулоти эмас.

Сменам соат 14 да бошланди. Ўрганиш ва тушунишни бошляпман, аммо ҳаммасини эслаб қолиш ҳамон жуда қийин.

Кеча айтганимдек, барча палаталарда 2 тадан одам бор эди, бугун эрталабдан беморлар олиб келинибди. Бўлимлар энди “хатарли” ва “тоза”га ажратилмайди. Соғайганларга рухсат беришди ва бутун бўлинма “хатарли”га айланди. Бу тиббиёт жарғонида биз қўлқопдан бошқа кийимларни алмаштирмаслигимизни англатади.

Ярим тунгача беморларнинг келиши тинмади. Биргина бизнинг бўлинмамизга 12 киши олиб келинди. Бу фақатгина бизга келгани! Бутун шифохонани тасаввур қиляпман. Боз

устига яна реанимацияни операция хонаси ва бошқа кўплаб бўлинмалар ҳисобига ҳам кенгайтиришди.

Энди нега уйдан чиқмаслик кераклиги тушунарли. Гипс қўйишмайди, операция қилишмайди. Сабаби бундай хизмат кўрсатадиган бўлинмаларнинг ўзи йўқ. Компьютерда шундай дастур борки, у орқали касалхонада ётганлар ҳақида маълумотларни кўриш ва қайси бўлинмага олиб чиқилиши ҳақида билиб олиш мумкин.

Ёшларига қараймиз: 25(!), 32(!), 36, 42, 47, 52! Бу фақат бугунгиси! Қолганларнинг ёши янада катта, улар жуда кўп!!! Улар шошилинич ёрдам бўлимида ётишибди, демак, уларга жуда оғир!

“Смен”им соат 22 да тугайди, аммо бўлинмани 23 да тарк этдим. Юзларимизга қараб смена тугаганини билиш мумкин эди.

Тўртинчи кун

Ишдаман. Беш дақиқалик танаффусда ёзиб қўймоқдаман. “Смен”ни соат 22 да қабул қилиб олдим. Компьютердаги дастурлар билан танишляпман. Ҳозир шеригим бор, бироқ кейин бошқалар каби мен ҳам бир ўзим ишлайман. Менинг ўз беморлар гуруҳим бўлади ва уларга қарашни ёлғиз уддалашим шарт бўлади.

Ҳозир соат 2:00. Сменим тугашига 5 соат қолди.

Бешинчи кун

Тунги смена кундузгиларига нисбатан анча осуда ўтди. Янги беморлар келмади. Улар йўқлиги учун эмас, балки бўлимиз тўлиб кетгани сабабли. Биз навбати билан оз-оздан дам оламиз деб ўйлагандим. Сододалигим курсин. Афсус бундай бўлиб чиқмади.

Фақатгина тунги соат 2 да 5 дақиқагина тин олиш имкони бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, эгнимдагиларни ечиб, дезинфекция қилиб олдим, бир стулга ўтириб, иккинчисига оёғимни узатиб, бироз дам олдим! Шунда бутун танам бўйлаб шундай энгил тортдимки! Бир кўтаришда бир ярим литр сув ичдим, бу иккинчи бор энгил тортишим бўлди.

Бунгача ташналикдан ўлиб қолсам керак деган хаёлга ҳам бориб келгандим. Нега? Чунки бўлимда сизга ҳеч ким сув ичишни таклиф қилмайди. Сув эса бошқа, тоза хонада. Уни фақат тоза қўллар билан ушлаш мумкин, оёқларда бахила, халат, қўлқопни виртуал тўсиқдан олиб ўтиш қатъиян ман этилади.

Сувни у зарарланмаслиги учун “хатарли” зонага олиб кириш мумкин эмас. Иккинчи то-

мони: “хатарли” зонада ниқобни ечиб бўлмайди! Қўлни ҳам теккизиб бўлмайди, юздаги экран ҳам кўтарилмайди! Хуллас, барча томон ёпиқ.

Беморларга раҳмим келади... Улар умуман дам олишмайди!!! Ўзи шундоқ ҳам дарддан қийналаётган беморлар доим уйғоқ ётишади.

1. Биз ҳар 15–20–30 дақиқада палатага кирамиз, чироқни ёқамиз, бир у бемор, бир бу бемор билан зарур муолажа ишларини амалга оширамиз.

2. Ҳар иккинчи бемор бақиришни бошлаб, махсус тугма орқали ёрдамга чақириши мумкин.

3. Қўрсаткичлар меъеридан пастга тушиб кетса ёки бемор ўзи билмаган ҳолда ва ёки атайлаб ниқобини (у оддий эмас, герметик) ечиб юборса, махсус қурилма “чинқириш”ни бошлайди.

4. Уларга ўринларидан туришга рухсат берилмаган ва ҳар бир зарурат учун шифокорни чақиришлари керак.

5. Барча эшиклар очик, коридор эса шовқинга тўла.

Яна бир кузатув: бўлинма мизда фақат 3 аёл (яна бирига рухсат берилди) бор, қолганларнинг барчаси эркаклар! Вирус аёллардан кўра эркакларга

кўпроқ юқмоқда! Ёки у эркакларни жуда оғир зарарлайди, аёллар эса уйларида тузалиб кетишяптимики?

...Шифохонадаги иш тартибим қуйидагича: эрталаб (душанба) – эрталаб (сешанба) – кечкурун (чоршанба) – кечкурун (пайшанба) – ўзимизга келамиз (жума) – дам оламиз (шанба).

Бугун тунги сменамдан қайтдим, шунда эртага дам оламанми? Ҳа-ҳа-ҳа. Эртага эрталабдан

яна иш. Кейин яна менга эртага ишга чиқ дейишади. Мўътадил жадвал фақат нормал вазиятлар учун, бизда эса ҳайбаракал-лачилик.

Эртага Италияда карантин бошланганига росмана икки ҳафта бўлади. Дам олиш кунлари биринчи натижалар чиқишига умид қилияпман.

P/S: Бу пайтда кундалик муаллифи эртаси куни нимадир ўзгарса ҳам, ёмон тарафга ўзгаришини билмас эди...

Рисолат МАХСИМОВА
тайёрлади.
2020 йил 5 май












“SAHOVAT VA KO‘MAK”
umumxalq harakati

**“САХОВАТ ВА КЎМАК” УМУМХАЛҚ
ҲАРАКАТИ – ДАВЛАТИМИЗ ВА
ХАЛҚИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ
АМАЛИЙ НАМОЁНИДИР**





Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг: “Саховатли инсоннинг бошига жаннат дарахтлари соя солади”, деган сўзларида чуқур ҳикмат бор, албатта.

Мен мана шу ташаббусни чин дилдан қўллаб-қувватлаб, бу савобли ишга муносиб ҳисса қўшаётган барча ватандошларимизга, саховатли тадбиркорларимизга муқаддас китобларимизда айтилган: “Яхшиликнинг мукофоти – фақат яхшиликдир”, деган гапни яна бир бор эслатмоқчиман.

Эҳтиёжманд, кам таъминланган инсонлар ва оилаларга меҳр ва ҳурмат билан ёрдам қўлини чўзадиган барча тадбиркор ва фермерларга, хўжалик бирлашмалари вакилларига, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ишчи-ходимларига бу қилган яхшиликлари бир неча бор зиёда бўлиб қайтади.

Таъкидлаб айтаман, ўз навбатида, давлатимиз, жамиятимиз саховатпеша тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Уларга ҳеч қандай оғирлик тушмайди.

Шу маънода, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз бирлигини, унинг беқиёс қудратини ёрқин намоён этиб, янги тарихимиз саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САХОВАТ – ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Бутун дунёда тарқалган коронавирус пандемиясига қарши юртимизда ўз вақтида кескин чоралар кўрилди. Бунинг натижасида республикамиздаги кўплаб ҳудудлар ва юз минглаб аҳоли вирус хавфидан сақлаб қолинди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бор, ёлғиз яшовчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор бериб, ҳозирги кунда вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озиқ-овқат, дори-дармон билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш кераклигини таъкидлади.

Бунда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари қошида ташкил этилган



Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларни алоҳида келтириш ўринлидир.

Ушбу марказлар орқали ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатпеша фуқароларимиз томонидан апрель ойи охирига қадар тақдим этилган, тахминий нархи 22 миллиард 986 милли-

он сўмлик 17 турдаги, жумладан, 13 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 4 турдаги тиббий воситалар республикамиздаги 199 222 та оилага етказиб берилди. Бундай хайрия тадбирлари изчил давом этмоқда.

Президентимиз шу каби ижтимоий ҳимоя чораларини янада кенгайтириш, халқимизга хос бўлган меҳр-саховат, ўзгалар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам кўрсатиш каби юксак инсоний ташаббусларни юзага чиқариш мақсадида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини ҳаётга татбиқ этиш таклифини илгари сурди.

Синовли дамларни тўғри идрок этиб, саховат ишларига ҳисса қўшишга интилаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор.

Бунга мисол сифатида Наманган тумани, “Бўстон” ма-

ҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, исмини ошкор этишни истамаган аёл томонидан қилинган катта хайрияни айтиб ўтишимиз мумкин. Бу аёл Ҳажга бориш учун жамғарган маблағини ўз маҳалласидаги 40 та эҳтиёжманд оилага тарқатиб берган. Муборак сафар умидида неча йиллаб йиққан пулини маҳалладошларининг эҳтиёжи учун сарфлаган бу инсоннинг ҳиммати ва саховатидан ўрнатилган олса арзийди.

Юртбошимиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намоёнига айланишига ишонаман”, дея барчани мазкур ҳаракатни оммалаштиришга, бунинг учун янада фаол бўлишга чақирди.

Албатта, саховатпеша халқимиз бундай эзгу ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Раҳмат МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири.
2020 йил 3 май

ХАЙРУ САХОВАТ ИНСОНЛАР ЎРТАСИДА МЕХР-МУҲАББАТ RIШТАЛАРИНИ БОҒЛАШГА, ЎЗАРО ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бисмиллаҳир Роҳманир
Роҳийм.

Хайру саховат инсонлар ўртасида меҳр-муҳаббат ришталарини боғлашга, ўзаро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Саховат кўрсатган бандаларни Аллоҳ таолонинг ўзи мукофотлайди. Қуръони каримда: “Мол (бойлик)ларини кечаю кундуз, пинҳонаю ошкора эҳсон қиладиган кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида (махсус) мукофотлари муҳайёдир. Уларга (охиратда) хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар” (“Бақара” сураси,



274-оят), деб марҳамат қилинган.

Яна бир жиҳат: кўнгли синиқ, иқтисодий жиҳати оқсаган ин-

Савоб шундай амалки, уни бажарганингда қалбингда ҳузур-ҳаловат, ором ва таскин пайдо бўлади.

Имом МОТУРИДИЙ



сонга меҳр-оқибат кўрсатилса, у Ҳақ таолога чин кўнгилдан дуо қилади ва натижада унинг дуоси сабабли ўйлаган мақсадларимизга етамиз, мушкулларимиз арийди. Зеро, муқаддас китобларимизда айтилганидек, яхшилиқнинг мукофоти – фақат яхшилиқдир.

Мана шундай оғир кунларда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ташаббусига “лаббай” деб жавоб беришимиз керак. Шу маънода, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги ташкилотлар ҳам мана шундай хайрли ташаббусларда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, “Вақф” хайрия жамоат фонди карантин вақтида ижтимо-

ий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида закот маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари, беморларга дори-дармонлар, тиббий ниқобларни бепул тарқатмоқда.

Ҳозир мурожаатлар онлайн қабул қилинмоқда. Мурожаат қилган инсонларнинг пластик карталарига масофадан пул ўтказиляпти. Фонднинг закот ҳисоб рақамига шу кунга қадар 80 миллион сўмдан зиёд закот пуллари тушган. 500 та хонадонга закот маблағларини тарқатиш мўлжалланди. Бундай хайрия ишлари Рамазон ойи давомида янада жадал олиб борилди.

Усмонхон АЛИМОВ,

*Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий.*

2020 йил 21 апрель

САХОВАТ ВА КЎМАК ҚАЛБ АМРИМИЗ, ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗГА АЙЛАНДИ

Энг қийин, оғир вазиятда ҳам ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, меҳр-мурувват ва кўмак кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан. Минг йиллар давомида қон-қонимизга сингиб келган бу қадриятлар коронавирус пандемияси дунёни ўз исканжасига олган айни дамларда яна ҳаётимизнинг бош мезонига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиздаги кўмакка муҳтож инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш ишларининг изчиллигини таъминлашга катта тurtки берди. Муборак Қурбон ҳайити кунларида бошланган

бундай саховат тадбирлари халқимизни бениҳоя руҳлантирди.

Чунончи, коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳамда Қурбон ҳайити муносабати билан республика бюджетидан “Саховат ва кўмак” жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлимига келиб тушган 10 миллиард сўм миқдоридаги бир марталик моддий ёрдам пуллари вилоятимиздаги 13 минг 193 та эҳтиёжманд оилага сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан етказиб берилди.

Шунингдек, мазкур ташаббус доирасида ногиронлиги бўлган, чин етим инсонлар умргузаронлик қилаётган, кам таъминланган оилаларга бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳайитлик тухфаси сифатида тақдим этилди.



Ўз навбатида, уларнинг яшаш шароити, муаммолари ўрганилиб, бартараф қилиш чоралари кўрилди. Мураккаб вазият — коронавирус пандемияси даврида бу каби эзгу ишларнинг амалга оширилиши жамиятда инсон омилини улуғлаш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик каби инсоний фазилатларни тарғиб этиш, одамлар ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

“Эзгуликнинг мукофоти фақат эзгуликдир”, дейилади ҳадисда. Бу инсонларни ўзаро яхшилик улашиб яшашга ундайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ана шу ҳаётбахш даъватга акс садо сифатида намоён бўлмоқда. Инчунин, бугун ёнимиздаги ёрдамга муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг қалб амримиз, эзгу мақсадимизга айланган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари.
2020 йил 25 апрель

ЁРУҒ КУНЛАР УМИДИ



Биз азалдан табиатга, ҳаётга мутлақо бошқача кўз билан қарайдиган халқмиз. Баҳоримиз ўзгача, кузимиз ўзгача. Еру сувга меҳримиз бўлак. Ота-бо-

боларимиз тупроқни ҳам кўзга сурган, эъзозлаган.

Халқимизнинг инсонпарварлик, одамийлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш хислатлари, ҳар бир

отаётган тонг улуғ неъмат эканини ҳар доим ва ҳамма вақт ёдида тутишдек улуғ фазилатлари, назаримда, кўпларга ўрнак бўлгудек.

Президентимиз туну кун халқ қайғуси билан тиним билмай, шижоат билан фаолият олиб бораётганини элимиз, юртдошларимиз ҳар куни “ойнаи жаҳон”да кўриб турибди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида биринчи галдаги вазифа – халқимиз орасида йўқотиш бўлмаслиги ва ҳар бир инсоннинг ҳаёти давлат учун барча нарсадан устунлигини таъкидлаётгани замирида нақадар улуғ халқпарварлик,

миллатпарварлик маъноси мужассам экани аён ҳақиқат.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати синовли кунларда халқимизга хос мурувват, меҳр-оқибат, ташаббускорлик ва саховатпешаликнинг яққол намоёни сифатида дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Имоним комилки, бу курашда Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида олдинги қаторда кетаяпти ва, албатта, тез кунларда метин иродали, бардошли халқимиз бу синовдан шараф билан ўтажак.

Афзал РАФИҚОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.
2020 йил 30 апрель

ДЎСТЛИК ВА МЕХҲ-ОҚИБАТ НАМУНАСИ

Мехр-мурувват, ҳамжихатлик, сахийлик халқимиз ардоқлаган, асрлар оша амал қилиб келаётган гўзал фазилатдир. Коронавирус пандемияси ҳамда Бухоро ва Сирдарёда содир бўлган табиий ва техноген офатлар туфайли халқимиз дуч келган синовли кунларда ушбу

эзгу қадриятлар аждодлардан авлодларга безавол ўтиб келаётганини яна бир бор намоён этди.

Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати чинакам халқ ҳаракатига айланди. Бу хайрли ишларга хо-



Парвардигор бизга насиба қилиб яратган неъматлар ва бойликлар ичида доим қадр-қиммат қилишимиз лозим бўлган, эъзоллашимиз шарт бўлган олий фазилат – дўстлик ва меҳр-оқибатдир.

Абу Лайс САМАРҚАНДИЙ



рижий давлатларда истиқомат қилаётган кўплаб ватандошларимиз ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Жумладан, россиялик ватандошимиз, таниқли тадбиркор Алишер Усмонов ҳам Ўзбекистонда коронавирусга қарши кураш доирасидаги тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун 20 миллион доллар ажратди.

Ушбу маблағ Тошкент вилояти Зангиота туманида корона-

вирус сабабли юртимизга олиб келинган юртдошларимизни карантинга олиш учун зарур бўладиган шифохона жиҳозланиши учун сарфланди.

Бундан ташқари, Алишер Усмонов Наманган вилоятидаги қарийб 5 минг оилага жами 12,5 миллиард сўмлик молиявий кўмак кўрсатди. Наманган шаҳридаги 3 мингта, Чуст туманидаги 1 мингта, Наманган туманидаги 997 та якка-ёлғиз,





боқувчисини йўқотган ёки ногиронлиги бўлган оилаларга моддий ёрдам берилди.

Ажратилган маблағ “Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” пластик карталарига ўтказилиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, сектор вакиллари ва банк ходимлари томонидан эҳтиёжманд оилаларга етказиб берилди.

Шунингдек, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги тошқин оқибатида жабр кўрган аҳолига кўмак бериш мақсадида Алишер Усмонов 15 миллион доллар миқдорида хайрия маблағи ажратди. Ушбу маблағнинг 10 миллион доллари уй-жойла-

ридан ажралган юртдошларимизга ёрдам учун, 5 миллион доллари эса Қозоғистоннинг Мақтараал тумани аҳолисига уй-жой қуриш учун йўналтирилди.

Бундан аввалроқ, Алишер Усмонов Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги мингта оилага 2,5 миллиард сўм ҳамда Наманган вилоятида “Ободқишлоқ” дастурини амалга ошириш учун 50 миллион доллар миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатган.

Мазкур маблағларга аҳоли учун шинам ва қулай уйлар, йўллар, инфратузилма объеклари барпо этилди.

Сухроб ПАРПИБОЕВ,
Наманган вилояти

ЯХШИЛИК

*Муҳтожларга Ҳақ нажоти – яхшиликдир,
Яхшиларнинг бор ҳаёти – яхшиликдир,
Яхшиликнинг мукофоти – яхшиликдир,
Саховатнинг соҳиблари – дарёдиллар,
Кўмак берган, олганни ҳам Худо қўллар.*

*Уруш кўрган, очарчилик, ситам кўрган,
Аждодларим азобларин олам кўрган,
Бир майизни қирққа бўлиб, баҳам кўрган,
Тилда шукур, дилда Аллоҳ зикри билан,
Яшаганлар яхшиликнинг фикри билан.*

*Ётнинг номин сўрамай ҳам таом тутган,
Ўзгалардан алик кутмай, салом тутган,
Савоб қилиб ўша они – ким унутган?
Бу ўзбегим – меҳри уммон миллат бўлган,
Етмиш икки томирида ҳиммат бўлган.*

*Унз қўлининг эҳсонини сўли билмай,
Ботмон берса дили билиб, эли билмай,
Одамийлик оразини ошкор қилмай,
Бизнинг мардлар саховатга султон бўлган,
Кўкси фақат хуш дуодан осмон бўлган.*

*Эй Ватандош, ўзлигини унутма ҳеч,
Эл бошига ши тушганда мум ютма ҳеч,
Саховат қил, кўмакдош бўл, бўлмасин кеч,
Жисму жонда – Рамазоннинг шукуҳи бор,
Сендан ризо аждодларинг шод руҳи бор.*

*Жанг бор жойда, бир Ватаннинг халқи бир жон,
Сизу биздан вафо кутар Ўзбекистон,
Яқин қолди, кунлар келар омон-омон,
Миллатимнинг хуш каломи – яхшиликдир,
Саховатнинг асл номи яхшиликдир.*



**Мақмур ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири**



ШОДИЕВ ХАЛҚАРО ФОНДИ КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚИМИЗГА КАМАРБАСТА БЎЛМОҚДА



ШОДИЕВНИНГ ХАЛҚАРО ФОНДИ



2020 йилнинг 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг саломатлигини сақлаш, иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш сингари чора-тадбирлар кўзда тутилган.

ICF – Халқаро Шодиев фонди Ўзбекистондаги муҳтож аҳоли

қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли хайрия дастурини амалга ошириш орқали ҳукуматнинг корона-вирус тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш дастурининг биринчи босқичи мамлакат бўйлаб барча кекса ёшдагилар ва кам таъминланган оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва дезинфекция воситалари билан таъминлашни ўз ичига олади.

Халқаро Шодиев фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакат ҳукумати ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вирусли инфекция пандемияси шароитида зарур қоидаларга амал қилиш бўйича тавсияларини бажаришга оид даъватига қўшилади. Инсонпарварлик ёрдами жамланмаси ичига ўзбек тилидаги тавсиялар ҳам жойлаштирилади.

Оқил ва доно, матонатли ўзбек халқи ҳамжихатликда бу хатарни енгиб ўтишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Халқаро Шодиев фонди Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мамлакат бўйлаб коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларини самарали қўллаб-қувватлашга бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

ЎЗА

МУНОСИБ ҲИССА

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш доирасида ташкил этилган “Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ишига мамлакатимиздаги кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, фирма ва компаниялар, ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлар муносиб ҳисса қўшдилар.



Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган “Махам Чирчиқ” акциядорлик жамияти жамоаси бу хайрли ташаббусга “лаббай” деб жавоб бериб, ушбу жамғармага 1 миллиард сўм миқдорида хайрия маблағи ажратди.



UZBEKNEFTEGAZ

“Ўзбекнефтегаз” компанияси ҳам халқимизга хос саховат ва олийҳиммат, тантилиқ хислатларини ўз амалий ҳаракатлари билан намоён этиб, 1 миллиард 500 миллион сўм миқдоридаги хайрия маблағини кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида йўналтирди.



Uzkabel
Technology for people

Эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда “Ўзкabel” ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ҳам бу эзгу ва хайрли ишлардан четда қолмади. “Ўз-

кабел” акциядорлик жамияти томонидан кўрсатилган молиявий кўмак миқдори 2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси 1 миллиард сўмлик хайрия ишларини амалга оширди.



Шунингдек, мазкур фондга “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти 500 миллион, “Uzauto



motors” акциядорлик жамияти 507 миллион 418 минг, “Lukoil Uzbekistan operating company” компанияси 476 миллион 500 минг, “Кока-кола” компанияси 600 миллион сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатди.



ЎҚУВЧИЛАР УЧУН 184 МИЛЛИОН СЎМЛИК ОЗИҚ-ОВҚАТ УЛАШИЛДИ



Карантин шароитида ўқувчилар ўз уйларида таълим олмақда. Уларни синовли кунларда қўллаб-қувватлаш, айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилаларга кўмак кўрсатишга прокуратура органлари ходимлари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу мақсадда Сирдарё вилояти прокуратурасининг ташаббуси билан “Эзгулик карвони” ташкил этилди. Ушбу карвон орқали вилоятдаги 2-сектор ҳудудида жойлашган ва прокурорлар оталиғида бўлган мактаблардаги 1-синфдан 5-синфгача бўлган 5 минг 818 нафар ҳам-



да уйда таълим олувчи 96 нафар ўқувчига карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда 7 турдаги 184 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Шу билан бирга, 11 нафар прокуратура органлари фахрийларига 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам улашилди.

ЎзА.
2020 йил 18 апрель

ЭЛДОШЛАРИМ – ДИЛДОШЛАРИМ

Синовли кунлар тасаллиси



**Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири**

Олам яшолмагай кўклам, яшилликсиз,
Одам зоти ҳеч насадир аҳилликсиз.
Яшасайди разилликсиз, бахилликсиз –
Бир кам дунё бут бўларди тақчилликсиз.
Бу дунёда шундай юрт бор – Мехрдиёр,
Одаллари яшолмайди яшилликсиз.

Мехрдиёр дедим, асли меҳри дарё,
Бир-бирига меҳру сеҳри дарё-дарё.
Шаҳарларим, қишлоқларим, дашту саҳро,
Оғамдирсиз, инимдирсиз, онам, синглим –
Номингизни тутиб бўлмас айро-айро.

Мапонатни жонга жойлаб келган халқмиз,
Оғир кунни сабр билан енгган халқмиз.
Бир майизни қирққа бўлиб еган халқмиз,
Тарих гувоҳ, жамлаб илму маърифатни,
Пешанаси юлдузларга теккан халқмиз.

Таскин учун қалмишдан ҳам куй чиқарган,
Хушхабарнинг пешвозига қуй чиқарган.
Пок ниятдан қанча фикру ўй чиқарган:
Ўйлаб-ўйлаб, ҳажга йиққан нули-а ҳам
Қақраб ётган қишлоғига сув чиқарган.

Элдошларим, дилдошларим, тилдошларим,
Ҳажга бормай ҳожи бўлган элдошларим,
Дилдошларим, тилдошларим, йўлдошларим,
Бу синовли кунлар ҳам тез ўтар-кетар,
Бу синовли йилда азиз йилдошларим.

Арбобдирсиз, вазирдирсиз савоб ишга,
Табибдирсиз, ҳабибдирсиз савоб ишга.
Ўз дардингиз, ташишингиз ютиб ичга,
Кеча демай, кундўз демай эл-улус-чун
Сиз ҳозир у нозирдирсиз савоб ишга.

Эзгуликдан инсон умри фируз бўлгай,
Токи одам бир-бирига дилсўз бўлгай,
Оқ дастурхон тўнлар ҳаёт – ризқ-руз бўлгай,
Мир Алишер бобомиз лўтф этган мисол –
Ҳар кунимиз Наврўз бўлгай, Наврўз бўлгай!

Олам аҳли билан бу кун дарддошдирмиз,
Дарддошдирмиз, демак, бирмиз, қардошдирмиз,
Қардошдирмиз, демакким, биз қалбдошдирмиз.
Қалбдошлиқдир бирдамликнинг бошланиши,
Бирдам бўлсак, бизлар буюк бардошдирмиз.

Меҳрда ҳам шавкатлисан, Она юртим,
Битмас меҳру шафқатлисан, Она юртим,
Эзгу шиор – даъватлисан, Она юртим,
Меҳринг билан багринг очиб, олам аро
Давлатлисан, давлатлисан, Она юртим.



АЖДОДЛАРИМИЗ ИБРАТИ

Ўзбек халқи азалдан хайру саховат, кўмак, муҳтожга ёрдам беришда намуна бўлган.

Манбаларда юртимиз ерлари серҳосил ва унумдор, деб зикр қилиниши баробарида одамлари саховатли, илмли, инсонпарвар экани алоҳида таъкидланади. Жумладан, Ўрта асрлар тарихчиси ва географи Қазвинийнинг “Мамлакатлар тарихи ва одамлар хабари” номли китобида Мовароуннаҳр ҳақида қуйидаги маълумотлар ёзиб қолдирилган:

“Ушбу мамлакат аҳолиси бағрикенг, маърифатпарвар, динда солиҳ ва яхши инсонлар бўлиб, улар гўё бир оиладек, ўзаро иттифок, бир-бирига кўмак бериб яшайдилар. Ушбу мамлакат одамлари ўта саховатли, кенгфеъл бўлгани учун ҳар қандай маҳаллий ёки четдан келган меҳмонга илтифотли бўладилар ҳамда бу билан

меҳмон ўзини ўз уйидагидек ҳис этади. Ҳар бир кишининг ҳиммати баланд, ўз қўлидагини бошқаларга беради, таниган ва танимаганга ҳам хайру саховат қилади. Бунинг эвазига эса ҳеч нарсани тама қилмайди, мукофот кутмайди”.

Бой тарихимизни эслаганда, буюкларнинг хайрли ишларини эслаш, инсонпарварлик боразидаги ибратли ҳаётий ўғитларини ёдга олиш фойдадан холи эмас.

Ўрта Осиёда ханафийлик мазҳабининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳаёти кўпчиликка намуна бўлган. У зот муҳтожлар мушкулини осон қилиш ва очарчилик йилларида бозордаги нарх-навонинг ошиб кетмаслиги учун бор мол-мулкини сарфлагани бунга мисолдир.

Ривоят қилинишича, Бухорода бир йил қахатчилик бўлиб,

*Кайси бир мусулмон бошқа бир мусулмонни кийинтирса,
Оллоҳ уни жаннат яхшиликлари билан кийинтиради.
Кайси бир мусулмон оч қолган бир мусулмонни едирса,
Оллоҳ унга жаннат меваларидан едиради.
Ким чанқаган бир мусулмонни қондирса,
Оллоҳ уни асалдай тоза сут билан қондиради.*



*Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙнинг
“Мукошафат ул-қулуб” асаридан*

маълум ўлчамдаги буғдойнинг баҳоси 100 тангага етганда, Абу Ҳафс Кабир Бухорий бозордаги барча буғдойни шу нархда сотиб олиб, аҳолига ўн танга арзонига, яъни 90 тангадан сотган ҳамда бу билан ўз ҳисобидан муҳтожларга кўмак кўрсатган экан.

Олим бу билан кифояланмай, кейинги босқичларда 80 танга, 70 танга, токи буғдой баҳоси 10 тангага тушгунга қадар нархини тушириб бораверган ва натижада, ўз ватандошлари жонига оро кирган. Унинг ҳисобдори: “Ҳожам, биз улкан зарар кўрдик. Ҳазинамиз деярли бўшаб қолди”, деганида, Абу Ҳафс Кабир Бухорий: “Сен билмабсан, биз охират хазинасини тўлдирдик”, деб жавоб берган экан.

Алломанинг саховати бу билан тўхтаб қолмаган. Айтилишича, қарз олганларга қарзни қайтаришни сўрамас, аксинча, унутиб юборар экан.

Ўрта асрларда Ватанимиз ҳудудида муҳтож кишилар учун хо-

лис хизмат қилган, фақат яхшиликни ўйлаб, эзгулик улашишдан чарчамайдиган, борини ўзгалар билан баҳам кўрадиган кишиларни жавонмард, яъни “мард йигит” деб аташ, ҳатто уларнинг эзгу қарашларини “жавонмардлик ҳаракати” деб улуғлаш урфга кирган. Ушбу ғоя тасаввуфий қарашларга, унинг амалий фаолиятига чуқур сингиб кетган.

Тариқат тарихига назар солар эканмиз, Ҳожа Аҳрор Валий ҳазратларининг ҳам саховат ва мурувватда ибрат бўлганига гувоҳ бўламиз.

Умаршайх Мирзо Тошкентнинг бир йиллик хирожини талаб қилиб, лашкар тортиб келганда, шаҳар аҳолиси 250 минг динорни ташкил этувчи бу хирожни қашшоқлик туфайли тўлолмаган. Шунда Ҳожа Аҳрор Валий Умаршайхга бу хирожни ўзи тўлаган, шунингдек, Тошкент аҳолисининг қишдан қийналмай чиқиши учун яна 70 минг динор тухфа қилган.

Тариқатнинг бошқа бир пешвоси Шайх Зайниддин Тошкан-

дий Тошкент шахрининг буюк ҳомийларидан ҳисобланиб, инсонларга илм, зиё тарқатиш баробарида, мўғул босқинчилари зулмидан озор чеккан халқнинг оғирини енгил қилиш, муҳтожларга кўмак кўрсатишни алоҳида иштиёқ билан амалга оширган.

Шунинг сабабидан унинг номи тарихга тоабат яхшилик билан муҳрланган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллиондан ортиқ киши кўчириб келтирилди.

Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнги бурда нонини ҳам баҳам кўриб, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандлари қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намоиш этди.

Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, ўзбек оилаларига қабул қилинган бирорта бола болалар уйига топширилмаган. Ушбу чин инсонийликни бугунги кунда хориждаги кўплаб мутахассислар ва оддий фуқаролар ҳам эътироф этишмоқда.

Шонли тарихимиздаги бундай намунали мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Алишер Навоийнинг ҳомийлигида ижод қилган Ҳусайн Воиз Кошифий саховатни таърифлаб, шундай дейди:

“Саховат яхши ном қозонишнинг сабабидир.

Эҳсон эса кўнгилларга ёқмоқлик сабабидир.

Ҳеч қайси сифат ва хислат одамларга, хусусан, улуғ ва давлатмандларга қарам ва саховатдан яхшироқ бўла олмайди”.

Алломаларимиз меросида бойлик, молу дунё инсонларга Яратган томонидан хайр-саховат учун омонат берилгани, у адо этилиши билан янада зиёда бўлиши уқтирилади.

Халқимизнинг қонига буюк аждодлардан мерос қадриятлар, инсонпарварлик, саховат, ҳамиша кўмакка шайлик сингиб кетган. Бу эзгу фазилатлар бугунги кунда юртдошларимизнинг хатти-ҳаракатида, ўзаро ҳамжиҳатлигида, бирдамлигида намоён бўлаётганини кўриб, шубҳасиз, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Шу маънода, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати фақатгина пандемия сабаб қийналиб қолган кишиларга эмас, балки кўмакка муҳтож барча ватандошларимиз учун умид ва нажот манбаи бўлди.

Юртбошимиз таклифи билан ҳаётимизга кенг татбиқ этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати туфайли халқимиз орасида кенг қулоч ёйган эзгулик, меҳр-оқибат, саховатпешалик ва савобталаблик давом этаверади.

Даврон МАХСУДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти

ҲАРКИ ИШНИНГ ҲАҚДАН МУКОФОТИ БОР

Қанча буюк эди Инсон гайрати,
Не сирлар калити олтин бошида?
Лек дунё сарвати, замон ҳайбати
Сўроқдай эгилди зарра қошида.

Хатарда қолганда баширий хилқат,
Ногоҳ силкинганда зарбадан замон.
“Мен ҳали борман!” деб келди Оқибат,
“Борман!” деб қаддини кутарди Имон.

Ўзинг асра энди, эй қодир Худо,
Жонимиз, қалбимиз ва шаънимизни.
Ҳар қарич ерида битта авлиё
Хоки ётган азиз Ватанимизни.

Бу юртдан аритма иқбол нуруни,
Иироқ тутма, эзгу орзуларидан.
Пири бадавлат қил кексаларини,
Айирма, гўдаклар кулгуларидан.

Ерга фаришталар энгандай гўё
Зўр нажот қайтажак илтижолардан.
Утган даҳолардан сурайлииз дуо,
Шу заминда ётган авлиёлардан.

Нажот илинжида қолганда хилқат,
Умид излаганда замину замон.
“Мен ҳали борман!” деб келди Оқибат,
“Борман!” деб қаддини кутарди Имон.



**Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими**



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚНИ, МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ТАШАББУСИ

Халқимизнинг меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатлари намунаси сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда йўлга қўйилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати хориж жамоатчилигида кенг қизиқиш уйғотди. Ўтган бир ойдан зиёд вақт давомида нуфузли оммавий ахборот воситалари, таниқли экспертлар мазкур ҳаракат фаолияти, унда ўзбек халқининг саховатлилик, меҳр-муҳаббат хислатларини алоҳида эътироф этяпти.

Жумладан, Lenta.lv ахборот порталида (Латвия) ёзилганидек, Ўзбекистон аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини ҳимоя қилиш учун давлат ва миллий бизнеснинг куч ва ресурсларини бирлаштириш борасида ижобий намунадир. Дунё давлатлари ҳар бири ўз шароити, имконият-

лари ва ресурсларидан келиб чиққан ҳолда пандемия шароитида миллий иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошираётган бир пайтда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ҳамда тегишли жамғарманинг тузилиши, латвиялик журналистларнинг фикрича, мутлақо янгича ташаббус бўлиб, ўзининг моҳияти ва натижалари билан эътиборни тортади.

“Росбалт” таҳлилий-ахборот агентлиги (Россия) ёзишича, пандемия шароитида республика донорлардан молиявий маблағлар қидирмоқда ва топмоқда, стратегик тармоқларни ривожлантирмоқда, турли хорижий шериклар, шу жумладан, Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамламоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар мантиқан асосли шакл касб

этиб, иқтисодиётнинг тўлақонли фаолияти учун ресурсларни сақлаб қолган ҳолда пандемиядан кейинги даврда ижобий натижа бериши кутилмоқда.

“Саховат ва кўмак” лойиҳаси доирасида “давлат аҳолига тадбиркорлик субъектлари орқали ёрдам бериши” эълон қилинди, дея хабар қилади агентлик. Ҳомийларга улар аҳолига кўрсатган ёрдам миқдоридан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан солиққа тортиш, лизинг, кредит ва бошқа соҳаларда турли имтиёз ва преференциялар берилади. Жумладан, умумий қиймати қарийб 369 миллион долларга тенг солиқ имтиёзлари берилиб, улар қўшилган қиймат солиғини тезкор қайтариш, сайёҳлик компаниялари, меҳмонхоналар, авиаташувчиларни мол-мулк ва ер солиғидан озод қилиш, хўжалик субъектларининг муддати ўтиб кетган қарздорлиги учун жарималарни бекор қилишни қамраб олади.

“Республика ҳудудларида тадбиркорларни ва, айниқса, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича штаблар ташкил этилди. Натижада, фаолияти экспортга йўналтирилган корхоналар ўз ишини тиклаб, фуқаролар ўз иш жойларига қайтиш имконига эга бўлдилар. Қишлоқ жойларда яшайдиган ва дехқончилик билан шуғулланадиган аҳоли “Саховат ва

кўмак” диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб, уларга қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва иссиқхоналар ташкил этишда ёрдам берилади... Умуман олганда, Ўзбекистон келажакка қараб ишламоқда”, дейилади “Росбалт” тарқатган мақолада.

“National Herald Tribune” газетаси мухбири (Покистон) Ўзбекистоннинг коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш борасида муваффақиятларга эришиб, шундай оғир шароитда аҳоли ва бизнесни ҳам қўллаб-қувватлаётганини таъкидлайди. Мамлакатда жорий қилинган қоидалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватлангани, фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича қатъий тизим яратилгани, мамлакат ташқи савдо алоқаларини жонлантириш учун янги ташаббусларнинг жорий қилиниши самараси ўлароқ, Ўзбекистон “COVID-19” вирусига қарши кураш бўйича бошқалар ўрнатилган олса арзийдиган тажриба ва амалиётни намоён этмоқда.

National Herald

TRIBUNE

Editor-in-Chief: Gulam Akbar

“Presseaktuell” ахборот-таҳлилий портали (Германия) шарҳловчиларининг фикрича, “Саховат ва кўмак” лойиҳа-

си нафақат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, балки маҳаллий бизнеснинг хайрия фаолиятини кенгайтириш, унинг ривожланиши учун қўшимча “рағбатлантирувчи имкониятлар” яратишга қаратилган. Мамлакатда амалга оширилаётган чора-тадбирлар иш ўринларини тиклаш орқали ички талабни орттириш ва натижада миллий иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръатларини таъминлаш имконини беради.



“The Times Kuwait” газетаси (Кувайт) мухбири “Саховат ва кўмак” ташаббусининг муборак Рамазон ойида амалга оширилганига алоҳида эътибор қаратди. Муборак ойида амалга оширилган эзгу саъй-ҳаракатлар аҳолининг ёрдам ва кўмакка муҳтож қатламларини аниқ, манзилли асосда қамраб олиш ҳамда уларни тизимли қўллаб-қувватлашга хизмат қилди. Хукумат фармойиши билан шакллантирилган махсус жамғарма маблағлари ижтимоий ҳимояга муҳтож, шу жумладан, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга

ёрдам бериш учун йўналтирилмоқда. Асосийси, ушбу ташаббус маҳаллий тадбиркорлар томонидан қизгин кутиб олинди ва ўтказилган хайрия маблағлари аниқ, тизимли чоралар асосида ҳаётга тақдим этилмоқда.



“Bernama” халқаро ахборот агентлиги (Малайзия) журналисти ёзганидек, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган умумхалқ ҳаракати доирасида тадбиркорлар, фермерлар, корхона-



BERNAMA

лар биринчи кунданоқ қишлоқ, шаҳарлардаги кам таъминланган оилалар аъзоларини, ишсиз аёллар ва ёшларни аниқлаб, ўз жамоаларига қабул қиляпти. Уларни иш билан таъминлаб, амалий кўмак беряпти. Айниқса, республиканинг турли нуқталарида “Саховат ва кўмак бурчаклари” ташкил этилгани юқори баҳоланади.

Польшанинг **“SIEWIE.TV-Sieradzkie News Television”** телевизион порталида “Ўзбекистон коронавируси қарши курашмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда қайд этилишича, Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари қатори “COVID-19” пандемияси билан боғлиқ вазиятда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда қатор муаммоларга дуч келмоқда. Мамлакат раҳбарияти ҳозирги шароитда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун давлат ва бизнес саъй-ҳаракатларини бирлаштирди. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини

химоя қилиш, саноат корхоналари, қурилиш соҳаси ва инфратузилманинг тўлиқ ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



“Шу маънода Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Саховат ва кўмак” лойиҳаси жамоатчилик ва бизнес вакилларининг эътиборини қозониб, тадбиркорлар ўзлари фаолият юритаётган ҳудудларда ижтимоий химояга муҳтож одамларни беғараз қўллаб-қувватламоқда. Ўз навбатида, давлат ҳам саховатпеша ишбилармонларга солиқ, лизинг, ссудалар ва зарур ресурслардан фойдаланиш учун турли имтиёз ва преференциялар тақдим этмоқда... Ушбу ташаббус давлат ва халқ бирдамлигининг ёрқин намунаси бўлди”, дейилади репортажда.

“Халқ сўзи”
2020 йил 29 май

“COVID-19” пандемияси дунёнинг барча мамлакатларига таъсир кўрсатди ва Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Республика раҳбарияти ушбу инқироз оқибатларини мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳага минималлаштиришга қаратилган қатъий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг пандемия ва карантин даврида аҳолига пул, кундалик истеъмом моллари, дори-дармон ва маҳсулотлар шаклида ижтимоий кўмак бериш мақсади бўлган “Саховат ва кўмак” жамғармасини яратиш ташаббусини алоҳида таъкидлашни истардим.

Хукуматнинг бандлик масалаларига катта эътибор қаратаётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Жумладан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 140 мингдан зиёд фуқаролар иш билан таъминланган. Турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш, инфратузилма, таълим ва бошқа тармоқларда иш ўринлари яратиш имконияти таъсирни юмшатишга ёрдам беради.

Рой Энтони Рожерс,
Малайзия университети
профессори

Пандемия шароитида Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг ҳамжиҳатлик ҳамда бирдамликдаги хатти-ҳаракатлари мамлакатда, бир томондан, давлат ва фуқаролик жамияти конструктив ҳамкорлик қилишга тайёрлигини, бошқа томондан эса расмий Тошкент вазиятдан қатъи назар, қўшни давлатларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини яна бир бор кўрсатди.

Саид Холид Жеффри,
Глобал ва стратегик
тадқиқотлар маркази
президенти, покистонлик
эксперт

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ҲАМ САХОВАТ ТАДБИРЛАРИДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Ҳозирги мураккаб ва синовли даврда жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва ўзаро холис ёрдам сингари эзгу ғояларга қаратилган умумхалқ ҳаракатида сув хўжалиги тизимининг кўп минг сонли жамоаси ҳам муносиб иштирок этмоқда.

Бошланган эзгу ҳаракатларнинг давоми сифатида Сув хў-

ўз ҳисобидан 100 минг сўм миқдоридаги маблағни мазкур фондга беғараз ёрдам сифатида ўтказиб бермоқда. Жорий йил 17 апрель ҳолатига кўра, жамоат фондига 2,2 миллиард сўм маблағ туширилди, қисқа муддатларда бу кўрсаткич қарийб 4 миллиард сўмга етказилади.

Бугунги кунга келиб, барча сув хўжалиги ташкилотлари

*Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлгил.*

Алишер НАВОИЙ



жалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига маблағ ўтказиш акциясини уюштириш ташаббуси билан чиқди. Хусусан, тизимдаги барча ташкилотлар ходимлари ихтиёрий равишда

қошидаги ёрдамчи хўжаликларда қорамол, қўй, эчки, товуқ, қуён, ўрдак боқияпти. Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириляпти. Иссиқхоналар ва очиқ майдонларда қишлоқ хўжалик экинлари парваришланмоқда. Давлатимиз раҳба-

рининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш бўйича берган топшириқларидан келиб чиқиб, сув хўжалиги ташкилотлари қошидаги ёрдамчи хўжаликлар фаолият кўлами кенгайтирилмоқда.

Акция доирасида узок йиллар сув хўжалиги тизимида

самарали меҳнат қилган нуроний кексаларимиз эъозланиб, уларнинг холидан хабар олинмоқда. Шунингдек, фахрий педагоглар, кўмакка муҳтож инсонлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлиги бор ходимларга ташкилотлар қошидаги ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тарқатилмоқда.

Шухрат СУЮНОВ,
*Ўзбекистон Республикаси Сув
хўжалиги вазирлиги
матбуот котиби.*
2020 йил 19 апрель

ҲИММАТ



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

*Инсонлик белгиси тик оёқ эмас,
Ёки далолати забон бўлмагай.
Улов минган ҳар ким отлиқ саналмас,
Либосдан ҳам одам аён бўлмагай.*

*Саховатдан маълум киши сийрати,
Хайру кўмакдадир одам зийнати,
Кимматин оширар қилган ҳиммати,
Беҳайрга Ҳақдан эҳсон бўлмагай.*

*Қушниси оч туриб, ишрат қурган ким?
Тошқинни томоша қилиб турган ким?
Булар биздан эмас, Худо урганким,
Бундан-да нодонроқ нодон бўлмагай.*

*Бўрон ёмон, ундан ёмонроқ ваҳм,
Ким қудуқ қазар, ким кавлар лаҳим.
Бугун синглиннга қил силаи раҳм,
Эртага ҳожат ё имкон бўлмагай.*

*Боларини қара, тинмайди шуям,
Ярадор шеригин илгайди шуям.
Узини тортишни билмайди шуям,
Улуш йигилмаса, хирмон бўлмагай.*

*Кимгадир нон керак, кимга ширин сўз,
Меҳрга ташнадир жавдираган кўз.
Эл бўлгин, яхшилик қилиннга шоиш, дўст,
Элдан чиққан гумроҳ эсон бўлмагай!*

*Кўли, кунгли, юзи очик халқим бор,
Оқибатда тенгсиз, десам ҳаққим бор.
Хотам тупрогига сахий талқин бор:
Бундай қутли ўзга макон бўлмагай.*

*Куклам чақмогидек бу кунлар ўтар,
Фақат кўк чирогин юзингга тутар.
Синов фурсати бу!
Синовли бу давр...
Машаққат чекмасанг, даврон бўлмагай.*

*Юртбоши кўтарса юртни бошига,
Ўзи етиб борса мискин қошига,
Ҳиммат қўлин берса кекса-ёшига...
Четда турган бефарқ – инсон бўлмагай!*



ТАШАББУСНИ ТАДБИРКОРЛАР БИРДЕК ҚЎЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ



“Имкониятидан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда, мисол учун 10 та, бошқа бири эса 20 та оилага кўмаклашиши, энг муҳими, муҳтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Давлат томонидан, ўз навбатида, бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилади. Яъни бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъ-

ектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади”.

Президентимизнинг бу фикри мен каби минглаб тадбиркорларни бугунги синовли кунларда ён-атрофимиздаги эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишдек эзгу ишларга ундади. Чунки тадбиркор сарийлик қилади, бунинг ортидан хурмат, обрў орттиради, давлат эса унинг бу ишига яраша имконият, имтиёз беради.

Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига қўшилдик. Аввало, корхонамиз тасарруфида алоҳида боғдорчилик уюшмаси ташкил этдик. Унинг ихтиёридаги 600 гектардан зиёд ерда янги токзорлар барпо этиш ишларини бошладик. Бунинг учун мингта оилани қарамоғимизга олиб, шундан 500 дан зиёд камбағал оилани коопе-

ративга доимий ишга олдик ва янги токзорлар орасини уларга бўлиб бердик. Айти кунларда улар бу майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бошлади. Яна 500 оилага қирқ кунда ҳосил олса бўладиган бодринг уруғини тарқатдик. Шунингдек, Самарқанд шахрининг Қорасув массивида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар қурилишига 100 кишини ишга олдик. Муҳими, уларнинг уч ойлик озиқ-овқат таъминоти, дала ва қурилиш объектига келиб-кетиш харажатларини ўзимиз қоплаймиз.

Биз янги иш ўринлари яратиш учун яна бир неча истиқболли лойиҳани амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Шулардан бири

Самарқанд туманининг тоғли худудида 2 минг гектарлик интенсив боғ барпо этиш лойиҳасидир. Тўлиқ томчилатиб суғориш тизимида ташкил этиладиган боғ лойиҳаси шу йилнинг охиригача амалга оширилади ва бу ерда 2 минг киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Умуман олганда, уюшмамизда ишловчилар сони 10 минг нафарга етади.

Бу эзгу ишларга виждон амри билан, давлатимиз ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни бажариш учун қўл уряпмиз. Чунки Президентимиз шунча имконият яратиб бермаганида, қўллаб-қувватламаганида, биз бугун тадбиркорлик фаолиятимизни ривожлантира олмаган, шундай марраларни кўзлаб турмаган бўлар эдик.

Шавкат ЖАЛОЛОВ,
*Самарқанд туманидаги
“Agromir group” уюшмаси
директорлар кенгаши раиси.*
2020 йил 25 май

ОДАМЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ УЧУН ДЕПУТАТ УЙИНИ СОТДИ

Кун қаҳрамонининг сура-ти йўк, унинг исми-шарифини ҳам бир амаллаб аниқладик...

Ижтимоий тармоқлардан бирида “Ҳозирги карантин шароитида рўзғорида қийинчилик бўлаётган одамларга ёрдам берамиз, зарурат бўлса, +99890 160-10-00 рақамига қўнғироқ қилинг”, деган мазмундаги хабарни ўқиб қолдим.

Тўғриси, аввал ҳам шунга ўхшаш хабарларга кўзим тушганида, қандай ёрдам бераркин, деб қўнғироқ қилганимда телефон ўчирилган бўлиб чиққан. Бу сафар эса ҳеч қанча куттирмай “лаббай” деган жавобни эшитдим.

– Ассалому алайкум, қийналганларга ёрдам берар экансиз, шундайми?

– Ваалайкум ассалом, ҳа, ҳа, албатта. Фақат кундалик рўзгорингизда етишмовчилик бўлса, қарашиб юбора оламиз.

– Менга ун керак бўлиб қолди, кўчага чиқмай, уйда нон пиширмоқчи эдим.

– Майли, имкон қадар топиб берамиз. Манзилингизни айтинг.

– Мен Тошкентда тураман.

– Э, йўғ-эй. Тошкентга маҳсулот етказиб бера олмаймиз-да. Биз фақат шу ёнимиздаги одамлар, аниқроқ айтганда, олти-арикликларга ёрдам кўрсатяпмиз.

– Ўзи, нима учун одамларга ёрдам беряпсиз?

– Ҳозирги синовли кунларда савоб учун, албатта.

– Телефон рақамингизни маълум қилибсиз, қўнғироқ қилаётганлар кўпми?

– Ҳа, бор қўнғироқ қилаётганлар. Уларга баҳоли қудрат ёрдам бериб турибмиз.

– Ким бўлиб ишлайсиз? Қайси маблағ ҳисобига амалга оширяпсиз бу ишларни?

- ...
- Ало-о, нега жавоб берма-
япсиз?
- Кимсиз, нима мақсадда
сўроққа тутяпсиз мени?
- Тўғриси, билгим келди.
- Аниқ жавоб бера олмай-
ман.
- Баъзилар хайрияга пул тўп-
лаб, шунинг бир қисмини ёр-
дамга йўналтирар экан...
- Э, опа, биз ундайлардан
эмасмиз. Тўғрисини айтайми?
Ўз уйимдан ташқари, фар-
зандларимга деб иморат қил-
гандим. Шуни сотиб, пулини
ишлатяпман. Қолаверса, ўзим
тадбиркорлик, деҳқончилик би-
лан шуғулланаман. Имконим
бор, қолаверса, халқ учун масъ-
улман, мен туман кенгаши де-
путатиман. Телефон рақамим-
ни ҳам бежиз тарқатганим йўқ.
Ёрдам зарур бўлса, одамлар ни-
ма қилишларини билмай ўтир-
масин, дедим. Қилаётган иши-
мизни бошқалар билиши шарт
деб ҳисобламайман. Илтимос,
яна шуни билингки, хайрия

ёрдамини туман мутасаддила-
ри билан ҳамкорликда амалга
оширяпмиз. Шундай тартиб ўр-
натилди ҳозир.

Мулоқотимиз якунида суҳ-
батдошим журналист эканим-
ни билиб, ўзи ҳақида бирор
нарса ёзиб юрмаслигимни ил-
тимос қилди. У хўжақўрсинга
ёки кимгадир яхши кўриниш
илинжида эмас, савоб учун
хайрли иш қилаётганини айт-
ди. Исми-шарифини айтишни
эса асло истамади.

Фақат сиз билан шунчаки та-
нишиб қўймоқчиман, деганим-
дан сўнг, Абдуллажон Исоқов
эканини айтди.

Халқимизнинг бу камтарин
фарзанди ўзи ҳақида бошқа-
лар билишини қанчалик иста-
маётган бўлмасин, менда бу-
гунги кун қаҳрамонини одам-
ларга танитиш истаги кучли-
лик қилиб, қўлимга қалам ол-
дим.

Мана, инсонийлик, саховат
қандай бўлиши керак? Ундан
ўрнат олайлик, азизлар!

Норгул АБДУРАИМОВА

САХИЙ

Худойим давлат берган
Химмати кенг зотлар бор.
Қуёидай талъат берган,
Хотамга тенг зотлар бор.

Улус дилбанди улар,
Ўлкадошу елкадош:
Эли жилмайса – кулар,
Халқ ўксиса – тукар ёш.

Белин боглаб азада,
Яшнар юрт тўйи билан.
Бахтиёр ва гамзада –
Миллатнинг ўйи билан.

Мискинлар бошин силаб,
Тутгай сафо жомини.
Хастага шифо тилаб,
Дори қилгай жонини.

Юрт бошига иш тушса,
Борин тукар уртага.
Қавми бахтга қовулса,
Дарди арир – уртаган.

У – Ватаннинг фарзанди,
Раҳмат хирмонин уяр.
Очиққўл, жўмард, танти –
Ва лек бандадир уям.

Қувгай қувонч, андуҳлар –
Эл қатори яшар, рост.
Фақат... озроқ кам ухлар
Ва кўпроқ ишлар бир оз.

Уч сўм кирса ёнига,
Кўпайтиб элга бергай.
Ёғдули ҳамёнига
Дуюю савоб тергай.



Нодир ЖОНУЗОҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Орзуси – хазинасин
Кўнгишларга кўммақдир.
У учун Ҳақ зинаси –
Саховат ва кумақдир.

Бор Худоё, ул зотни
Ёрлақа – кўз тегмасин.
Асра кўнгли ободни,
Ножуя сўз тегмасин.

Толе бер лазиз, ширин,
Эл мангу, у бор бўлсин.
Қафтга тукилган шеърим
Бахтига тумор бўлсин!



СИНОВЛИ КУНЛАРНИ ЖИПСЛИКДА ЕНГИБ ЎТМОҚДАМИЗ



“COVID-19” пандемия сабаб юртимизда эълон қилинган карантин натижасида кўплаб ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва савдо нуқталари тўхтаб қолган эди. Шу

вақт мобайнида аҳоли орасида айрим ижтимоий-маиший муаммоларга дуч келганлар сони ҳам ортгани ҳақиқат.

Хайриятки, ҳукуратимизнинг ўз ўрнида амалга ошир-

ган саъй-ҳаракатлари билан ўта оғир кунларни аста-секин енгиб, ёруғлик сари чиқиб бормоқдамиз.

Айниқса, шу вақт оралиғида “Саховат ва кўмак” хайрия ташаббуси орқали кўплаб юртдошларимизга саховатпеша ҳамюртларимиз томонидан моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

“Миллий тикланиш” партияси бошланғич ташкилоти аъзоларидан иборат “Grand Pharm Trade” МЧЖ республикамиз бўйлаб 5000 оилани қарамоғига олди.

Ушбу ҳафтадан бошлаб МЧЖ ташаббуси билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудлардаги бошқарма ва бўлимлари томонидан тақдим этилган рўйхат

асосида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тижорат банкларининг пластик карталари тарқатила бошлади.

Андижон вилоятининг ўзидда 900 га яқин оила рўйхатга киритилган бўлиб, шу кунгача вилоятдаги 500 та оилага банк пластик карталари етказиб берилди.

Ҳақиқатан ҳам, эҳтиёжманд, муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашнинг янги босқичини бошлаш бугуннинг талабига айланган. Халқимизнинг сабрматонати, давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати ҳамда саховатли тадбиркорларимизнинг кўмаги билан жипслиқда бир мушт бўлиб, синовли кунларни енгиб ўтмоқдамиз.

Камола АБДУВАЛИЕВА
2020 йил 22 май

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ “САХОВАТ ВА КЎМАК” ЖАМҒАРМАСИГА 70 МИЛЛИОН СЎМ ЎТКАЗДИ

Хайр-саховат, эзгу амаллар қалбларга илиқлик бахш этади. Кимгадир нафингиз тегар экан, бунинг ҳам ажри улуғ. Айниқса, бугунги кундаги пандемия даврида муҳтож, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш борасида юртимизда ўзига хос ҳаракатга қўл урилди.

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 49-ўрта таълим мактаби директори Рустамжон Ҳақимов ҳам бу ишлардан четда тургиси келмади. У туман “Саховат ва кўмак” жамғармасига 70 миллион сўм маблағ ўтказиб берди. Бу саховатпеша инсон мактабда ишлаши билан бирга тадбиркорлик билан ҳам шуғулланади. У “Яйпан саёҳат” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган бўлиб, туризм соҳасида фаолият олиб

боради. Ўн йилдан буён кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга сидқидилдан ёрдам кўрсатиб келяпти. Ўтган йили Рамазон ойида ҳам минг қоп ун тарқатган эди.

– Давлатимиз раҳбари синовли кунларда саховатпеша инсонларни эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашишга чақирди, – дейди Рустамжон Ҳақимов. – Албатта, бу ташаббус биз каби инсонларни эзгу ишларга чорлади. Аввало, қалб амри билан эҳсон қилсангиз, руҳан энгил тортасиз. Бу амалдан яхшилик кўрган инсон ҳам севинади. Яқинда 100 та оилага 500 килограмм ўсимлик ёғини тарқатдик. Эҳтиёжманд оилаларга мадад ва далда бўлишнинг гашти ҳам бўлакча.

М. Сулаймонов
2020 йил 5 май

АЖДОДЛАР ИБРАТИ

Каромат эгаси бўлган бу Амир (Алишер Навоий) давлат ишидаги мансаб ва лавозимда ишлаб юрган чоғлари қашшоқлар ва дарвешларга моддий ёрдам бериш ҳамда бошқа юртлардан келган йўловчилар ва мусофирлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Хуросон мамлакатининг турли жойларида кўплаб хонақоҳлар, работлар, ҳовузлар, кўприклар ва ҳаммомлар қурганлар.

Қуйида улардан айримлари санаб ўтилади: “Халосия” хонақоҳи “Ихлосия” мадрасаси қаршисида жойлашган. Ҳар куни ушбу файзли маконда мингдан ортиқ қашшоқ ва мискинларга овқат улашиб, уларни лаззатли таомлар билан сийлайдилар.

Бундан ташқари, ҳар йили икки мингга яқин пўстин, чакмон, кўйлак, иштон, энгил дўппи ва оёқкийим муҳтож кишиларга улашилади.

“Зиёратгоҳ” хонақоҳи: бу жойда ҳам қашшоқлар ва мискинларга таом улашадилар.

Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асаридан

ХАЛҚ ВА МИЛЛАТ ТАҚДИРИГА ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК



2020 йил инсоният учун — синов йили бўлди. Коронавирус аталмиш офат кириб бормаган давлат деярли қолмади. Ҳажми зарранинг заррасича келади-ган бу кўзга кўринмас вирус бутун дунёни алғов-далғов қилиб юборди. Унинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири кўлами жиҳатидан инқирозлар ичида энг каттаси бўлиши тахмин қилинаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Кун келиб иқтисодий-молиявий зарарлар, албатта, тикланади. Халқаро молия институтларининг прогнозлари бунга кўп вақт қолмаганини кўрсатмоқда. Аммо карантин чекловлари кучайтирилиши туфайли аҳолининг маълум бир қатлами даромад манбаини йўқотдики, бу эса давлат ва жамият олди-га уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масаласини қўйди. Бу борада дунё давлатларида ҳар хил усуллардан фойдаланилди. Ўзбекистонда эса синовли кунлардан талафотларсиз чиқишнинг ўзига хос модели ишлаб чиқилди.

Гап шундаки, Президенти-миз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига асос солинди. Натижада глобал инқироз оқибатларини юмшатиш, айниқса, пандемия шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўл-



лаб-қувватлаш учун нафақат давлат томонидан моддий кўмак кўрсатилди, балки халқимизнинг хайр-саховат каби эзгу амаллари ҳам кенг қулоч ёйди.

Дарҳақиқат, аҳолининг бирдамлиги ва жипслиги халқимиз бошига ташвиш тушган пайтларда янада яққолроқ намоён бўлди. Яъни пандемия пайтида, шунингдек, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида кузатилган техноген ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ишларида ҳеч ким четда қолмади. Олий Мажлис Сенати аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори Муртазо Раҳматов таъсисчилигидаги компаниялар гуруҳи ҳам бу борада ташаббускор бўлиб, ёрдам қўлини чўзди. Дастлаб Олот, Қорақўл ҳамда Сардоба

туманларига махсус техникалар ва транспорт воситалари қарвони жўнатилди. Унинг ортидан эса Сардобага 120 тонна йўл битуми, 120 тонна цемент, Бухоро вилоятига эса 240 тонна йўл битуми, 240 тонна цемент етказиб берилди.

Таъкидлаш керакки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини оширишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Муртазо Раҳматов раҳбарлик қилаётган Бухородаги “ВСТ Cluster”, Қуйи Чирчиқ туманидаги “ТСТ Cluster” кластерлари иш фаолияти бир зум ҳам тўхтатилмади. Бу ерда меҳнат қилаётган 12 минг кишилик жамоанинг ҳар бир аъзосига иш ҳақлари ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилди. Шу билан бирга аҳолимизнинг ёрдамга



мухтож қатламларига моддий кўмак кўрсатилди. Аниқроғи, сенатор ташаббуси билан 1100 га яқин оилалар оталиққа олинди.

— Бу йилгидек синовли кунларда халқ ва миллат тақдирига ҳеч ким бефарқ бўлмаслиги керак, — дейди сенатор Муртазо Раҳматов. — Президентимизнинг ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ташкил этилганидан сўнг, айтиш жоизки, халқимизнинг меҳр-саховат, ҳиммат каби юксак фазилатлари янада ёрқинроқ намоён этди. Ушбу ҳаракат, айниқса, давлатимизнинг бекиёс ғамхўрлигини чуқур ҳис қилиб турган биз, кластерлар раҳбарлари, тадбиркор ва инвесторларни ҳам эҳтиёжманд

оилаларга саховат кўрсатишга ундади. Натижада бизнинг кластерлар жамоаси ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган Бухоро вилоятидаги 1000 та, Жарқўрғон туманидаги 25 та, Қуйи Чирчиқ туманидаги 50 та оилани уч ой давомида оталиққа олиш ташаббуси билан чиқди.

Маҳаллий ҳокимликлар ва маҳаллалар кўмагида рўйхати шакллантирилган кам таъминланган оилаларга 13 турдаги кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиб, манзилли ёрдам кўрсатилди. Бизнинг халқни рози қилиш йўлидаги бу каби хизматимиз, эҳтимол, денгиздан бир томчидек туюлар. Лекин унутмайликки, дарё ва океанлар ҳам қатралардан ҳосил бўлади.



Чиндан ҳам, халқимизнинг “Арғамчига қил қувват” деган пурмаъно ҳикмати замирида ана шу ҳаёт ҳақиқати мужассам. Бунӣ яхши англаган кластерлар ишчи-ходимлари “COVID-19” пандемиясига қарши курашда фуқароларимизни рухан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон “Меҳршафқат ва саломатлик” жамоат фондига ўз иш ҳақларининг бир қисми, яъни 490 миллион сўм миқдоридаги маблағни ихтиёрӣ равишда беғараз ўтказиб бердилар. Шунингдек, карантин пайтида эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларни

зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун ташкил этилган “Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари”га 300 миллион сўм ҳомийлик маблағи тақдим этилди.

Умуман олганда, кластер томонидан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида Бухоро вилоятига 2 миллиард сўмлик, Сурхондарё вилоятига 135 миллион сўмлик, Тошкент вилоятига қарийб 132 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилгани таҳсинга лойиқдир.

Саид РАҲМОҶОВ,
журналист.
2020 йил 29 апрель

САХОВАТ ВА КЎМАК БЕРИШДА ҲАМ ФАОЛ



Парламентимиз вакиллари “Саховат ва кўмак” умумхалқ харакатининг фаол иштирокчи-

сига ҳам айланиб, ибрат намунасини кўрсатаётганлари янада қувонарлидир.

Масалан, Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Bek Cluster” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари Улуғбек Сотиболдиев Сирдарё вилоятининг Мирзаобод ва Ховос туманларида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами турмуш даражасини яхшилаш мақсадида 2000 та оилага кўмак бериш ташаббусини билдирди.

Албатта, мана шундай синовли даврдаги хайрли ишлар, айниқса, бугунги Рамазон ойида ҳожатбарорга катта савоб, ҳожатмандга эса беминнат ба-рака келтиради.

“Халқ сўзи”
2020 йил 29 апрель

САХОВАТ ҚИЛ



Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

*Нурли ибрат порлар кўкда Қуёшидан,
Унинг каби меҳринг сочиб муҳаббат қил.
Қўп хайрли ташаббус бу Юртбошидан:
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.*

*Оғир дамда бир ёқадан чиқариб бош,
Менинг халқим мусибатга берган бардош,
Қўшнисининг уйига ҳам узатган ош,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.*

*Юзинг қандай ёруғ бўлсин нуқсон билан,
Олам гўзал имони бут инсон билан,
Киши моли камаймайди эҳсон билан,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.*

*Бир майизни қирққа бўлиб еган халқим,
Яхши-ёмон кунда Аллоҳ деган халқим,
Бандасини Узи синар экан, халқим,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.*

*Нурли ибрат порлар кўкда Қуёшидан,
Унинг каби меҳринг сочиб муҳаббат қил.
Қўп хайрли ташаббус бу Юртбошидан:
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.*



“СИНОВНИ ЭЗГУЛИК БИЛАН ЕНГАМИЗ!”

Эҳтиёжманд, кам таъминланган инсонлар ва оилаларга ёрдам кўрсатишга имкони бўлган ҳар бир юртдошимиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида қатнашишга интилоқда.

Айтиш жоизки, саховатга бел боғлаган ёш тадбиркорларнинг барчаси “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси томонидан имтиёзли кредит асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлардир.

* * *

Нукус шаҳридаги 300 дан ортиқ хонадон, ёрдамга муҳтож кекса одамларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари ҳамда тадбиркорлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, кўчатлар етказиб берилди.

Карантин даврида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Yoshlar –

kelajagimiz” жамғармаси томонидан эълон қилинган #Уйда_қол_фойда_ол# челленжида Қорақалпоғистондан ҳам ёшлар турли йўналишларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ушбу челленж доирасида қорақалпоғистонлик қирқ нафар ёш тадбиркор ва хунарманд ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни намойиш этди.

Бундай хайрли ишларда Андижон вилояти ёш тадбиркорлари ҳам фаол қатнашаётир. Куни кеча улар томонидан вилоятдаги 700 оилага амалий кўмак кўрсатилди.

* * *

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари ҳузурида ташкил қилинган Хайрияларни мувофиқлаштириш марказига келиб, эҳтиёжмандларга ўз кўмагини етказиш истагини









OPAT BA
MATOHAT

138





билдираётган саховатпеша тадбиркорларнинг кўплиги қувонарлидир.

Улар орасида хорижлик инвесторлар ҳам бор. “Dong stoun progress” кўшма корхонаси Иштихон туманига 1,5 миллион доллар инвестиция киритиб, мрамарни қайта ишлаш учун замонавий технологияларни олиб келган. Ҳозирги кунда бу ерда 20 нафар ўғил-қиз иш билан банд.

– “Dong stoun progress” раҳбари Хи Мин томонидан Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига 200 литр ёғ ва 4,5 тонна ун етказиб берилди, – дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман бўлими бошлиғи Ш. Ўсаров. – Етказиб берилган ун ва ёғ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тарқатилди.

* * *

Яккабоғ туманидаги паррандачиликка ихтисослаштирилган “Кумуш куз файзи” МЧЖ раҳбари Абдунаби Ғиёсов мамлакатимиздаги саховатпеша тадбиркорлар қаторида “Саховат ва кўмак” ҳаракати жамғармасига 60 миллион сўм маблағ ўтказиб берди. У муборак Рамазон ойида тумандаги ота-онасидан барвақт жудо бўлган 50 нафар ўғил-қизнинг ҳар бирига 1 миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатди ва озиқ-овқат

маҳсулотлари жамланмасини тўхфа қилди.

* * *

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини қўллаб-қувватлаётганлар Бухорода ҳам кўп. Ана шундай инсонлардан бири тадбиркор, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Нодир Ҳамдамовдир. Унинг ташаббуси билан 117 нафар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила рўйхати шакллантирилди ва тадбиркор уларни ўз қармоғига олди.

– Биз шу оилаларни уч ой давомида кундалик зарур истеъмол моллари билан таъминлаб, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турамиз, – дейди Н. Ҳамдамов. – Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилалардаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш тадбирларини ҳам кўряпмиз. Яқинда шундай ёшларнинг 25 нафарини иш билан таъминладик.

Гап шундаки, ишбилармон қисқа муддат ичида янги бизнес лойиҳани амалга ошириб, антисептик воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада, янги иш ўринлари яратилишидан ташқари, бозорда талаб катта бўлган бу маҳсулотни экспорт қилиш имконияти ҳам юзага келди.

* * *

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Навоий

вилояти бошқармасидан олинган маълумотга кўра ўтган уч кун мобайнида махсус ҳисоб рақамимизга 500 миллион сўмдан ошиқ маблағ тушди. Бугунги кун ҳолатига кўра, 100 дан зиёд тадбиркорлар ўз ҳомийлик маблағини ўтказиб бериш истагини билдирди. Бундан ташқари, “Karmana golden eggs” МЧЖ раҳбари Азиз Сувонов ҳамда “Export fish product” МЧЖ директори Обид Саидов 500 тадан оилани ўз оталиғига олиб, яна 100 кишини вақтинча иш билан таъминлади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг бу шахсий намунаси янада кўплаб юртдошларимиз учун ўзига хос эзгу даъват бўлмоқда.

Бундай эзгу ишларда ёшларнинг олдинги сафларда эканлиги, айниқса, эътиборга молик. Чунончи, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши, “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси вилоятдаги ёш тадбиркорлар ҳамкорлигида Рамазон ойининг илк кунлариданок “Биз юртимизга елкадошмиз, халқимизга мададқормиз” шиори остида вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 1000 та хонадонга, жами 110 миллион сўмлик, 7 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида бу каби эзгу ишларни кўллаб-қувватлаб, саховат ишларига ҳисса қўшиш истагидаги тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.

* * *

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги вилоят бошқармасининг Оҳангарондаги Хайрияларни мувофиқлаштириш марказида фаолият юритаётган “Call-center”нинг 1197 телефон рақамига шу кунгача (шаҳар, туманлар билан бирга) 31 мингга яқин мурожат келиб тушди. Уларнинг 27 мингдан кўпига ҳамда муҳтож ва камбағаллиги қайд этилган оилаларга, Меҳрибонлик ва Саховат уйлари каби меҳрмурувватга муҳтож манзилларга 53 тонна гуруч, 43 тонна шакар, 62 тонна ун, 56 минг 219 литр ўсимлик ёғи, 8 минг 131 кг мол гўшти, 450 кг қуритилган мева, 51 тонна 400 кг макарон, 37,5 тонна сабзи, 500 кг бодринг, 2,5 минг литр сут, шунингдек, зарур тиббий воситалар етказиб берилди.

“Минг оилага – минг туҳфа!” ижтимоий хайрия тадбири доирасида эса вилоятдаги 900 га яқин муҳтож оилаларга бир бошдан соғин сигир инъом этилди. Шунингдек, вилоятда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz” ва “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” каби дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

“Халқ сўзи”
2020 йил 30 апрель

ДАЪВАТ



Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

*Хуруж қилди дунё аҳлига офат,
Халқни асраш зарур қурмай талофат,
Йулбошичи шошилинч айлади даъват:
Элга кўмак керак, юртга саховат!*

*Лолалар сўлмасин десак тоғларда,
Гулни дул урмасин десак богларда,
Одамлар ёрдамга муҳтож чоғларда
Элга кўмак керак, юртга саховат.*

*Яхши номинг билан ўзгандир отинг,
Давлатинг кўпайсин, келсин омадинг,
Бир қўйинг ун бўлсин, юзинг бўлсин минг,
Элга кўмак керак, юртга саховат.*

*Бу халқ яхшиликдан топган саодат,
Ёрдамга қўл чўзмоқ оддий бир одат,
Огажон, ҳа деган туяга мадад,
Элга кўмак керак, юртга саховат.*

*Кўринмасдан ҳамла қилганида ёв,
Ҳимоя керакдир, керак эмас дов,
Бу ҳам бир имтиҳон, бу ҳам бир синов,
Элга кўмак керак, юртга саховат.*

*Қанча синовларни бахам қурган тенг,
Бири ёқа бўлган, бири булган енг,
Ўзбек – меҳридарё, ўзбек – бағрикенг,
Элга кўмак керак, юртга саховат.*



ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШСА...



Бутун дунёга тарқалган коронавирус балоси, минг афсуслар бўлсинки, бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Яхшики, юртимизда мухтарам Президентимиз раҳбарлигида барвақт ва зудлик билан ҳамма чоралар кўрилди. Бу балога биздан олдин дучор бўлган ва ўз вақтида ҳозирлик кўрмаган, бепарволик билан қараган ёхуд писанд қилмаган мамлакатларнинг аҳволини кўриб ва эшитиб турибмиз.

Халқимиз жуда кўп синовларни бошидан ўтказган. Иккинчи жаҳон уруши давридаги қаҳатчилик, очарчилик йилларида ҳам ота-боболаримиз бир майизни қирқ бўлиб, борини ўртада баҳам кўриб, фронт ортидаги қийинчиликларга бардош берганлари, эвакуация қилинган болаларга ўз оилаларидан жой бериб, фарзандлари қаторида меҳр-муруват кўрсатишгани, Тошкент шаҳрида ўтган асрнинг ўрталарида юз берган даҳшатли зилзила оқибатида вайроналар ичида бошпанасиз қолган аҳоли чодирларда кун кечириб, ярим коса ёвғонини ҳам қўшнилари билан баҳам кўрганларини ҳаммамиз яхши биламиз.

Юртбошимиз ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ва жони азиз ва қимматли эканини қайта-қайта таъкидлаётдилар. Хизмат тақо-

зоси билан хонадонларга бориб, ёлғиз яшовчи қариялар билан учрашиб-сўрашганимизда, улардан “биз асло ёлғиз эмасмиз, бизнинг орқамизда тоғдек суянчиғимиз, халқ ғамини ейдиган Президентимиз бор”, деган сўзларни эшит-япмиз.

Давлатимиз раҳбарининг “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини амалга ошириш ташаббусини халқимиз катта кўтаринкилик билан қўллаб-қувватлади. Мазкур эзгу саъй-ҳаракат муборак Рамазон ойида амалга оширилишида ҳам ўзига хос маъно му-жассам.

Халқимизда “Инсонни бир кўшни бўлиб, бир қуда бўлиб синайсан” деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳар бир маҳаллада кўни-кўшни бир-бирининг юриш-туриши, феъл-атвори, ижтимоий аҳволдан бохабар. Халқимиз кам таъминланган, қийналган оилаларга ёрдам беришни нафақат хайрли иш ўлароқ бажаради, балки уни ўзининг ижтимоий бурчи, деб ҳисоблайди.

Яқинда Бухоро вилояти, ундан сўнг Сирдарё вилоятида содир бўлган офатлар чоғида Юртбошимиз дарҳол у ерларга етиб бордилар. Халқ билан учрашиб, одамларнинг кўнглини кўтардилар. Ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон, ҳар бир оила шахсан Президент назоратида эканини билдирдилар. Халқимиз шундай ғамхўр, халқпарвар, жонкуяр Юртбошимиз билан ҳақли равишда фахрланади. Бу кунлар ўтиб кетади ва вақтнинг ўзи ким аслида кимлигини кўрсатади.

Ғалабага астойдил ишонган халқ яхши кунларга эришади, рўшнолик кўради. Бунинг яққол тасдиғини Иккинчи жаҳон урушида нафақат фронтда, балки фронт ортида суткасига 14–15 соатлаб меҳнат қилган, Катта Фарғона каналини 45 кунда кетмон билан бунёд этган халқимиз яхши билади.

Биз Юртбошимиз бошчилигида бу оғир кунлардан янада кучлироқ, аҳилроқ, жипсроқ, ҳаётга теран кўз билан қарайдиган комил инсонлар бўлиб чиқамиз, иншооллоҳ.

Рустам КАЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш вазирлигининг
Тошкент шаҳар бўлими
бошлиғи ўринбосари.
2020 йил 1 май

ЭЗГУ ИШГА КАМАРБАСТАЛИК – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган “Саховат ва кўмак” умумхалқ харакати туфайли бугунги мураккаб ва синовли кунларда халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибат, хайр-саховат, инсонийлик, бағрикенглик каби олийжаноб фазилатлари янада кучлироқ намоён бўлмоқда.

Бизнинг 2009 йилда ташкил топган корхонамиз яқин-яқингача пахтадан момиқ ва бошқа

этилди. Бунинг натижасида корхонамизга 42 минг гектар экин майдони ажратилди ва ўз хомашё базамизга эга бўлдик.

Президентимиз 2019 йил 28 февралда Наманган вилоятига ташрифи доирасида корхонамиз фаолияти билан танишиб, илғор технологиялар, замонавий талаблар асосида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича топшириқлар берган эди. Айни кунларда фаолияти-

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпрак дурур.*

Алишер НАВОИЙ



маҳсулотлар ишлаб чиқарар эди. 2018 йилда корхонамиз модернизация қилиниб, унинг таркибида “Art sost cluster” фермер хўжалиги ҳам ташкил

миз тубдан кенгайиб, кластер усулида ишлашга ўттипмиз. Хомашё етиштиришдан ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнлар барчаси тизимли қамраб олина-

Корхонамиз таъсисчилари ва жамоаси билан келишиб, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатига ўз улушимизни қўшиш мақсадида, Наманган шаҳри, Поп, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларида 3 минг оилага ёрдам беришга бел боғлаганмиз.

Зеро, бизга ҳамиша тоғдек суянч бўлаётган, доимо қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимизга, давлатимизга биз ҳам суянч бўлишимиз, Ватанимиз, халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни оқлашимиз инсонийликнинг муҳим нишонасидир.

ди. Иккита пахта тозалаш заводимиз, пахта чигитини чуқур қайта ишлаш корхоналаримизнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Келгусида сифатли уруғ етиштириш, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилади. Ис-сикхона, чорва, фермер хўжаликлари ташкил этилиб, омухта ем, ёғ ишлаб чиқарамиз. Энг муҳими, янги лойиҳалар ишга тушгач, 4 мингта янги иш ўрни очилиб, аҳолининг бандлиги таъминланади.

Бугунги оғир иқтисодий шароитда биз каби тадбиркорлар ва корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар ана шундай эзгу ишларимизни изчил давом эттириш ва янги-янги режалар тузишга

ундамоқда. Хусусан, корхонамиз таъсисчилари ва жамоаси билан келишиб, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатига ўз улушимизни қўшиш мақсадида, Наманган шаҳри, Поп, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларида 3 минг оилага ёрдам беришга бел боғлаганмиз.

Зеро, бизга ҳамиша тоғдек суянч бўлаётган, доимо қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимизга, давлатимизга биз ҳам суянч бўлишимиз, Ватанимиз, халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни оқлашимиз инсонийликнинг муҳим нишонасидир. Ишончимиз комилки, бугунги синовли дамларда ҳар биримиз ана шундай шарафли юмушларни муносиб уддалаб, эртанги нурафшон кунларга ёруғ юз билан етишамиз.

Олимжон БОБОХОНОВ,
"Art soft holding" компанияси
бошқаруви раиси.
2020 йил 27 апрель



ТАШАББУСТА ХАЙРИХОҲМИЗ



Бир неча йилдан бери юртингизда яшаб, меҳнат қилиб, маҳаллий аҳоли билан мулоқотда бўлиб келяпман. Ўзбек халқининг одамийлигига, мамлакатдаги оқилона, адолатли, инсонпарвар сиёсатга қатъий амин бўлган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини ушбу халқчил сиёсатнинг галдаги намунаси сифатида қабул қилдим.

Янги ҳаракат, тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак ҳам тадбиркорлар, ҳам аҳоли манфаатларини ифодалаб, барча эзгу ишлар учун замин ҳозирлади.

Давлат раҳбарининг бу борадаги қатъияти барчани бир ёқадан бош чиқаришга даъват этгани билан аҳамиятли. Фаолияти бевосита Ўзбекистон билан боғланган биз каби хорижий ишбилармонлар ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларга хайрихоҳмиз. Шу боис, калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхонамиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, бу борада ёрдамини аямайди.

Ли Жей СОНГ,
“Posco International Textile”
МЧЖ шаклидаги хорижий корхона-
нинг Бухоро филиали директори.
2020 йил 30 апрель

ОДИЛ АҲМЕДОВ ХИТОЙДАН МОДДИЙ ЁРДАМ ЮБОРДИ



Наманган футболи тарбияланувчиси, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори ва Хитойнинг “Шанхай СПИГ” клуби аъзоси Одил Аҳмедов юрти-

мизда коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятда тиббиёт муассасалари учун зарур воситаларни тақдим этди.

Ҳамюртимиз тухфа қилган тиббий комбинезонлар, ҳимоя кўзойнаклари ва юз ҳимоя ниқоблари Ўзбекистон Республикасининг Пекиндаги элчихонаси ва Шанхай шаҳридаги Бош консулхонаси кўмагида яқин кунларда мамлакатимизга етказилади.

Қайд этиш жоиз, бундан бир ҳафта аввал Ўзбекистонга машҳур ака-ука Аҳмедовлар Наманган шаҳридаги бир қатор маҳаллаларга бориб, ҳозирги пандемия даврида қийналган, ногиронлари бор хонадонларни йўқлаган эди.

© namangan24.uz
2020 йил 29 апрель

ОТАБЕК ШУКУРОВ ЧИРОҚЧИ ХАЛҚИ УЧУН ХАЙРИЯ АЖРАТДИ



Айни дамда бутун дунё бўйлаб тарқалиб бораётган коронавирус пандемиясига қарши курашга ўзининг саховатли иши билан Отабек Шукуров ҳам қўшилди.

Ўзбекистон миллий жамоаси ҳамда “Шаржа” клуби аъзоси Отабек Шукуров ўзи туғилиб ўсган Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзишга бел боғлади.

Чироқчи туманидаги маҳаллаларда истиқомат қиладиган ва карантин даврида ишсиз қолган муҳтожларга Отабек Шукуров бегараз ёрдам қўлини узатмоқчи. Бугун футболчи Чироқчи бозоридан кунлик эҳтиёж учун керак бўладиган 100 миллион сўмга яқин маҳсулотларни (картошка, гўшт, пиёз, ун-ёғ ва хоказо) харид қилган ва эртага уларни муҳтож оилаларга тарқатишни бошлайди.

Саховатли ишга қўл урган ўзбек футболчиси Отабек Шукуровга баракалла деймиз! Тасанно!


Sports.uz
2020 йил 25 апрель

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ УЧУН 75 МИЛЛИОН СЎМ ХАЙРИЯ ҚИЛДИ

Коронавирус инфекцияси туфайли эълон қилинган карантин даврида мамлакатимизда энг аввало аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоялашнинг тезкор чора-тадбирлари белгиланди.

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча соҳа вакиллари, жумладан, йирик корхоналар, саховатпеша тадбиркорлар, хуллас, Ўзбекистон халқи учун ёрдамга ошиққан барча инсонлар мазкур пандемияга қарши курашишда ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилмоқда.

Мураккаб ва синовли дамларда ўзбек халқига хос бўлган ҳамжиҳатлик ва саховатпешалик билан коронавирус пандемиясига қарши кураш доирасида мазкур фондга беғараз ҳамда беминнат ёрдамни аямаётганларнинг кўплиги қувонарли ҳол, албатта.



Жумладан, республикамизнинг энг йирик саноат корхоналаридан бири – Олмалик конметаллургия комбинати акциядорлик жамияти “COVID-19”га қарши курашда аҳолига мод-

дий ва маънавий ёрдам кўрса-тиш мақсадида ташкил этилган “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига 1,5 миллиард сўмни беғараз ўтказиб берди. Жамият ахборот хизматининг маълум қилишича, корхона томонидан бу каби хайрли тадбирлар давом этмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, машҳур футболчимиз Миржа-

лол Қосимов ҳам коронавирус пандемиясига қарши кураш доирасида хайрияга қўл урди.

Ўзбек футбол афсонаси, айти пайтда комбинатнинг футбол жамоаси бош мураббийи сифатида ишлаб келаётган мутахассис Миржалол Қосимов ихтиёрий равишда ушбу фондга беғараз ёрдам тариқасида 75 миллион сўм маблағни ўтказиб берди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА.
2020 йил 29 апрель

СИНОВЛИ КУНЛАР ХАЛҚИМИЗНИ БИРЛАШТИРМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспо-марказ” биносида жойлашган, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Хомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига ҳар куни хомий таш-

мойий ёрдамлар ўз вақтида эҳтиёжманд оилаларга етказилмоқда.

Жумладан, 21 апрель куни пойтахтимизнинг сахий фуқаролари томонидан марказга 2 тоннадан ортиқ шакар, 7000 дона

*Абу Нуъайм раҳматуллоҳи алайҳи
Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят
қиладилар:*

*“Мусулмонлардан бир оилани бир
ой, бир ҳафта ёки Аллоҳ хоҳлаганича
боқмоқлигим мен учун ҳаж кетидан
ҳаж қилганимдан кўра афзалроқдир”*

*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад
Юсуфнинг “Ҳадис ва ҳаёт” китобидан*



килотлар ва саховатпеша инсонлар томонидан хайрия маҳсулотлари келиши давом этмоқда. Муҳими, ушбу ижти-

полиэтилен пакет, 1000 дона полиэтилен сумка ва 8780 кг пиёз етказилди. “Нowo group” ташкилоти 10 тонна картошка, “DMC –






















доктор Мақсудованинг клиникаси” 1 тонна товук, “Oltin tegirmon” ташкилоти 1,5 тонна ун, “Madina Mavlon” ташкилоти 2 тонна картошка, 2 тонна ун, 150 литр ўсимлик ёғи, 240 кг макарон маҳсулотлари, “Navruz Invest” ташкилоти 1 тонна туз, “Krupa Snap” ташкилоти 1 тонна ун, “Xadra group” “Namangan savdo” билан биргаликда 2 тоннадан ортиқ гуруч етказиб берди.

Шунингдек, халқ депутатлари Юнусобод тумани кенгаши депутати Қахрамон Муҳаммадқулов ҳамда “Premium engineering service” корхонаси биргаликда 4 тонна картошка, 2 тонна пиёз ва 1 тонна сабзи, “Class food service” ташкилоти 130 қутида ширинлик тақдим этган бўлса, “O‘zLiDeP” Тошкент шаҳри кенгаши, “Nau CO” МЧЖ, “InfinBank” томонидан 1764 кг ун, 457 кг гуруч, 430 кг

шакар, 454 литр ўсимлик ёғи, 210 кг картошка, 280 кг пиёз, 7,5 минг дона тухум, 852 кг макарон маҳсулотлари, 103 дона майонез хайрия қилинди.

Бундай саховатпеша инсонлар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Қувонарлиси, бу каби ҳомийлик хайрияларини кўрсатиш истагини билдираётган ватандошларимиз сони кун сайин ортиб бормоқда.

Мазкур ижтимоий ёрдам маҳсулотлари, биринчи навбатда, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, кексалар ва нуронийлар, доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли вакилларига маҳалла ходимлари ва волонтерлар ҳамкорлигида мунтазам етказиб турилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ушбу ташаббуси халқимизни янада жипслаштириб, қийин дамларда бирлаштирмоқда.

Саодат БОЙМИРЗАЕВА,
*Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги
матбуот хизмати раҳбари.*
2020 йил 1 май









ДЕПУТАТ ШИФОКОРЛАРГА КЎМАКЛАШМОҚДА

Карантин сабабли баъзи ташкилотларда вақтинча иш фаолиятини давом эттириш тўxtатилган, йўловчи ташиш транспорт воситаларининг қатнови ҳам чеклаб қўйилган, ходимлар эса меҳнат таътилида. Лекин шундай инсонларимиз борки, улар ҳамиша халқ хизматида.

“Azia Fruits Garden” МЧЖ раҳбари Фаррух Бекмирзаев 22 гектар ер майдонида ҳосил етиштирмоқда. У Қоровулбозор аҳолисига 500 килограмм товук гўшти, 3 тонна сабзаёт маҳсулотлари ҳамда 3000 дан ортиқ тиббий воситаларни бепул тарқатган.

– Аҳолига бепул маҳсулотлар етказиб беришдан ташқари, “Қоровулбозор” дехқон бозорига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳар куни жуда арзон нархларда, жумладан, картошка 3000 сўм, пиёз 2000 сўм, помидор 8000 сўм, сабзи 1000 сўм

ва товук гўштини 15500 сўмдан сотяпмиз, – дейди Ўзбекистон Халқ Демократик партиясидан Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати Фаррух Бекмирзаев. – Ундан ташқари, бепул автовоситалар хизмати ни йўлга қўйдик. Фуқаролар телефон орқали кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотларни ёздиришса, уларни ўз нархида автовоситалар хизмати ҳақисиз манзилларига етказиб беряпмиз.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган маҳаллий Кенгаш депутатлари меҳнат маҳсули эвазига етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан аҳолига тортиқ қилмоқда.

Худди шундай саховатпеша тадбиркорлардан бири Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати, “Шохруд” хусусий ишлаб чиқа-

риш корхонаси раҳбари Нодир Ҳамдамов.

Халқ ноиби вилоят юқумли касалликлар шифохонасида хизмат қилаётган 200 нафардан ортиқ тиббиёт ходимларининг ҳар бирининг хонадонида бўлиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тиббий воситаларни бепул тарқатди.

– Қизим Шоҳида Мухторова вилоят юқумли касалликлар

шифохонасида шифокор бўлиб ишлайди, – дейди шифокорнинг онаси Холида ая Мухторова. – Кечаю кундуз шифохонада. Карантин эълон қилинганидан бери уйга келгани йўқ. Биз ва болалари билан фақат телефон орқали мулоқот қиляпти. Шифокор қизим билан фахрланаман. Уларнинг меҳнатини шарафлаётганларга миннатдорчилигимни билдираман.

Зариф КОМИЛОВ
2020 йил 28 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

“МЕҲР-САХОВАТ” КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммога айланган коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, миллий қадрият ва анъаналаримизни муносиб давом эттириб, меҳр-оқибат, саховат, ҳиммат ва олийжаноблик фазилатларини улуғлаб келаётган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга беминнат кўмак бериш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб, беғараз ҳомийлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчиликка алоҳида ўрнатилган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. “Меҳр-саховат” кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

“Меҳр-саховат” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;
“Меҳр-саховат” кўкрак нишонининг тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда “Меҳр-саховат” кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

“МЕҲР-САХОВАТ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда бутун инсоният қатори кўп миллатли халқимиз ҳам коронавирус пандемияси оқибатида юз берган оғир синов ва қийинчиликларга қарши сабот-матонат билан кураш олиб бормоқда.

Ушбу улкан офатнинг мамлакатимиз ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш, фуқаролар саломатлигини асраш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар самарасини бермоқда. Мана шундай мураккаб ва таҳликали вазиятда мард ва жасур, олийжаноб халқимиз янада жипслашиб, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканини яна бир бор амалда намоён этмоқда.

Глобал пандемия ҳамда турли табиий офат ва фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган, беғараз ҳомийлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан барчага ўрнатган бўлаётган юртдошларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасининг жонкуяр вакиллари, саховатли тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг фидойи ходимлари ҳамда бошқа ташаббускор ва фаол фуқаролар “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан мукофотлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика ташкилотлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган рўйхатларни кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Меҳр-саховат” кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 август*

ФИДОЙИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТАҚДИРЛАНДИ

Коронавирус пандемияси инсоният бошига солган оғир синов ва қийинчиликларга қарши дунё давлатлари қатори кўп миллатли халқимиз ҳам сабот ва матонат билан кураш олиб бормоқда. Ана шундай мураккаб ва таҳликали вазиятда юртдошларимиз жипслашиб, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатларни яна бир карра намоён этди.

Айниқса, глобал пандемия ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок

этаётган, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган олийжаноб, саховатпеша юртдошларимизнинг эзгу ишлари барчага намунадир.

Шу кунларда республикамизнинг турли ҳудудларида ана шундай танти ҳамюртларимизнинг бир гуруҳи Президентимиз Фармони асосида “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда. Уларнинг орасида турли соҳа вакиллари, хусусан, бугунги мураккаб шароитда ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшаётган, одамларни иш билан таъминлаб, кўплаб оилаларнинг “Темир дафтар”дан чиқишига кўмак бераётган тадбиркорлар саховати таҳсинга сазовор.

Обид САИДОВ,
Навоий вилояти “Eksport fish produkt” корхонаси раҳбари:

– Кўксимизга тақилган бу мукофот бизга берилган юксак эътибор рамзи, деб биламан. Кичик меҳнатларимга юқори баҳо берилиб, Президентимиз фармонига мувофиқ “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирланганим мен учун катта рағбат бўлди.

оилаларига даромад олиб киришни мақсад қилдим.

Тадбиркорлик фаолиятимни 2015 йилда бошлаган бўлсам, шу вақтга қадар турли тармоқлар, хусусан, ўтган йилдан буён балиқчилик йўналишида ҳам иш олиб бораёмиз. Айти пайтда корхонанинг 2,5 минг метр квадрат майдонида 4 турдаги балиқлар замонавий технологияларга асосланган интенсив усулда етиштириляпти.



Ушбу мукофот менга янада куч-қувват, шижоат бағишлади, десам муболаға бўлмайди. Эътибордан руҳланиб, келгусида бунданда кўпроқ меҳнат қилиш, қўлимиздан келганича халқимизга кўмак бериш, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламини иш билан таъминлаш орқали

Бир йилда 500 тонна балиқ маҳсулотлари халқимиз дастурхонига етказиляпти. Биз иш бошлаган илк кунимиздан халқимиз, хусусан, худудимиз аҳолисига нафимиз тегиши, одамларимизни иш билан таъминлашни мақсад қилганмиз. Шу боис, пандемия шароитида

ночор оилаларга бажонидил кўмак беришга интилдик. Карантин даврида “Темир дафтар”га киритилган 40 та оилага доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 10 га яқин ишсиз инсонларнинг бандлиги таъминланди. Ҳозирда корхонамизда меҳнат қилаётган 70 нафар ишчиларнинг кўпчилиги кам таъминланган оилаларнинг аъзолари ҳисобланади. Уларга муносиб иш шароити яратиш орқали айримларининг “Темир дафтар”дан чиқарилишига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Халқимизда қўл билан берганга қуш тўймайди, деган нақл бор. Биз камбағал оилаларга ҳар қанча моддий кўмак бермайлик, уларни доимий иш билан таъминламагуниimizча оилаларининг моддий аҳволини яхшилашга эриша олмаймиз. Шу боис, айти вақтда корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Навбахор туманида 10 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари асосида янги тикув цехини қуриш ишлари олиб бориляпти. Корхона ишга тушгач, яна 600 га яқин хотин-қизлар иш билан таъминланади.

Фотима ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоятидаги “Пойабзал эркатой болажон” корхонаси раҳбари:

— “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирланишим

мен учун кутилмаган воқеа бўлди. Хушxabарни эшитиб, ниҳоятда қувондим. Кичик меҳнатимизни эътироф этиб, мукофот билан тақдирлаганлари учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдираман.

Ўзим 18 йил банк тизимида ишлаганман. Тадбиркорлик фаолиятимни 2013 йилда ортопедик пойабзал ва текстиль кийимлар ишлаб чиқаришдан бошладим. Вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан бўлган Пешку туманида ишни йўлга қўйиб, хотин-қизлар, асосан, камбағал, эҳтиёжманд аёлларни иш билан таъминлашни мақсад қилган эдик. Ҳозир корхонада 150 та аёл иш билан банд. Унинг ёнида барпо этилаётган янги тикув цехларини ишга тушириш орқали яна 100–150 нафар аёлни меҳнатга жалб қилиб, доимий даромад манбаи билан таъминлашни режалаштирганмиз.

Бугун корхонамизда 10 турдаги маҳсулотлар, хусусан, бир йилда 800–900 минг атрофида тиббий ниқоб, комбинезонлар, 500 мингта махсус кийимлар ишлаб чиқарилади. Дунё давлатлари қатори юртимиз иқтисодиёти, аҳоли турмуш даражасига хавф солаётган пандемия шароитида фуқароларнинг тиббий воситаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш қувватини бир неча баробарга оширдик. Шундай мураккаб вазиятда корхо-

надаги аёллар барча карантин чораларига риоя этган ҳолда учта сменада меҳнат қилиб, мамлакатимиздаги тиббий воситалар захирасини тўлдиришга ҳисса қўшишди.

Одамларимизга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми хайрия қилинди. Сардоба, Олот туманлари аҳолисига тиббий воситалар, кўрпа-тўшак, кийим-кечаклар етказиб бериш, ҳудудлардаги кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишга интилдик. Бундай оғир кунларда одамларимиз бир-бирини қўллаб-қувватлагани, зарур бўлганда бир бурда нонини баҳам кўрганига гувоҳ бўлиб, ана шундай бағрикенг, танги халқнинг фарзанди эканимдан ғурурландим. Мана шу элнинг бир фуқароси сифатида бундан кейин ҳам муҳтож оилаларга кўмак бериш, иш фаолиятимни янада кенгайтириш орқали кўпроқ хотин-қизларни иш билан таъминлашни мақсад қилдим. Зеро, бугунги синовли кунларда ўзаро ҳамжихатликда, қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилсаккина, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтамиз.

Носир ЮСУПОВ,

Самарқанд вилоятидаги “Булунғур-Сандвик” агрофирмаси директори:

– Президентимиз фармони билан бир қатор юртдош-

ларимиз қатори менга ҳам “Меҳр-саховат” кўкрак нишонининг топширилиши ҳам кутилмаган, ҳам ҳаяжонли воқеа бўлди. Мазкур мукофотни нафақат мен, балки корхонамизда фаолият юритаётган ҳар бир кишига кўрсатилган эътибор, ишонч рамзи, деб биламан.

Бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча тармоқлари, хусусан, мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани сир эмас. Корхона 2009 йилда иш фаолиятини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан бошлаган бўлса, бугунга келиб маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёнларини ўзида бирлаштирувчи йирик агро-сноатга айланди. Айни пайтда бу ерда Италиянинг замонавий “Sandvik” технологиялари ёрдамида бир йилда 2 минг тонна қуритилган мева-сабзавотлар ишлаб чиқариляпти.

2018 йилда “Best Veg Farm” МЧЖ билан ҳамкорликда мева-сабзавотчилик кластери ташкил этилиб, иш фаолиятимиз янада кенгайди. Ўтган йили 4528 тонна қуритилган мева ва бошқа маҳсулотлар АҚШ, Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Хитой, Эрон, Ирок, Туркменистон ва Туркия давлатларига экспорт қилинди. Жорий йилда 1110 та фермер хўжаликлари билан умумий суммаси 33,7 миллиард сўмлик

жами 43 минг тонна сабзавот маҳсулотлари учун шартнома имзоланган. Ҳозирги кунга қадар 23,5 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланди.

Айни пайтда корхонада 80 дан ортиқ доимий, 400 нафардан зиёд мавсумий ишчилар меҳнат қилади. Уларнинг моддий аҳволи, оилавий шароитидан доим хабардор бўлишга интиламиз.

Айниқса, пандемия шароитида корхонада ишловчи 28 та ишчининг оиласи мунтазам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Булунгур туманидаги 33 та кам таъ-

минланган, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бердик. “Темир дафтар” рўйхатида турувчи камбағал оилалардан 42 нафарини иш билан таъминладик.

Айтиш жоизки, бугунги синовли кунларда энг катта ютуғимиз — халқимизнинг жипслашиб, бир-бирига ёрдам қўлини чўзаётгани бўлмоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда олийжаноб халқимиз ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканини яна бир бор амалда намоён этди ва бу бирдамлик Президентимиз эътиборидан четда қолмади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири.
2020 йил 2 октябрь

ХАЛҚИМИЗНИ ЯНАДА ЖИПСЛАШТИРГАН ЭЗГУ ТАШАББУС



Дунё аҳлини ташвиш ва хавотирга солган коронавирус пандемияси, афсуски, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Айрим ривожланган давлатларда кам таъминланган оилаларнинг тиббий ёрдам олиши жиддий муаммога айланиб қолган бир даврда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига жуда катта эътибор қаратилди.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ташкил этилгани халқимизни эзгу бир мақсад йўлида янада жипслаштирди.

Бу ташаббус юртимиздаги бирорта оиланинг эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш билан бир қаторда одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, кўп асрлик қадриятимиз ҳисобланган хайр-саховат туйғуларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшгани билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Мен истиқомат қиладиган Самарқанд туманида ҳам “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати уюшқоқлик билан ўтказилди. Туманимиз тадбиркорлари ва саховатпеша инсонлар томонидан 2 минг 245 та оилага 5,5 миллиард сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Мен ҳам мана шундай савобли ишга ўз ҳиссамни қўшганимдан бахтиёрман. Президентимиз мазкур ташаббусда иштирок этган бирор бир тадбиркор зарар кўрмаслиги, одамларга кўрсатган ёрдами миқдоридан давлат томонидан тадбиркорларга ҳам қўшимча имтиёзлар яратиб бериш лозимлигини қатъий таъкидлади.

Тадбиркорлар халқимиз бошига шундай синов тушганда ўзининг қалб амри, фарзандлик бурчи билан ёрдамга шошилган бўлса-да, давлатимиз раҳбари уларга кредит фоизларини ка-

майтириш, турли субсидиялар ажратиш каби имтиёзлар бергани юртимизда тадбиркорлик соҳаси доимо давлат ҳимоясида эканининг амалдаги ёрқин далили бўлди.

Бугун эса Президентимиз Фармонига асосан “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирланганимиз қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор уйғотди.

Бундай эътибор ва рағбат биз тадбиркорларни она Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида янада катта куч ва ғайрат билан меҳнат қилишга ундади.

Акбар МАҲМУДОВ,
Самарқанд туманидаги
“Келажак пресс” масъулияти
чекланган жамияти директори.
2020 йил 10 октябрь



ХАЛҚ БИРЛИГИ ВА МАТОНАТИ – УЛУҒ ҚУДРАТ

*Бухоро вилоятида юз берган
табиий офатга қарши кураш халқимизнинг
жипслиги, меҳр-муҳаббати ва қудратини
амалда намоён этди*

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ ОДАМЛАРНИНГ РУҲИНИ КЎТАРДИ

2020 йил 27 апрель куни мамлакатимизга Туркменистон худудидан кириб келган кучли шамол Бухоро, Навоий, Самарканд ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли ҳаёти, инфратузилма тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтирди. Шамолнинг тезлиги айрим худудларда секундига 40 метргача етди. Ҳодиса талафотлари, айниқса, Бухоро вилоятида катта бўлди. Бир неча фуқаро жароҳатланиб, бир киши ҳалок бўлди. Шунингдек, уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонларига зарар етди.

Халқ ичида бўлиш, одамларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш, турмуш шароитини яхшилаш Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари ҳозирги

пандемия шароитида долзарб масалаларнинг кўплиги ва ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, халқ дардига малҳам бўлиш учун зудлик билан Бухоро вилоятига етиб борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вертолётда Қорақўл ва Олот туманларидаги ҳолатни кўздан кечирди.

Олот тумани марказида маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари кутилмаган табиий офат – кучли шамол одамлар турмуши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга салбий таъсир қилганини афсус билан қайд этди.

– Коронавирус пандемияси пайтида ҳамма ташкилий чора-тадбирларни кўриб, тартиб-интизомни қаттиқ тутганимиз натижаларини кўряписизлар. Ҳар бир фуқаронинг ҳаётини асраш учун 24 соат ҳаракат қиляпмиз.



Албатта, бу ҳаммамизнинг бошимизга тушган катта синов. Аввал айтганимдек, биз бу қийинчиликдан жипслашиб, янада қудратли бўлиб чиқамиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз ошади. Кечаги офат ҳам яна бир синов бўлди. Ҳаммасини бевосита кўриш, сизларнинг кайфиятларингизни кўтариш учун ўзим келдим. Қўлимизда барча маълумотлар бор. Қанча маблағ керак бўлса, берамиз. Биронта хонадон, корхона, фермер хўжалиги эътибордан четда қолмайди. Энг катта масала – саранжом бўлиб, одамларни асраш керак, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари саросимага тушмасдан ҳар кунги юмушларни давом эттириш муҳим эканини таъкидлади. Табиий офат оқибатларини зуд-

лик билан бартараф этиш, турар жойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги юзасидан тезкор чоратадбирлар белгиланди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳар бир хонадонга кириб, одамларга хавотирга тушмасликни, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда, етказилган талафот тез кунларда бартараф этилишини тушунтириш кераклиги қайд этилди. Қоракўл ва Олот туманлари ҳокимларига мана шу оғир кунларда одамларнинг руҳини кўтариб, уларни бирлаштириб, халқимиз нималарга қодир





эканини кўрсатиш бўйича тавсиялар берилди.

Учрашувда мана шундай оғир кунларда тадбиркорларимиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, бағрикенг, олийҳиммат юртдошларимиз сафи кенгайиб бораётгани маҳаллалар, ҳудудларни обод қилишда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

– Сўнгги уч йилда қилаётган барча саъй-ҳаракатларимиз, ҳар куни ўз устимизда ишлаб, тинимсиз изланаётганимиздан мақсад, аввало, одамларни рози қилиб, инсон манфаатларини юксалтиришга қаратилган. Мана шундай оғир кунларда бағрикенг халқимиз бирлашиб, давлатимиз олиб бораётган ишларга камарбаста бўлса, бу синовни ҳам, албатта, енгиб ўтамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Муборак Рамазон кунларида Аллоҳ таолодан халқимизга тинчлик-осойишталик, юртимизни турли бало-офатлардан асрашини тилаб дуо қилинди.

Президентимиз муқаддас динимизни, улуғ аждодларимизнинг бу йўлдаги илмий меросини чуқур ўрганиш билан боғлиқ муҳим масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.


Бухоро халқаро аэропортида табиий офат оқибатларини бартараф этиш, аҳоли, фермер ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

ЎЗА






T BA MATOHAT









ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗ КЎМАГИ ХАЛҚИМИЗГА КАТТА МАДАД БЎЛДИ



Мамлакатимизга кириб келган кучли шамол юртимизнинг бир қатор ҳудудлари қаторида Олот тумани инфратузилма тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтирди. Бу табиий офат туфайли уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонлари талафот кўрди.

Шундай мураккаб вазиятда давлат миқёсидаги долзарб

юмушлар кўплиги ва ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, Президентимиз зудлик билан туманимизга етиб келиб, вазиятни синчиклаб ўрганди. Туманимиз марказида фаоллар ва аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида коронавирус пандемиясига қарши кураш олиб борилаётгани, қатъий тартиб-интизом ўрнатилгани туфайли яхши натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу табиий офат ҳам бир синов экани, саросимага тушмай, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, қийинчиликларни енгиб, янада куч-қудратга тўлишимиз ҳақида катта ишонч билан гапирди. Шунингдек, табиий офатдан зарар кўрган ҳар бир оилага кўмак берилиши, бирорта хонадон, корхона,

фермер хўжалиги эътибордан четда қолмаслиги айтилди. Учрашувда табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, турар жойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

Бугун туманимизда қирққа яқин маҳалла фуқаролар йиғинида юз мингга яқин аҳоли, жумладан, йигирма олти мингдан зиёд оила яшайди. Шу кунларда бунёдкорлик ишлари билан бирга аҳоли орасига, оилаларга кириб, халқимиз билан бевосита учрашувлар ўтказяпмиз. Сухбат ва мулоқотларда халқимиз ҳозирги синовли кунларда Президентимиз ва давлатимизнинг кўмагини ҳар томонлама ҳис этаётганига яққол гувоҳ бўлмоқдамиз. Шунинг учун одамларнинг руҳи баланд, хавотир, саросима, ташвиш изтиробга ўрин йўқ.

Президентимиз табиий офатнинг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини бартараф этиш бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берди. Айти

пайтда туманимизда икки юзга яқин фермер хўжалиги бор. Фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ўтган йилларда пахта ва ғалладан мўл ҳосил олдик. Афсуски, табиий офат бу йилги ғалла ва пахта ҳосилига жиддий талафот етказди.

Аҳоли томорқалари ва иссиқхоналар ҳам зарар кўрди. Ҳозир махсус ишчи гуруҳ қишлоқ хўжалигига оид йўқотишларни ҳам атрофлича ўрганмоқда. Уларнинг хулосаси асосида зиён етган майдонларга пахта экиш ишларини бошлаб юборамиз. Бир сўз билан айтганда, халқимиз билан ҳамжиҳатликда, яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, тез кунларда табиий офат оқибатларини ҳамда коронавирус пандемиясини бартараф этамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу синовларда сабр-бардошимиз, ўзаро меҳр-оқибатимиз ва бирдамлигимизни, юртпарварлигимизни намоён этиб, тинч ва осойишта ҳаётимизни, албатта, изга туширишга эришамиз.

Наргиза НЕЪМАТОВА,
Олот тумани ҳокими.
2020 йил 30 апрель

ИШОНЧНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятида бўлган табиий офатдан сўнг зудлик билан ушбу ҳудудларга етиб боргани, ҳолат билан яқиндан танишгани, талафотларни бартараф этиш бўйича топшириқлар бергани халққа кўтаринки рух, катта куч бағишлади.

– Муҳтарам Президентимиз билан юзма-юз суҳбат асносида у кишининг ҳар бир сўзида, юз-кўзидаги ҳар бир ифодада Ўзбекистонимизга, шу улкан оиламизнинг ҳар бир аъзосига бўлган чексиз муҳаббатни кўрдим, – дейди “Нуроний” жамғармаси Олот тумани бўлими раиси Саидқули Оққиев. – Айниқса, “Диёримиздаги ҳар битта маҳалла, ҳар битта хонадон мен учун азиз” деган сўзлари ҳаммамизни тўлқинлантириб, руҳлантириб юборди. Албатта, ногаҳоний офат тугайли бошимизга туш-

ган ташвишлар бир томон, давлатимиз раҳбарининг таскинбахш даъватлари бир томон бўлди. Биз, ёшу кексаларнинг вазифаси карантин тартибларини сақлаган ҳолда ҳудудларимизда тиклаш, янгилаш ишларини олиб бориш, аҳолининг давлатимиз сиёсати-га ишончини мустаҳкамлаш, одамларни жипслаштиришдир. Президентимизнинг биз билан шахсан учрашиб, йўл-йўриқ кўрсатганлари ҳаммамизга улкан куч-ғайрат берди.

Қорақўл туманидаги “Кумуш калава” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Асрор Мансуров ҳам ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

– Табиийки, катта талафот бўлди. Лекин, энг муҳими, элимиз тушкунликка тушгани йўқ. Ҳаёт доимгидек давом этяпти. Одамларнинг кайфияти аъло. Барчанинг кўзида ишонч, хат-

ти-ҳаракатида дадиллик. Президентимиз ташрифи ҳаммамиз учун хайрли бўлди. У кишининг ёрдами, бевосита раҳнамолигида қисқа вақт ичида Олот, Қорақўл ва зиён кўрган бошқа жойларда аҳволни ўнглашга киришдик. Нафақат ўнглаймиз, аввалгидан ҳам зиёда қилиб, обод этамиз. Бу ишларда биз, тадбиркорлар ҳам камарбастамиз.

– Илоҳим, бундай фалокатлар ортда қолгани рост бўлсин, – дейди Қорақўл туманидаги халқаро математика мактаби директори Темирқул Рўзиев. – Йўлбошчимизнинг бошимизга шундай катта ташвиш тушганда ҳозир бўлганлари, бундай ғамхўрликлари, саъй-ҳаракатлари барча учун ибратлидир.

Таъкидлаш жоизки, офатдан сўнг тез орада Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари-

да электр, газ таъминоти билан боғлиқ узилишлар қайта тикланди. Зарар кўрган биноларни, хонадонларни таъмирлашга, кўчаларни тартибга келтиришга киришилди.

Бугун талафот етган ҳудудларда иш қизғин. Барча бунёдкорликка бел боғлаган. Қудратли техникалар овози бир дам тинмаяпти. Узоқ-яқиндан мадад кучлари келмоқда. Барча бирдам бўлиб, офат талафотларини бартараф этипти. Уларнинг юзу кўзида ишончни, эртанги кун умидини кўрасиз.

Буларнинг туб замирида – юксак ғамхўрлик ва эътибор мужассам. Халқпарварликнинг олий намунаси одамларни шундай бирлаштирди, уларнинг вужудида ўзгача ғайрат ва шижоат, қалбида чуқур ишонч уйғотди. Бу энг катта ва қудратли кучдир.

Рустам ИБРОҲИМОВ
2020 йил 4 май

ЯҚДИЛЛИҚДА ҲИКМАТ КҮТИ

Бухоро вилоятига жиддий зарар келтирган табиий офат, давлатимиз раҳбарининг зудлик билан воқеа жойига етиб келиши, бошлаб юборилган кенг кўламдаги ишлар вилоят аҳлини синовли кунларда янада мустаҳкам ишонч ва шижоат билан яшашга ундади.

Айни пайтда табиий офат оқибатларини бартараф этиш, турар жойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича жараён қизғин кечмоқда.

Дастлаб кўп талафот кўрган ҳудудлардаги 34 минг 423 хонадон ҳолати ўрганилди. 23 минг 766 та оилага жиддий зиён етгани аниқланди. Айни кунларда улкан қурилиш майдонига айланган Олот ва Қоракўл туманларига қурилиш, озик-овқат ва бошқа кундалик зарур маҳсулотлар етказилмоқда.

– Бу офат оқибатларини бартараф этиш учун биз – Самарқанд вилояти халқи ҳам ўз ёрдамимизни аямаймиз, – дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Ўлмас Мелиев. – Биринчи босқичда Самарқанд вилоятидан Олот ҳамда Қоракўл туманига 20 тонна картошка, 4 тонна пиёз, 4 тонна сабзи, икки тонна ёғ ҳамда 2 минг дона шифер олиб келинди. Иккинчи босқичда ҳам қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотларини олиб келиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, қўшни вилоятлардан ҳамда кўмита ва идоралардан инсонпарварлик ёрдами сифатида Олот ва Қоракўл туманлари аҳолисига 76 тонна сабзавот маҳсулотлари, 34 тонна ун ва ёғ, шунингдек, 21,5 тонна шакар ва гуруч етказиб берилди.



– Президентимизнинг ўзи келиб халқимизга офатни бир-галикда, ҳамжихатликда енгиб ўтиш юзасидан катта куч-қувват, ғайрат берди, – дейди Қоракўл тумани ҳокими Шерали Саломов. – Шундан келиб чиқиб биз ҳам ўзимизнинг ишчи гуруҳларни тузиб 4–5 соҳа бўйича ишларни ташкил қилдик. Дастлаб, туманда электр энергияси тикланди. 50 та маҳалладаги талафот қўрган хонадонларни инвентаризация қилиб чиқдик ва уларга керакли қурилиш материалларини етказиш бўйича ишлар қилинмоқда.

Республика штаби Олот туманида тузилган бўлиб, бу ерда ҳар иккала туманда амалга оширилаётган қурилиш-тозалаш ишлари, уларга сарф қи-

линадиган қурилиш материаллари, ишчи кучига бўлган талаб ҳисоб-китоб қилиб берилмоқда. Ўтган 2 кунда вилоятга “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан Олот, Қоракўл, Жондор, Пешку, Шофиркон ва Ромитан туманларига 50 мингта шифер етказиб берилган.

Синовли дамларда оқибатли инсонлар, қўли очик ҳамюртларимиз элга қанот бўлади. Бундай юртдошларимиз ёнгинамизда.

– Мен Навоий вилоятдан келдим, – дейди тадбиркор Шербек Шарипов. – Шунақа пайтда ёрдам бериш учун иккита юк машинасида шифер олиб келдик. Иш қизғин. Бирдамликда, ҳамжихатликда ҳаракат қилиб,



вазиятдан чиқиб кетишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Табиий офатни бартараф этишга Мудофаа вазирлиги тизимидаги кўчма воситалар, хусусан, 500 нафар ҳарбий хизматчи жалб қилинган. Улар армия ва халқ яқдил эканини амалда намоён қилишяпти. Энг зарур бирламчи объектларни қуриш

ва жойларни тозалаш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда.

Ҳа, яқдилликда хикмат кўп. Халқимиз буни яхши англайди ва англаш баробарида уни амалда кўрсата олади. Бу кунлар ҳам бир синов. Уни енгиб ўтиш учун эса халқимизда сабр-бардош ҳам, оқибат ҳам етарли.

Нурилло НАСРИЕВ
2020 йил 2 май

ОЛОТ ВА ҚОРАКЎЛ ЯНГИЧА ЧИРОЙ КАСБ ЭТМОҚДА

Президентимизнинг Бухоро вилоятида табиий офат оқибатларини бартараф этишга қаратилган фармойишига асосан, давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди. Табиий офатдан жабр кўрган хонадонлар ўз вақтида қурилиш материаллари ва усталар билан таъминланяпти.

Таъмирлаш ва тиклаш учун 11 ярим минг нафарга яқин қурувчи жалб қилинди. Бугун қарийб 100 минг кишилиқ Олот туманининг ҳар бир кўчасида қурилиш ишлари қизғин кетмоқда. Бу ерда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қурилиш материаллари изма-из етказилмоқда. Бунинг натижасида ўтган қисқа вақт ичида 4 минг 393 та хонадон таъмирдан чиқарилди. 41 та мактабгача таълим муассасаси, 105 та мактаб, 108 та соғлиқни

сақлаш объектларида таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Бугунги кенг глобаллашув ва техника асрида электрсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Кучли бўрон нафақат уйлар, балки симёғочлар, йирик электр минораларини ҳам қулатган эди.

– Табиий офат оқибатида вилоятдаги 84 та маҳалла, 359 минг 131 нафар аҳоли тўлиқ электр энергияси таъминотидан узилиб, 50 минг километрдан ортиқ электр тармоқлари, 1 минг 816 та трансформатор ишдан чиққан эди, – дейди “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ бош муҳандиси Рухулло Жабборов. – Таъмирлаш ишларига 103 та техника ва 600 дан ортиқ ишчи жалб қилиниб, 19 та маҳаллада тўлиқ электр энергия таъминоти тикланди, 286 минг 112 нафар аҳоли электр энергиясига қайта уланди.

Шунингдек, алоқа тизимлари, табиий газ, ичимлик суви таъминоти ҳам қарийб тўлиқ тикланди.

Пандемия шароитида аксарият саноат корхоналари карантин сабабли фаолиятини тўхтатган бир даврда бутун иқтисодиётнинг умид нигоҳи қишлоқ хўжалигига қаратилган эди. Аммо талафот ушбу соҳа бошида ҳам бор экан. Табиий офат туфайли вилоятдаги мавжуд 97 минг 900 гектар пахта майдонидан 25 минг 344 гектари бузиб қайта экилмоқда. Талафот етган 12 минг 619 гектар ғалла майдонидан 680 гектарини тиклаш имконияти йўқ. Энг катта зарар эса иссиқхоначиларга етди. Мавжуд 253 гектар иссиқхонадан 194 гектари талафот кўрди. 9 минг 660 гектар боғдан 2 минг 616 гектари яроқсиз ҳолга келди.

– Ҳозирга қадар Олот туманидаги 445 гектар ғалла майдонига етказилган зарарни қоплаш бўйича 35 та фермер хўжалигидан хабарномалар келиб тушди, – дейди “Ўзагро-суғурта” АЖ Бухоро вилоят филиали раҳбари Анвар Адилов. – Ўрганишлар давомида кўрилган зарар миқдори 1,4 млрд. сўм эканлиги аниқланиб, ўзаро суғурта шартномаси талабларига мувофиқ, 818 миллион сўм миқдорида суғурта товони тўлаб берилди. Хусусан, 6,1 мил-

лион сўм миқдорида суғурта тўловини амалга оширган “Ҳайдар-Ниёз замини” фермер хўжалигига 128,8 миллион сўм, 4,8 миллион сўм тўловни амалга оширган “Нарзи-Ойим” фермер хўжалигига 121,7 миллион сўм суғурта товони тўланган.

Шунингдек, филиалга жисмоний шахсларнинг зарарланган иморат ва уй-анжом жиҳозлари бўйича 41 та, юридик шахсларнинг иссиқхоналар бўйича 6 та, гаровга қўйилган мол-мулклари бўйича 5 та хабарномалар келиб тушган. Мазкур зарарлар ҳам тез орада қоплаб берилади.

– Шу ўринда қайд этиш керакки, “Ўзагро-суғурта” АЖ ўзи билан суғурта полисини имзолаган мижозларнинг етказилган зарарларини қоплаб беришга тайёр, – дейди А. Адилов. – Жамият ва мижоз ўртасида тузилган шартнома талаблари, унда кўрсатилган шартлар асосида табиий офатдан кўрилган зарарлар тўланади.

Бугун Бухоро вилояти, аynиқса, Қоракўл ва Олот туманлари бўрондан сўнг янги-ча чирой касб этмоқда. Уйлар манзараси ўзгармоқда, шикаст етган йўл, алоқа, электр, газ – барча тармоқлар буткул янги-ланмоқда. Зохирий янги-ланишлар эса одамларнинг ҳам қалбида, ҳам ботинида ўз аксини топмоқда.

Акбар РУСТАМОВ
2020 йил 12 май





MADANIYAT MARKAZI









ΟΦΑΤ ΒΑ ΜΑΤΟΝΑΤ

199



Davlat Xizmatlari Markazi

AGROBANK



MAZKUR TURAR JOY
MAJMUASIGA
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI
SHAVKAT MIROMONOVICH
MIRZIYOYEV TOMONIDAN
2020-YIL 15-MAY KUNI
TAMAL TOSHI QO'YILIB,
2020-YIL 13-OKTYABR KUNI
FOYDALANISHIGA TOPSHIRILGAN.

“УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖҮШ УРҒАН ЗАМОН”

*Сирдарё вилоятида содир бўлган техноген
офат оқибатларини бартараф этишида
халқимизнинг чинакам бунёдкорлик
фазилати намоён бўлди*



СУВ ТОШҚИНИ БИЗ УЧУН АЧЧИҚ САБОҚ БЎЛДИ



Хурматли дўстлар!

Бу йил инсоният учун, шу жумладан, биз учун ҳам жуда оғир келди. Кейинги бир ҳафтанинг ўзида халқимиз кетма-кет кутилмаган синовларга дуч келди.

27 апрель кечаси Бухоро вилоятида, айниқса, Олот ва Қорақўл туманларида юз берган оғир табиий офатдан яхши хабардорсизлар.

Афсуски, бошимизга келган синовлар шу билан тугагани йўқ.



Хабарингиз бор, Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида содир бўлган фавқулодда вазият туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 24 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинди. Уларнинг барчасига биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озик-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилмоқда. Сув тошиши оқибатларини бартаграф этиш ва сабабларини ўрганиш бўйича Ҳукумат комиссияси ишламоқда.

Зарар етган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш, аҳолини ўзининг тикланган уйига қайтариш ва рўзғорига ёрдам бериш, инфратузилмани қайта-

дан тиклаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича барча масалалар ҳал қилинмагунча, Сирдарёга бириктирилган ҳар бир раҳбар кучайтирилган сифарбарлик режимида ишлайди.

Бу ҳудудлардаги одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш керак. Уларга янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар, янги иш ўринлари барпо этиб беришимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда қатор маҳаллаларда кенг қамровли тозалаш-тиклаш ишлари амалга оширилиб, натижада 53 мингдан зиёд аҳоли ўз уйларига қайтиши ёки яқин қариндошлари уйига кўчиб ўтиши таъминланди. Такрор айтаман,



давлатимиз, жамиятимиз ҳеч кимни бундай кутилмаган фалокатлар қаршисида ёлғиз ва эътиборсиз қолдирмайди.

Аҳолимиз ҳаётини сақлаб қолиш ва эвакуация қилишда Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда улар авария ва тиклаш ишларига кенг жалб этилган.

Афсуски, ҳозиргача 4 нафар фуқароларимизнинг табиий офат оқибатида ҳалок бўлгани, 1 нафари бедарак йўқолгани аниқланди.

Жумладан, аҳолини хабардор қилиш ва қутқарув ишларини олиб бориш жараёнида Миллий гвардиянинг 2 нафар ходимини кучли сув оқими олиб кетган. Улар ўз жонини фидо

қилиб, юзлаб-минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишди. Ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва оила аъзоларига ўзимнинг чуқур ҳамдардлигимни билдираман.

Йигитларимизнинг жасорати барча касбдошлари ва ёшлар учун Ватанга, халқимизга содиқлик ва фидокорона хизмат қилишнинг намунаси бўлиб қолади.

Албатта, Бухоро ва Сирдарёдаги офатлар Яратганнинг бизга юборган синови. Бунга сабр қилишимиз, қаттиқ меҳнат билан, биргаликда ёруғ юз билан ўтишимиз керак.

Ушбу қийинчиликларга қарамай, халқимиз бу синовлар олдида ўзини йўқотиб қўйганини алоҳида таъкидламоқчиман.





Мана, “ойнаи жаҳон” орқали кўряписизлар, халқимиз янада бирлашиб, ўзининг меҳр-оқибати, бағрикенглиги, буюк саховатини ҳар куни, ҳар дақиқада намоён этмоқда.

Буни Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидан кўчирилган фуқароларнинг 81 фоизини Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари аҳолиси ихтиёрий равишда ўз хонадонларига жойлаштиргани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бошқа вилоятлар, вазирлик, компания ва уюшмалар, аҳолимиз томонидан қисқа вақтда Бухоро ва Сирдарёга ёрдам бериш учун катта миқдордаги ҳомийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзғор буюмлари юборилди.

Фурсатдан фойдаланиб, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатаётган бағрикенг, саховатпеша ва ҳамдард халқимизга яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Халқимиз бир нарсадан кўнгли тўқ бўлиши лозим, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга ва миш-мишларга ўрин бўлмаслиги керак.

Менинг топширигимга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, холис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланган.

Халқимизни ишонтириб айтаман, тергов якунлари бўйича барча айбдорлар ким бўлиши ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради.

Бу сув тошқини биз учун аччиқ сабоқ бўлди. Шу сабабли сув омбори масаласида биз халқаро экспертларни жалб этган ҳолда тўғоннинг барча дамбаларини чуқур экспертизадан ўтказамиз. Фақат шундан кейингина якуний хулосага келамиз.

Шунингдек, менинг топширигимга кўра, ҳозирги кунда тегишли давлат органлари томонидан кучли ёғингарчилик сабабли эрозия юзага келиши мумкин бўлган барча гидроиншоотлар, тўғонлар ва ГЭСларда текширув ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, Сардобадаги офат натижасида биз билан чегарадош бўлган ён қўшнимиз – Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Мақтарал туманининг айрим аҳоли пунктларини ҳам сув босди.

Биз Қозоғистон Президенти, ҳурматли Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали бу масалани ўзаро тушуниш ва очиқлик руҳида атрофлича муҳокама қилиб олдик. Куни кеча Туркистон вилояти ҳокими Умирзоқ Шукеев бошчилигидаги делегация воқеа жойида бўлиб, вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганди.

Биз қардош қозоқ халқи билан азал-азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қуда-анда бўлиб, эт билан тирноқдек яқин бўлиб яшаганмиз. Қувончли кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам ҳамиша бир-биримизга елкадош бўлиб, қўллаб-қувватлаб келганмиз.

Ушбу кутилмаган техноген офат – нафақат аҳолимизга, балки қўшни қозоқ биродарларимизга ҳам ортиқча ташвиш ва зиён етказганидан жудаям хижолатдамиз. Уларнинг аҳоли яшаш жойлари ва экин майдонлари зарар кўрганидан, албатта, биз жуда афсусдамиз.

Хукуматимиз, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа мутасадди ва мутахассислар қозоғистонлик ҳамкасблари билан биргаликда табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича, албатта, яқиндан ҳамкорлик қилади. Биз қозоғистонлик биродарларимизга табиий офат оқибатларини бартараф этишда керакли ёрдам беришга ҳам тайёр эканимизни билдирдик.

Ишончим комил, биз бошимизга тушган бу оғирликларни ҳам халқимиз билан биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатликда бир тану бир жон бўлиб, албатта, енгиб ўтамыз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқидан.

2020 йил 5 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**“САРДОБА СУВ ОМБОРИ” ТЎҒОНИДА ЮЗАГА
КЕЛГАН ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА ОҚИБАТИДА ЖАБРЛАНГАН
ФУҚАРОЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА
ИНФРАТУЗИЛМАНИ ТИКЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Сирдарё вилоятида жойлашган “Сардоба сув омбори” тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этишни зарур маблағлар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг “Сардоба сув омбори” тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатида зарар кўрган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш ва инфратузилмани тиклаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қайтариб бермаслик асосида Давлат бюджетига 100 млн долл. эквивалентидаги маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ушбу маблағлар қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига талафот кўрган ҳудудларда сув тошқини оқибатида издан чиққан ирригация ва мелиорация объектларини тиклаш, шу жумладан, коллекторлар, дренаж ва дренаж қудуқларини, мелиоратив насос станцияларини таъмирлаш ва тозалаш ишлари учун;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига талафот кўрган ҳудудларда йўл-транспорт инфратузилмасини қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари учун;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига талафот кўрган ҳудудларда тоза ичимлик суви ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун;

Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетига Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида уй-жойи бузилган ёки яшаб бўлмайдиган аҳволга келган оилаларга 2020–2021 йиллар давомида кўп қаватли уй-жойларни қуриш ҳамда қуриб битказилган ва сотилмаган кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларни эгаликка бериш учун;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига Сирдарё вилоятининг Сар-

доба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида ижтимоий соҳа объектларини (мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари ва бошқалар) қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари учун.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда:

а) Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида: уй-жойи бузилган ёки яшаб бўлмайдиган аҳволга келган оилалар учун 2020–2021 йиллар давомида кўп қаватли уй-жойлар қуриш параметрларини;

уй-жой массивларида зарур ижтимоий соҳа объектлари ва муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Мудофаа ва ҳуқуқ тартибот органларининг тадбирлари ҳамда уларга Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган жами 1,150 трлн сўм миқдоригача бўлган бюджет маблағларини мақбуллаштириш бўйича таклиф киритсин.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “б” кичик бандига асосан мақбуллаштирилдиган маблағлар қуйидагиларга йўналтирилсин:

а) 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар ҳисобидан қуйидагиларга ажратилган маблағлар ўрнини қоплаш учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Сирдарё вилоятида жойлашган “Сардоба сув омбори” тўғонида юзага келган фавкуллодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф–5569-сон фармойишига асосан Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетига ажратилган 100 млрд сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4581-сон қарорига асосан 2019 йил 1 декабрга қадар хусусий шериклар томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари 25 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун ажратилган 182 млрд сўм;

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 950-сон фармойишига асосан Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, бошқа мақсадларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ер участкалари олиб қўйилиши ҳамда кўчмас мулк объектларининг бузилиши оқибатида етказилган зарар миқдори бўйича вужудга келган қарздорликни қоплаш учун Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратилган 352,7 млрд сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ–5953-сон Фармони 9-бандига асосан янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига ажратилган 85,3 млрд сўм;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Бухоро вилоятида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф–5567-сон фармойишига асосан Бухоро вилояти маҳаллий бюджетига 130 млрд сўм ажратиш (шу жумладан, олдин ажратилган 100 млрд. сўм ўрнини қоплаш) учун;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4700-сон қарори 6-бандига мувофиқ ер майдонларини фойдаланишга киритиш мақсадида туман бюджетларига ажратилган 300 млрд сўм.

4. Белгилансинки, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларига электр тармоқлари, табиий газ қувурлари ва алоқа тармоқларини тортиш ишлари тегишли “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбектелеком” АК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 май*

“БИРОНТА ХОНАДОН, БИРОНТА ОДАМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ”

Ёмғир ёғиб, кучли шамол бўлгани сабабли 2020 йил 1 май куни эрталаб Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилди.

Оқибатда сув оқими аҳоли пунктлари, коммуникация тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги майдонларига катта зарар етказди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев зудлик билан воқеа жойига етиб келди. Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилди.

Президентимиз Оқолтин туманида аҳоли билан учрашиб, ушбу табиий офатдан жабрланган ҳар бир инсон алоҳида эътиборга олиниши, ҳамма уй-

жой ва озиқ-овқат билан таъминланишини таъкидлади.

– Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга кўчириш бўлди. Энг катта масала – ўлим бўлмаслиги. Оқсоқоллар, маҳалла раислари ва нозирларидан илтимос қиламан: одамларни йиғиб, уйларга, палаткаларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама-маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча биронта раҳбар кетмайди. Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тезкор чора-тадбирларга Фавқулодда вазиятлар, Сув хўжалиги вазирликлари, маҳаллий ҳокимликлар, қурилиш таъ-



мирлаш ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа хизматлар мутахассислари сафарбар этилди. Сув омбори яқинидаги маҳаллалар аҳолиси хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. Жумладан, туманларда ташкил этилган махсус штаблар томонидан мактаб, коллеж, корхона ва хонадонларга жойлаштирилди.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби ва махсус техникалари аҳолини эвакуация қилиш, тегишли хўжалик объектларини жихозлаш учун

сафарбар қилинди. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари ҳудудий бошқармалари эвакуацияга кўмаклашиш, тартибни сақлаш ишларига жалб этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардоба сув омбори тўғони очилган жойга бориб, уни кўздан кечирди. Ҳукумат комиссияси ва мутахассислар билан муҳокама қилган ҳолда сув оқimini тўхтатиш учун зарур куч ва воситалар жалб қилинди.

ЎЗА.

2020 йил 2 май

ФАВҚУЛОДДА ХОДИСА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Сардоба сув омбори тўғонининг очилиши кутилмаган офат, эл бошига тушган яна бир синон бўлди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз бирлашиб, саросимага тушмай, сабр-матонат ва меҳнат билан тез фурсатларда унинг оқибатларини бартараф этишга киришди.

Юзага келган талафотни бартараф этиш ишлари изчил давом этмоқда. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўзаро мувофиқ ҳаракат қилиб, турмуш шароитларини тиклаш чораларини кўрмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда тиклаш ишлари куну тун ташкил қилинган, юзлаб қурилиш ва бошқа махсус техника воситалари тинимсиз ишламоқда. Сув иншоотларига ихтисослаш-

ган юқори малакали муҳандислар, бошқа туташ соҳа ва тармоқлар ишчи ва экспертлари жалб этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 2 май куни Сардоба сув омборига бориб, тўғонни тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Мутахассислар билан атрофлича муҳокама қилган ҳолда, дамбани мустаҳкамлаш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари сув тошқинига биринчи бўлиб дуч келган Сардоба тумани Навоий номидаги маҳаллага борди.

Ҳукумат комиссияси мутасаддилари амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан аҳборот берди.

Президентимиз маҳалла бўйлаб юриб, юзага келган аҳвол билан яқиндан танишди. Худудни пухта тозалаб, дезин-



фекция қилиш, қатъий санитария-эпидемиологик назоратни таъминлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини тез фурсатларда, лекин сифатли тиклаш бўйича топшириқлар берди. Шавкат Мирзиёев сув чекинганидан кейин ўз маҳалласига қайтган одамлар билан мулоқотда бўлиб, талафот кўрган жойларда турмуш шароитлари тез кунларда тикланиши, аҳолига ҳар томонлама кўмак берилишини таъкидлади.

– Шундай оғир пайтда ҳаммамиз сизларнинг ёнингиздамиз. Аввало, ҳар бир маҳаллага кириб, ўт ўчириш машиналари ёрдамида сувни қочирамиз. Қурилиш, таъмирлаш ва янги уйлар барпо этиш бўйича халқ билан маслаҳатлашиб иш тутамиз. Ҳаммасини секин-секин жойига қўямиз. Фермерларнинг маса-

ласи ҳам даласига чиққан ҳолда ҳал этилади. Энг муҳими, ўзларингиз соғ-саломат, болаларингиз ёнингизда экан. Қўнғилни тўқ қилинглар. Худога илтижо қиламизки, бизга мададкор бўлсин, охири кўрганимиз шу бўлсин, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласи ва Мирзаобод туманидаги Ҳақиқат маҳалласи туташган ҳудудда ҳам бўлди.

Гулистон шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъуллари, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Сардоба сув омбори тўғонининг кутилмаганда бузилиши ва унинг оқибатлари атрофлича таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди.



Аҳоли саломатлигини сақлаш, талафот кўрганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий объектлар ва қишлоқ хўжалиги майдонларини тезроқ тиклаш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бугун бутун мамлакатимиз эътибори Сардоба туманидаги табиий офат асоратларини бартараф этишга, сув тошқинидан азият чеккан юртдошларимизга моддий ёрдам кўрсатишга, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Олийжаноб ва меҳроқибатли халқимиз ҳамжихат бўлиб, Сирдарёга озиқ-овқат, ис-

сиқ кийим-бош ва бошқа зарур маҳсулотлар юкланган кўмак карвонларини юбормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардобадаги фавқулодда ҳодиса сабабли Гулистон шаҳрига эвакуация қилинган одамлар билан мулоқот қилиб, улардан кўнгил сўради. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ҳаммага ғамхўрлик кўрсатилишини таъкидлади.

Ҳукумат комиссиясига берилган кўрсатмалар асосида сув босган ҳудудларни тозалаш, қурилиш ва таъмирлаш, турмуш маромини йўлга қўйиш бўйича ишлар узлуксиз давом этмоқда.

ЎЗА.
2020 йил 2 май

СИРДАРЁЛИКЛАР ҲАЁТИ ЯНА ЎЗ МАРОМИГА ТУШМОҚДА

Оддий ҳаёт ҳақиқати бор. Бу дунёда хурсандчилик ва ташвиш, ютуқ ва қийинчиликлар ҳамиша ёнма-ён юради. Юртимизнинг қадим тарихида бундай воқеалар кўп бўлган. Лекин кўпни кўрган, азму шижоатли халқимиз бундай вазиятларни ҳамиша ақл-идрок, сабр-тоқат ва жасорат билан енгиб ўтган.

2020 йил 1 май куни Сирдарё вилоятида юз берган ҳодиса бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Иқтисодий тараққиёт ва раванқ йўлида шиддат билан илгарилаб бораётган мамлакатимиз жиддий синовга дуч келди. Аммо иродаси мустаҳкам, матонатли элимиз бу сафар ҳам ҳамжихатлик ва аҳиллик намунасини кўрсатмоқда.

Бу қатъият куну тун халқ манфаатини, юртнинг тинчлиги ва осойишталигини ўйлаб яшаётган давлатимиз раҳбари

бошчилигида қудратли тўлқинга айланди.

Президентимиз ҳодиса юз берган дастлабки соатлардаёқ бу ерга зудлик билан етиб келиб, одамларга ҳамдард ва елкадош бўлгани, “талафот оқибатларини қисқа вақтда бартараф этамиз, жабр кўрган ҳар бир инсон, ҳар бир хонадонга, албатта, ёрдам берамиз”, – деган сўзлари Сирдарё аҳлига жуда катта мадад ва далда берди.

Давлатимиз раҳбари икки кун давомида вилоятда қолиб, вазиятни барқарорлаштириш ишларига шахсан бош-қош бўлди. Шу боис ҳам халқимиз бу кутилмаган табиий офат олдида ўзини йўқотиб қўймади. Ҳамма бир тану бир жон бўлиб, ҳудудда нормал ҳаётни тиклаш борасида фаоллик ва фидойилик кўрсатмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 3 май куни



хам Сирдарё вилоятида бўлиб, Сардоба сув омбори ҳудудида амалга оширилаётган тиклаш-таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, мазкур сув иншооти Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 6 туман экин майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида барпо этилган. Ҳозирги вақтда тошқин юз берган жойда 2 та бригада ташкил этилиб, тўғон ёриғининг чап ва ўнг қирғоқларида жадал иш олиб борилмоқда.

Бу жараёнга юзлаб малакали мутахассислар, мингдан ортиқ махсус техникалар жалб этилган. Катта харсанг тошлар, бетон блоклар ва плиталар, бошқа тегишли қурилиш материаллари келтирилиб, тўғон олдида

ярим айлана шаклида тўсиқ девор барпо этилмоқда. Ишчи-муҳандислар, ҳайдовчилар учун барча шароит яратилиб, саъй-ҳаракатлар кечаю кундуз ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев бажарилган ишларни синчиклаб кўздан кечириб, мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга зарур кўрсатмалар берди.

Маълумки, сув тошқини, асосан, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳоли пунктлари ва экинзорларига зарар етказган. Ҳукумат комиссияси томонидан амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу туманлардаги 22 қишлоқдан жами 60 мингдан зиёд аҳоли эвакуация қилинган.



Давлатимиз раҳбари сув тошқинига дуч келган қишлоқларда бўлиб, ҳудудни тозалаш, инфратузилма объектларини тиклаш, аҳоли учун шароит яратиш бўйича топшириқлар берган эди.

Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Сув хўжалиги вазирликлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари натижасида бу йўналишда жадал ишлар олиб борилмоқда. Тошқин туфайли ҳосил бўлган чиқиндилар йиғиштирилиб, ҳудуд дезинфекция қилинмоқда. Ўт ўчириш машиналари ёрдамида қўлмақлардаги сув тортиб олинмоқда.

Йўллар очилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тикланмоқда.

Натижада айрим маҳаллаларда оилалар ўз уйларига қайта бошлади. Бошқа жойларда тозалаш-таъмирлаш ишлари тезкор суръатларда давом этмоқда. Яқин вақтларда уларда ҳам зарур шароитлар яратилиб, ҳаёт яна ўз изига тушади.

Президентимиз Сардоба туманидаги Қўрғонтепа маҳалласини бориб кўрди. Ҳукумат комиссияси мутасаддилари амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида 530 хонадон бўлиб, 4200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд сув тошқинига биринчи бўлиб дуч келган, одамлар тезкор равишда хавфсиз жойларга кўчирилган эди.

Катта куч ва техника воситалари, аскарлар, бошқа соҳалар ходимлари жалб қилиниб, амалга оширилган кенг кўлам-

ли ишлар натижасида табиий офат оқибатлари бартараф этиляпти, одамлар ўз уйларига қайтапти.

Давлатимиз раҳбари шундай уйлардан бирига кириб, хонадон эгаларидан ҳол-аҳвол сўради. Барча қатори уларга ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши, ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда қолмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев кадрдон маконига қайтган маҳалла аҳолиси билан мулоқот қилди.

Президентимиз Оқолтин туманида ҳам бўлди. Мутасадди ходимлар фавқулодда ҳодиса етказган зарар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида ахборот берди.

Сув тошқини туманнинг Шодлик ва Аҳиллик маҳаллалари ҳудудини ҳам босган эди. Уларда яшаётган 11 мингдан зиёд аҳоли Гулистон шаҳри ҳамда Жиззах вилоятининг Мирзачўл ва Дўстлик туманларига эвакуация қилинди. Ушбу ноҳуш воқеа оқибатида тумандаги жами 13 минг 397 гектар пахта, ғалла ва полиз экинларига зарар етган.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ҳар бир хонадон эгалари билан гаплашиб, уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, яшаш шароити мавжуд хонадонларга аҳолини қайтариш бўйича кўрсатмалар берди.

Навбатдаги манзил – Мирзаобод тумани. Бу ерда нуронийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлди.

Бу туман ҳам сув тошқини катта таъсир кўрсатган ҳудудлардан бири. Навбахор, Ҳақиқат, Баҳористон ҳамда Йўлдошобод маҳаллаларида яшовчи қарийб 15 минг аҳоли туманнинг Янгиобод маҳалласи ҳамда Янгиер шаҳрига жойлаштирилган. Жами 7084 гектар қишлоқ хўжалиги майдонига зарар етган.

Президентимиз қурилиш-таъмирлаш ишларини халқ билан маслаҳатлашиб амалга ошириш, деҳқон ва фермерлар муаммоларини жойига чиққан ҳолда ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

Аҳоли вакиллари давлатимиз раҳбарига шундай қийин вазиятда халқ билан бирга бўлгани, қисқа вақтда катта ишлар қилиниб, ҳаёт изга тушаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шу ерда ҳукумат аъзолари, мутасадди раҳбарлар билан қишлоқ хўжалиги майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, шикаст етган йўл ва кўприкларни таъмирлаш масалалари муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.
2020 йил 3 май

ХАЛҚ ЎЗ АДИБЛАРИ СЎЗИДАН КУЧ ОЛАДИ



...Ўша куни кун пешинга оға-
ётиб, телефоним асабий жи-
ринглаб қолди. Мирзачўлда са-
фарда бўлиб турган дўстимиз
Муҳаммад Сиддиқ экан. Теле-
фоннинг яшил тугмачасини хо-
тиржам босдим:

– Алло! Ассалому алайкум,
ака, бизга юртдош бўлиб кет-
дингиз... Эл-юртимиз омонми?

– Ва алайкум ассалом, – на-
фаси бўғзидан титраб чиқди
шоир дўстимнинг. – Эшитма-
дингизми?

– Нимани? – сўрадим ичимга ваҳима чўкиб.

– Интернетга кирмабсиз, чоғи... Сардобада сув тошқини юз берибди. Биз турган Мирзачўлга аҳолини ёппасига кўчириб келяпти... Сўраётганим, опаларингиз қайси туманда яшайди...

Кўп ўтмай, Сардобадаги фожиа ҳақидаги хабарлар ўргимчак тўридек интернетдаги барча тармоқларни қамраб олди. Ҳадик билан воқеаларни кузатиб борар эканман, бехос болалигимдаги шумлигу шўхликларимизни эсладим.



Қулоғим том битгандек, бошқа сўзга тоқат қилолмадим. Хаёлим жигарларим томон ўқдек учиб кетди... Муҳаммад ака билан суҳбатимиз нима билан яқун топганини ҳозир ҳам эслолмайман. Дарҳол, қўлим титраб Гулистонга – опамга телефон қилдим. Аксига олиб кўтара қолмади... Ўйларим потирлаб, энг қўрқинчли тусга кира бошлади. Шошиб, жиянимга чиқдим, гўшакни олди. Хайрият, улардан хавотирим ўринсиз экан...

Болалигимизда чумолиларнинг инига сув қуйиб ўйнардик. Тошқиндан қочган митти жониворларнинг ночор, ожиз аҳволини кўриб завқ олардик. Бугун тонг саҳардан хавфсиз ҳудудларга кўчирилаётган сирдарёликлар юзидаги ҳадик, хавотирни кўриб болалигимизда қанчалар катта гуноҳ қилганимизни англаб етдим.

Халқимиз оёққа қалқди, барча ҳамжихатликда жабрдийда юртдошларимизнинг дардини бўлишишга, йўқотганларининг

ўрнини тўлдиришга, кўнглига юпанч бўлишга ошиқди. Сирдарёликларнинг ғаму ғуссаларига шерик бўлиб, кўнгилларини кўтариш, бутун миллат улар билан бирга эканликларини билдириш мақсадида “Сирдарёликларга ёрдам” меҳр-саховат хайрияси бошланиб кетди.

Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Ижод” жамоат фонди жамоаси ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий гигиена воситалари ҳамда Уюшма томонидан чоп этилган мингдан ошиқ бадиий китоблар, қолаверса, болажонлар учун дафтар-қалам ва бошқа ўқув қуролларидан иборат мурувват юкени тайёрлади. Мазкур жўнатма мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келаётган, турли ташкилот ва идораларга тегишли автоуловлардан иборат бошқу адоғи кўринмайдиган меҳр карвонига қўшилиб, изма-из Сирдарё томон йўл олди...

Тўғриси, жони оғриб турган одамга, бир сўз айтишнинг юки оғир бўлади. Сафар олди дилимиздан бу уйсиз-жойсиз қолган одамлар кўнглига китоб сиғармикан, қандай қарши оларкан, деган ҳадикли ўйлар ўтган эди. Бироқ ҳаммаси аксинча бўлди. Олиб борилган китоблар бир зумда қўлма-қўл бўлиб кетди...

– ...менга Тўра Сулаймоннинг китобини беринг.

– ...Озод Шарафиддиновнинг китобини...

– ...Ҳалима Худойбердиевнинг шеърлар тўпламини узатиб юборинг...

Демак, халқ ўз адиблари сўзидан таскин топади, овунади, куч олади. Ҳамма замонларда ҳам, ҳамма бало-ю офатларда ҳам китоб ўз ўқувчиси учун аҳамиятини йўқотмаган. Госпиталда ярадор ётган аскарни яна жангга, қаҳрамонликка ундаган, цунамидан жон сақлаб ўтирган қизалоққа япон императорини таъзим қилдирган ҳам мана шу – китоб!

Бир четда қимтиниб турган қизчага меҳр билан олиб келган ширинликларимиздан узатдик.

– Мен расм чизишга қизиқман. Қаламларим, дафтарларим уйда қолиб кетди. Илтимос, менга расм дафтари беринг...

Шошиб истагини бажо келтирамиз. Қизалоқнинг жовдираб турган кўзларига қувонч қайтади...

Маҳаллий ҳамроҳларимизнинг айтишича, ҳар куни аҳоли кўчирилган биноларнинг атрофи кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва болалар ўйинчоқларига тўлиб кетаркан. Ҳар ким эҳтиёжи ва ўзига тўғри келганини олади, дейишди. Шу яқин атрофда яшовчи аёллар эса турли-туман овқатлар тайёрлаб, қозонларда, катта-катта товоқларда таомлар келтиришар экан.

Онасига эргашиб келган тўрт ё беш ёшлардаги болакай қўлидаги жондан ортиқ кўрган ўйинчоғини ўзидан сал кичик қизалоққа ҳадя қилади. Йиманибгина қўл чўзади қизалоқ... Инсоннинг жисмига эзгулик

уруғи жон билан бирга экилса керак, ота-онасининг бу офатлар ҳақида куйиниб суҳбатлашиши болакайнинг митти қалбини ҳам уйғотиб юборган бўлса, ажабмас. У энди ҳеч қачон қизғанчиқлик қилмайди. У шу бугун миллатнинг бир куртаги бўлиб кўз очди...

Давлатимиз раҳбари сув тошқинидан зиён кўрган, турмуш шароити вақтинча оғирлашган иродаси кучли сирдарёликлар билан бир неча маротаба юзма-юз суҳбатлашиб, уларга далда берди. Воқеа жойини кўздан кечириб, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим топшириқлар бўйича тегишли раҳбарларга бир қатор кўрсатмалар берди.

Ўзбек халқи бошидан кўп синовларни кечирган. Қандай оғир шароитга тушмасин, ўзининг нечоғлик матонатли миллат эканлигини асло эсидан чиқармаган. Бирлашиб, жипслашиб, ҳамжиҳатликда ҳар қанча оғир бўлмасин барча синовларни ортда қолдириб ёруғ манзилларни, улуғ марраларни забт эт-

ган. Бу синовли кунлардан ҳам, албатта, катта сабоқлар билан ўтиб олмоғимиз муқаррар!

Шоир-ёзувчиларнинг Сирдарёга сафарини эшитган болалар шоираси Кавсар Турдиева, қашқадарёлик ёзувчи Шарофат Ашурова ва бошқа ижодкорлар ҳам ўз асарлари, китобларини сирдарёликлар учун хайрия сифатида юборди. Бу китобларда халқимизнинг суюкли ижодкорларининг қайноқ меҳри, ширин сўзи, қуёшдек таскини мужассам.

Дарвоқе, Ёзувчилар уюшмаси карантин кунларида кекса ёшдаги адибларимиз, кам таъминланган ижодкорларимиз ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини ўзида мужассам этган “Саховат ва кўмак” акцияси доирасида “Ижод” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан уларга зарур озик-овқат маҳсулотлари, шахсий гигиена воситалари ҳамда турли бадий китоблар ҳадя қилинмоқда.

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси масъул ходими.
2020 йил 10 май

ҚАЛБАН СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ...

– Сардобада сув тошқини бўлибди...

Аслида бу хабарни ҳамма эшитган, оммавий ахборот воситаларидан, интернет саҳифаларидан... Лекин дўсту дугоналар, ёру-биродарлар ҳам бир-бирига қўнғироқ қилиб бу табиий офатдан безовталигини билдиришяпти.

– Ҳар тугул жонга зарар етмабди, молнинг ўрни тўлиб кетар...

– Оллохнинг асрагани шу бўлсин, буёғига ҳам ўз паноҳида сақласин!

Бу гапларда чинакам ҳамдардлик бор. Дарахтнинг бир япроғи тўқилса, илдизи зирқирайди, деган қадим бир ҳикматнинг ҳаётий изоҳи бор. Орамиздан лоқайдлик, безътиборлик кўтарилаётгани, жонкуярлик, меҳр-оқибат келаётганининг ифодаси бу. Нафсиламрини айтганда, ҳеч ким ўз халқининг бошига ёмон кун ту-



шишини истамайди. Лекин ҳар қандай оғир куннинг, ҳар қандай синовнинг талафоти қадар мукофоти ҳам бўлади. Бу йил кечираётган синовларимизнинг мукофоти одамларимиз қалбида ҳаётни қадрлаш туйғусини кучайтиргани, “ҳар дақиқа ғанимат, умрингнинг ҳар сониясини яхшиликка сарфлаб улгур”, тар-

зидаги даъватни юракларга жо этгани, ундан ҳам яхшироғи, бир осмон остида, бир замин устида яшаётган инсонларни бирликка, жипсликка ундаганидир.

Кўнгилга ўрнашган бундай хиссиётлар бу кунларнинг ўзида қолиб кетмайди, насиб бўлса, миллатимизга хос барча яшовчан фазилатлар каби биз билан бирга даврдан даврга ўтади.

Мен ҳам шу хиссиётлар билан яшаётган замондошларимнинг бири сифатида дарров Сирдарёдаги таниш-билишларим, дўсту дугоналарим билан боғландим. Бири Саодат ая. Саксондан ошиб, тўксон билан тўкнашай деб турибди. Мен ая билан шифохонада ҳамхона бўлганман. У киши мактабдан бошқа ҳеч қаерда ўқимаган бўлса-да, ашаддий китобхонлиги билан мени ҳайратга солган эди. Мен олиб борган журнал китобларни кўриб яшнаб кетган эди.

– Худойим мени шундай ҳамхона билан шерик этганига шукр, – дея китобларни пешонасига теккизиб, тавоф қилиб, ўқишга тутинганди.

– Худога шукр, тинчмиз. Президентимиз омон бўлсин, ҳалиям шу ерда, ҳамма оёққа турган, биз – қариялар дуодамиз, – дейди Саодат ая 6 фарзанди, бир этак набираларининг саломатлик хабарини етказар экан.

Ойниса дугонамиз – сенатор.

– Ҳозир мажлисдан келдим. Ҳар соатда қилишимиз керак бўлган вазифаларимиз аниқ.

Насиб қилса, сардобаликлар тез кунлар ичида ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади. Андижон, Самарқанд, Тошкент – чор тарафдан ёрдам карвонлари келяпти.

Гавҳарой – шахсий кутубхона ташкил қилган, “Йил аёли” ғолибларидан бири, Баҳор, Норинисо, Меҳринисо – қаламкаш сингилларимиз...

– Тошқиндан азият чекканлар бошпана билан таъминланди. Баҳоли қудрат хабар олиб турибмиз, – дейишди улар.

Ҳаммасининг кўнглида табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этишга бўлган ишонч таянч бўлаётгани сезилиб турибди. Ҳаммаси Президентимизнинг Сирдарёда эканлиги, “Шароит яхши бўлмагунча, бирорта раҳбар, мен бошчилигимда ҳеч қаёққа кетмайди”, – деган қатъий сўзидан куч олиб яшаяпти.

Бизнинг дилимизга ҳам айнан шу туйғулар ёруғлик беряпти. Қалбан сиз билан биргамиз, сардобаликлар, сиз қуш учмас чўлни гулистонга айлантирган матонатли элнинг авлодисиз, демак, яна тик оёққа туришингизга, талафотларнинг ўрнини тўлдириб, тўкис, бутун яшашингизга ўзингиз ишонгандек, биз ҳам ишонамиз!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.
2020 йил 5 май*

“БУ ТАБИЙ ОФАТНИ, АЛБАТТА, БИРГАЛИҚДА ЕНГАМИЗ”

“Фалокат оёқ остида”, – дейди халқимиз. Кеча тонгда кутилмаганда ҳокимликдан телефон қилиб, Сардоба сув омборидан сув сизиб чиққани, аҳолини тезда огоҳ этиш лозимлигини айтишди.

Тўғриси, аввалига бироз шошиб қолдим. Кейин тезда кўчабошиларга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим, машинага чиқиб, ҳаммага шошилишч равишда, керак бўлса, уйма-уй кириб хабар бериш лозимлигини айтдим.

Албатта, ҳар хил одам бор. Лекин ҳеч ким ваҳимага, саросимага тушгани йўқ. Орадан кўп ўтмай, қишлоғимизга Фав-

қулодда вазиятлар ва Ички ишлар вазирликлари, ҳокимлик вакиллари етиб келди. Саросимага тушишга асос йўқлигини, тезда автобуслар етиб келишини айтди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, махсус автобуслар ва юк машиналари етиб келди ва биз аҳолимизни юз фоиз ҳеч қандай талафотсиз, эсон-омон Янгиер шаҳрига етказдик.

Халқимиз ўз тарихида бошидан кўплаб балоларни, жафоларни ўтказган. Сув тошқинлари, зилзила, ер кўчкиси каби табиий офатлар бизни кўп бора синаб кўрган. Лекин ҳеч қачон енгилмаганмиз, қийинчиликлар олдида бош эгмаганмиз.

Энг муҳими, халқимиз ёмон кунларда, синовли дамларда бир-бирини ташлаб қўймаган. Қўшнисининг дардини ўзининг дарди деб қабул қилган. Мен кеча бунга яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Ҳар қандай оғирликларни матонат билан енгганмиз. Энг муҳими, халқимиз ёмон кунларда, синовли дамларда бир-бирини ташлаб қўймаган. Қўшнисининг дардини ўзининг дарди деб қабул қилган. Мен кеча бунга яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Автобуслар келгунга қадар аҳолининг бир қисми ўзларининг енгил автомобилларида қишлоқни тарк эта бошлади. Шу пайтда Янгиер шаҳридан, қўшни Ховос, Боёвут туманларидан ҳам кўплаб одамлар ўзларининг енгил машиналарида етиб келиб, одамларимизни беминнат хавфсиз жойларга элтиб қўйди.

Фуқаролар йиғинимиз аҳолисининг асосий қисми Янгиер шаҳрига жойлашди. Шаҳарликлар уларни ўз яқинларидек кутиб олди. Келган аҳолининг

ярмидан кўпини одамлар ўз уйларига олиб кетди. Мана шу ҳолатни кўриб, бағрикенг, меҳр-оқибатли халқимиз борлигидан фахрландим, кўнглим юмшаб, кўзларимга ёш келди.

Аҳолимизнинг қолган қисмини мактаблар, боғчалар, санаторийларга жойлаштирдик. Уларнинг вақтинча яшаб туриши учун барча имкониятлар яратилган. Етарли даражада озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланган. Шаҳарликлар уйларидан овқат пишириб чиқяпти. Ахир қийинчилик йилларида ҳам халқимиз топганини ўртага қўйиб, муҳтожлар билан баҳам кўрган-ку. Бир майизни қирқ киши бўлиб еган, деган гап бежиз айтилмаган.

Орадан кўп ўтмай, воқеа жойига Президентимиз етиб келганини эшитганимизда, ҳам-





мамизнинг руҳимиз кўтарилиб кетди. Давлатимиз раҳбарининг: “Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга кўчириш бўлди. Энг катта масала – ўлим бўлмаслиги. Оқсоқоллар, маҳалла раислари ва нозирларидан илтимос қиламан: одамларни йиғиб, уйларга, палаткаларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама-маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча биронта

раҳбар кетмайди. Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди”, – деган сўзларини эшитганимизда эса, Худо хоҳласа, бу жафони тезда бартараф этишимизга ишончимиз янада ошди.

Албатта, уйларимиз, экинларимиз зарар кўрди, ишларимиз бироз орқага сурилди. Лекин халқимизнинг руҳи сингани йўқ. Ҳеч ким эртанги кунга ишончини йўқотмади. Энг муҳими шу. Бу табиий офатни, албатта, биргаликда енгамиз.

Ҳайитбой ҲАКИМОВ,
*Мирзаобод туманидаги
 “Баҳористон” қишлоқ
 фуқаролар йиғини раиси.*
 2020 йил 5 май

БИРЛАШГАН ЭЛ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Бисмиллаҳир Роҳманир
Роҳийм!

Куни кеча тонгда Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми очилиб, юзага келган тошқин туфайли минглаб юртдошларимиз бошпанасиз қолди. Бу фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўрилди.

Юртимиз уламолари ҳам сув омборидаги фавқулодда ҳолат оқибатлари бартараф бўлишини Яратган Парвардигордан сўраб, динимизда тавсия қилинган амалларни адо этдилар. Ислом дини манбаларида ҳар бир ҳолат учун – яхши-ёмон кунлар, хурсандчилик-мусибатли дамларда ўзига хос амаллар ва дуоларни қилиш ҳақида кўп баён этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг 36 та минтақасида-



ги табаррук уламоларимиз ва имом-домлаларимиз томонидан Аллоҳ таборака ва таолодан мазкур нохуш ҳодисанинг салбий оқибатларини бартараф этишини сўраб, хатми Қуръонлар ўқилиб, муборак Рамазон кунларида дуою тазаррулар қилинди. Имом-хатиблар, имом ноиблари ва мадрасалар талабалари томонидан 420 та хатми Қуръон қилинди. Шунингдек, хайрия тадбирлари доирасида 4 бош қорамол, 85 та қўй сўйилиб, кам таъминланган

оилалар, ёрдамга муҳтож кишилар, етим-есирлар ва дуоסי мустажоб инсонларга тарқатилди.

Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов хазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғофур Аҳмедов Сирдарё вилоятида юзага келган фавқулодда ҳолат оқибатида азият чеккан юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида инсонпарварлик юклари ортилган иккита юк машинаси билан ушбу вилоятга етиб бордилар. Улар аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, бундай синовли кунларда, энг асосийси, саросимага тушмасдан, елкама-елка туриб, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бошга келган ташвишни сабр-матонат билан енгиш ўта муҳим эканини таъкидладилар.

Эл бошига иш тушганда ёрдам қўлини чўзиш чин мўминлик сифати, халқимизга хос фазилатдир. Ушбу нохуш воқеа содир бўлганиданок, маҳаллий аҳолига кўмак бериш тадбирлари уюшқоқлик билан бошланиб кетгани маҳзун қалбларга катта далда бўлди. Айти дамда Сирдарё вилояти аҳлига Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан меҳр-мурувват юклари юборилмоқда.

Аллоҳ таолонинг бу синовли кунларида, Рамазон ойида машаққатда қолган сирдарёлик юртдошларимиз, кексалар аёллар ва ёш болаларга ёрдам қўлини чўзаётган барча азизларимизга самимий миннатдорлигимизни билдирамыз. Аллоҳ таоло қилаётган эҳсонларни ўз даргоҳида қабул қилсин, ажру савобларини зиёдаси билан ато этсин.

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси ўринбосари.
2020 йил 5 май

МАШАҚҚАТЛАР ОЛДИДА ЧЕКИНМАГАН ЭЛ

Иродали, матонатли, танги, мард ва олижаноб халқимиз ҳеч қачон турли қийинчилик ва машаққатлар олдида эсанкираб қолмаган. Тарих саҳифаларини varaқласак, бунга жуда кўплаб мисоллар топишимиз мумкин.

Кунни кеча Сирдарё вилояти-нинг Сардоба сув омборидаги табиий офат ҳам барча юртдошларимизни яна бир марта синовдан ўтказди.

Сардобадаги сув тошқинидан озор чеккан, талафот кўрган оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқлар, экин майдонларидаги зарар оқибатини тугатишга қорақалпоғистонликлар ҳам биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. Сирдарёга узок қорақалпоқ элидан 30 бош қорамол, 35 тоннадан зиёд гуруч, 50 миллион сўмлик кийим-кечак, дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди. Шунингдек, Сирдарёга ёрдам



ҳисоб рақамига 5 миллиард сўм маблағ ўтказилди.

Биз, қорақалпоғистонликлар Сирдарё вилояти халқи билан биргамиз, уларга ҳамдardмиз. Шифохонадаги бемор ҳам, уйсиз қолаётган аҳоли ҳам, экинлари нобуд бўлган, боғлари талафот кўрган фермер, деҳқону боғбон ҳам асло ёлғиз эмас.



Бутун халқимиз меҳридан, қўллаб-қувватлашидан бу офатлар тезда бартараф бўлишига ишончимиз комил.

Ҳаётимиз учун оғир келаётган 2020 йилнинг барча қийинчиликлари, албатта, орқада қолади. Юртимизда олиб борила-

ётган одилона, оқилона ички ва ташқи сиёсат ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий раवнақи, тинчлик-осойишталиги, аҳоли турмуш фаровонлиги, халқимиз бахтли турмушининг кафолатидир.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.
2020 йил 5 май







ИШОНЧИМИЗ МУСТАҲКАМ

Ёшим 65 га яқинлашиб қолди. Салкам 40 йилдан буён Мирзаобод туманининг Навбахор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Бобур” номли маҳаллада яшаб келаман. Шу ерда 6 нафар фарзандимни вояга етказиб, уйли-жойли қилдим. Ҳозир болаларим турли жойларда юртимиз ободлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Маҳалламиз Сардоба сув омборидан унча узоқда эмас. Шу боис, тошқин ҳақидаги хабарни эшитганимиз заҳоти йўлга отландик. Шошганимиздан, ҳатто, хужжатларимизни ҳам унутибмиз. Аслида ҳаёт-мамот учун кураш кетаётган пайтда хужжат эсга келармиди. Хуллас, шу ҳудудда яшовчи ўғлим, невараларим билан эсон-омон Янгиер шаҳрига етиб олдик.

Сув оқими пасайгандан сўнг суриштирсам, уйимиз 1,5 метр сув остида қолибди. Ҳозир Зоминдаги ўғлимникидан паноҳ топдик. Телевизордан сув тош-

қини бўйича хабарларни мунтазам кузатиб турибмиз. Президентимиз шошилинич равишда Сирдарёга етиб келгани ва биз каби жабр кўрганлар билан учрашгани, офат оқибатларини тугатишга шахсан ўзлари раҳбарлик қилаётгани, шунингдек, аҳолини уй-жойига қайтариш учун тезлик билан барча чоралар кўрилиши ҳақидаги гаплар кўнглимизни хотиржам қилди. Худо хоҳласа, яна ўз уйимизга қайтишимизга, яна ўша кадрдон кўни-кўшнилари билан эсон-омон дийдорлашишимизга ишондим.

Инсон ҳаётида нималар бўлмайди. Бу офат ҳам биз учун бир синов. Лекин асло тушкунликка тушганимиз йўқ. Чунки халқимиз, мамлакатимиз раҳбари бизларни ҳеч қачон ташлаб қўймайди. Мен шундай Президентимиз борлиги билан фахрланаман.

Донагул ТУРДИМУРОВА,
пенсионер.
2020 йил 7 май

МЕҲР-ОҚИБАТ ЭЛНИ БИРЛАШТИРАДИ

– Оилада тўрт кишимиз, икки нафар фарзандим бор. Шукрки, барчамиз соғ-омонмиз. Бошқа маҳаллада яшаётган қайнонам, барча яқинларимиз, қўни-қўшнилариимиз бугун ёнимизда. Энг катта бахтимиз ҳам шу.

Айтишим керак, бизни мана шундай хавфдан ҳимоя қилишда ўз вақтида кўрилган чоралар катта омил бўлди. Вақтида огоҳлантириб, зудлик билан хавфли ҳудуддан олиб чиқиш таъминланди. Бундай дамларда оқибатли инсонлар, қўли очиқ ҳамюртларимиз элга қанот бўлади. Ҳозир жойлашган жойимизда барча

шароитнинг яратиб берилганлиги, нимага эҳтиёжимиз бўлса, барчаси муҳайё қилинганлигидан бир хурсанд бўлсак, халқимизнинг, танимаган-билмаган, узоқ-яқиндаги юртдошларимизнинг саховатидан, кўнгил сўраб, меҳр улашаётганлигидан ўн чандон суюнҷимиз.

Ҳа, инсоннинг бошига мушкулот тушганда бир оғиз далданинг ўзиёқ кишига қанчалар куч-қудрат, эртанги кунга ишонч бахш этишини дилдан ҳис қиляпмиз. Халқпарвар Президентимиз, меҳр-оқибатли халқимиз борлигига шукроналар айтяпмиз.

Чехрос АБДУЛЛАЕВА,
Оқолтин туманидаги
Саховат маҳалласида
яшовчи уй бекаси.
2020 йил 5 май

ТУРМУШИМИЗ БУНДАН-ДА ОБОД БЎЛАДИ

Офат рўй берган дастлабки лаҳзалардаёқ Президентимиз ёнимизда бўлди, аҳоли билан юзма-юз суҳбатда бу ҳам бир кўргулик, синов эканлигини айтиб, бу бало тезда бартараф этилишини, турмушимиз бундан-да обод ва фаровон бўлиши учун барча чоралар кўрилишини айтиб далда берди.

Ўзимиз ҳозир Гулистон шаҳридаги академик лицей ётоқхонасида бўлсак-да, биз истиқомат қилаётган жойларда жуда катта тиклаш ишлари олиб борилаётганини мунтазам кузатиб турибмиз ва бундан кўнгилимиз хотиржам. Ҳа, яна бир муҳим гап. Президентимиз фарзандларингиз ёнида бўлинг,

деб болажонларга бўлган чексиз меҳрини йўллади. Беадад шукрки, фарзандларимиз билан биргамиз. Қарангки, уларнинг нафақат ўйнаб-кулишлари, балки таълим олишлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ўқувчиларга шу ернинг ўзида машғулотлар ўтилмоқда. Маҳалламиз аёллари ният қилдикки, давлат бизга шунчалик меҳр кўрсатаётган экан, биз ҳам ўғил-қизларимизни ана шу юксак эътиборга жавобан шу азиз ва жонажон Ўзбекистонимиз равнақи, халқимиз бахту саодати учун хизмат қилувчи, ватанга, Президентимизга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Нафиса УМАРОВА,
Сардоба шаҳарчасида
яшовчи фуқаро.
2020 йил 7 май

ХАЛҚ УЧУН ЖОНИНИ ҚУРБОН ҚИЛГАН ҚАҲРАМОН

*ёки Сардобадаги фожиа оқибатида
қурбон бўлган Хусниддин Суяров ҳақида...*

2020 йил 1 майда Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида юзага келган тошқин кўпчиликнинг ҳаётини хавф остида қолдирди.

Шунда аҳолини эвакуация қилиш учун етиб келган Миллий гвардия шахсий таркиби тезкорлик билан қутқарув ишларига шўнғиб кетди. Эвакуацияга барча махсус техникалар, автомашиналар, сув босган ҳудудларда қолиб кетган фуқароларни қутқариш ишларига эса вертолётлар жалб этилди.

Юзага келган фавқулодда вазиятда 70 мингдан ортиқ аҳоли эвакуация қилинди, 56 нафар фуқаро турли тан жароҳатлари билан шифохонага ётқизилди.

Минг афсуски, эвакуация ишларига жалб қилинган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларидан бири 3-даражали сержант Хусниддин Суяров табиий



офатга қарши курашиш жараёнида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У ўз жонини фидо қилиб, юзлаб, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолди.

– Миллий гвардия йигитлари ҳеч нарсага қарамасдан, уйма-уй юриб, қолиб кетан фуқаро-

ларни қутқариб юрди. Томлар устидан, деразалардан чиқишларига ёрдам бериб, аҳолини хавфсиз ҳудудга ўтказишга катта ҳисса қўшдилар. Ҳарбий йигитлар пастда туриб, ёрдамга учиб келган вертолётларга одамларнинг чиқишига кўмаклашди. Улар орасида ёзда эндигина 32 ёшни қаршилаши керак бўлган сержант Ҳусниддин Суяров ҳам бор эди.

Қурбон бўлган сержантнинг ота-онаси учун бу ўта оғир жудолик бўлса-да, уларнинг ўғли халқимиз наздида ҳақиқий қаҳрамон саналади.

2007 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиб келаётган, Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабини аъло баҳоларга тамомлаган Ҳусниддин хизмат давомида ўзининг намунали ҳарбий интизоми, зиммасига юклатилган вазифа ҳамда мажбуриятларга виждонан ёндашиши билан алоҳида ажралиб турган.

Ҳусниддин Суяровнинг сафдошлари, устозлари ва дўстлари билан суҳбатлашар эканман, у ҳақда фақат ижобий фикрлар эшитдим.

Анчадан бери Андижон вилоятида хизмат олиб бораётган Ҳусниддин ўз она юрти Сирдарёга яқиндагина келган экан. Гўёки у бу фожиани олдиндан

сезган-у, элдошларига қалқон бўлишга шошилган.

Боёвут туманининг Бўз қишлоғида туғилиб ўсган Ҳусниддин бор-йўғи 31 ёшда эди. Унинг онаизори Зулфия опа ўғлининг тобути орқасидан катта йўлгача чопиб фарёд қилган бўлса ҳам паҳлавондек ўғлини йўқотганига ҳали юрагини ишонтира олмади. Бу ғамдан отаси Зокир аканинг 54 ёшида қадди букилди.

Ҳусниддиннинг икки фарзанди билан бева қолган турмуш ўртоғининг ҳолини тасвирлайдиган сўзлар луғатимизда йўқ... Атак-чечак қилиб юрган уч ва бир ёшли қизалоқлар ўлим нима, отасиз ўсиш нима эканини ҳали тўлиқ англамайди.

Сув тошқини оқибатида жабр кўрганларни қутқариш пайтида Ҳусниддиннинг йўқолиб қолгани ҳақида оиласига 2 май куни хабар келган. Улар ўғлининг топилиши, яна бағриларига қайтишидан умидвор бўлди. Афсус, ўлим хабари дунёни остин-устун қилди.

Фақатгина бир таскин бор. Яъни халқ, юрт учун қаҳрамонларча қурбон бўлган Ҳусниддиннинг номи ватан аталган улуғ кошона пештоқида бошқа қаҳрамонлар билан бирга ёзилиб туради.

Ҳусниддиннинг дўстлари уни қатъиятли бўлиш билан бирга самимий инсон эди, деб таърифлашди. Яқинларига, дўстларига меҳр улашиб, бундан ўзи ҳам шод юрадиган камтар бир

йигитнинг ҳақиға бугун бутун эл дуо қилмоқда. Руҳинг шод бўлсин, жигарим!

Назаримда нигоҳларидан салимиёт балқиб турган бу йигит менга танишдек. Бу йигитнинг шонли умр йўли ҳақида қўлимда жуда кўп ахборот бордек. Аммо уларни қоғозга туширишда сўзлар ўзини олиб қочди, баъзан компьютер клавиатурасидаги ҳарфларни тополмай қолдим...

Дарвоқе, Ҳусниддин Суяров вафотидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға асосан “Жасорат” медали билан мукофотланди. Шунингдек, Миллий гвардия қўмондонлигининг “Намунали хизматлари учун” I даражали кўкрак нишони билан тақдирланди.

Халқимиз ўз жонини қурбон қилган қаҳрамонини ҳеч қачон унутмайди.

Муаттар БУРҲОНОВА

ВАТАН ЎЗ ҚАҲРАМОНЛАРИНИ УНУТМАЙДИ



Хабарингиз бор, Сардобадаги сув омборида фалокат рўй берганида одамларни қутқариш ишларида қатнашган икки нафар Миллий гвардия ходими чўкиб кетган эди.

Улардан бири сирдарёлик қаҳрамон Хусниддин Суяров ҳақида маълумот берган эдик.

Иккинчи қаҳрамон – Ҳазрат Суюнов бўлиб, у Нуротадек пурвиқор бир юртда туғилиб ўсган.

Ўзи ҳам Нурота тоғларидек виқорга, қатъиятга эга йигит...

Унинг отаси Навоий вилояти Нурота тумани Чашма қишлоғида истиқомат қилаётган Каромат Ширинов билан мулоқот қилар эканман, ота кўзларида мудом порлаб турган умид учқунини кўрдим. Ўғлининг бедарак кетганига икки ой бўлаётган бўлса ҳам отахон унинг қайтиб келишидан ҳамон умидвор.

Ахир алпкелбат, болалиқдан спорт билан шуғулланиб чиниққан, кураги ерга тегмаган ўғлонининг енгилиши мумкинлигини у тасаввур ҳам қила олмайди.

Уч ўғилнинг кенжаси бўлган Ҳазратжон жуда интилувчан бола эди, армияда хизмат қилиб янада чиниққанди. Шунинг учун ҳам у Миллий гвардия сафига ҳеч бир қийинчиликсиз қабул қилинган.

– Уч километр масофага югуриш бўйича имтиҳонда ўнлаб йигитлар ичида менинг ўғлим маррага биринчи бўлиб етиб келган, – дейди фахр билан отахон. – Ўғлим жиддий, камгап бўлса ҳам жуда меҳрибон эди. Хар куни камида икки марта телефонда суҳбатлашардик. Сардобадаги воқеа содир бўлганидан бир кун олдин гаплашган эдик. Ишда, навбатчиликда экан. Эрталаб эса ўзи кўнғироқ қилавермагач, ўзим қилдим. Жавоб бўлмади. Келинимдан сўрасам уйига бормаган экан. Шу орада сув омборидаги воқеа ҳақида эшитиб қолдим. Хавотир ола бошладим. Шу тахлит икки кун ўтди. Учинчи куни Миллий гвардиянинг вилоятимиздаги масъуллари уйимга келиб, вазиятни тушунтиришди. Юрагим қоронғу тортди, бироқ умид қилиб қариндошлар билан Сардобага йўл олдик. Бориб ўзимиз ҳам қидирдик, хизматдошлари жонини аямай сафдошини қидираётганини ўз кўзим билан кўрдим. Бу мавҳумлик осон эмас, бироқ ишончимни

йўқотмайман. Онаси раҳматли бўлганида у бу ҳолни кўтара олмасди.

(Ҳазрат Суюновнинг онаси Феруза опа бундан тўрт йил муқаддам 49 ёшида хасталикдан вафот этган.)

1992 йил 1 июнь куни туғилган Ҳазрат Суюнов Сирдарё вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси 86528-ҳарбий қисм махсус вазифаларни бажарувчи отряди 3-махсус вазифаларни бажарувчи гуруҳи мутахассиси (мергани) бўлиб ишлаётган эди.

Унинг турмуш ўртоғи Шохистахон ҳам эндигина олти ойлик бўлган ўғли Шавкатжонни бағрига босиб, сабр ва умид билан ҳамон кутмоқда.

Ҳазратжон биринчи фарзандига Президентимизга ҳавас қилиб Шавкат деб исм қўйган экан.

Эҳ, умидлар... Қани энди, улар сўнмаса...

Р.С. Ҳазрат Суюнов 2020 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан “Жасорат” медали билан мукофотланди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

ЯНГИ УЙЛАРНИНГ КАЛИТИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Жорий йил 1 май куни Сирдарё вилоятининг Сардоба сув омборида юз берган техноген ходиса оқибатида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 4 минг 710 та хонадон зарар кўрди.

Қисқа муддатда тошқиндан зарар кўрган 1 минг 850 та уй қайта таъмирланиб, замонавий кўринишда ўз эгаларига топширилди. Уйи яроқсиз ҳолга келган фуқаролар учун жами 52,5 гектар ер майдони танланиб, кўп қаватли 2 минг 640 хонадонли — жами 86 та замонавий турар жой қуриб битказилди. Бугун мазкур уйлар калитини қўлига олган одамлар кўзида қувонч, эртанги кунга ишонч ва ғурурни кўриб, чекилган захматлар бесамар кетмаганига амин бўласиз.

Сир эмаски, сув тошқини юз берган кунларда сирдарёликларни чуқур қайғу босди. Нафа-

қат улар, бутун халқимиз қайғурди. Энди нима бўлади, деган савол барча ўзбекистонликларни ташвишга солгани ҳам рост.

Ҳар ишда бир ҳикмат бор, деган нақл бор, доно халқимизда. Бир неча йиллардан буён эътибордан четда бўлиб келган туманлар бугун шаҳар тусига кирди. Бу ерда нафақат замонавий уйлар, балки қатор таълим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Тошқиндан олдин инфратузилмаси анча эскирган, газ, электр таъминоти хароб ҳолга келган, ичимлик сув муаммо бўлган қишлоқлар, уларга туташ ҳудудлар обод гўшага айланди. Бир сўз билан айтганда, сув омбори тошқинидан зарар кўрган ҳудудлар буткул янги қиёфа касб этди.

Зарар кўрган ҳудудларни қисқа муддатда таъмирлаб, аҳолига қулай шароит яратиш





мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юзлаб техника, пудратчи корхоналар, минглаб ишчилар жалб қилинди. Сирдарёликлар ҳам улар билан елкадош бўлди. Мақсад аниқ эди — талафот оқибатларини бартараф этиш, жабр-дийда аҳолига аввалгидан ҳам яхши шароит яратиш.

Кўнгилли қурувчилар 2 мингга яқин уйни тубдан таъмирлади. Мирзаобод туманида намунавий лойиҳа асосида қурилган “Навбахор” маҳалласида 100 та, “Янги Ўзбекистон” маҳалласида 6 та, Сардоба тумани “Юртдош” маҳалласида 48 та ва яна 6 та хизмат уйи деярли қайта қурилди.

— Ўша куннинг ўзидаёқ Президентимиз ҳодиса жойига етиб келди, тошқиндан жабрланган, кўнгли чўкиб қолган аҳоли дардига шерик бўлди, — дейди Мирзаобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласи раиси Бахтиёр Холқўзиев. — “Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди”, — деган эди Президентимиз ўшанда. Яратганга шукр, шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари талафот кўрган ҳудудларга бир неча бор ташриф буюрди. Биз у кишининг ҳар доим ёнимизда, биз билан бирга эканини ҳис қилиб турдик. Орадан кўп ўтмади. Маҳалламиз бут-

кул янги қиёфа касб этди. Уни “Янги Ўзбекистон” дея номладик. Маҳалламизда кўп қаватли, жами 800 хонадондан иборат 40 та уй қад ростлади. Улардаги хонадонларга сув тошқини оқибатида уйлари зарар кўрган Мирзаобод ва Оқолтин туманларидаги 11 та маҳалладан айни пайтгача 520 оила кўчиб келди. Жараён давом этмоқда. Мазкур уйлар ҳақиқий ўзбекона қилиб қурилгани билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, ушбу кўп қаватли уйларнинг ҳар қавати ҳамда ертўласида аҳолининг зарур ускуналарини сақлаши учун махсус хоналар ташкил этилган.

— Бу йил оиламиз учун қўшалоқ байрам бўлди. Қизим олий ўқув юртига ўқишга кирди, — дейди “Янги Ўзбекистон” маҳалласида истиқомат қилувчи Сафар Бекбўтаев. — Тўрт фарзандим бор. Бугун уларнинг юзидаги қувончни кўриб, яйрайман. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги натижасида ўтган давр мобайнида 40 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Қисқа вақт ичида 3 хонали замонавий уйли бўлдик. Янги маиший техника воситалари совға қилишди. Ўзим иқтисодчиман. Турмуш ўртоғим далада меҳнат қиларди. Оғир меҳнат, яна рўзғор, бола-чақа ташвиши. На газ бор, на сув. Бу ерга келганимиздан кейин уй-жой коммунал сервис хизматига ишга кирди. Белги-

ланган вақтда ишга бориб келиб, болалар тарбияси билан шуғулланыпти. Бир сўз билан айтганда, “Янги Ўзбекистон” да ҳаётимизни янгидан бошладик.

Маҳаллада барча зарур шароитлар яратилган. Маҳалла гузарида новвойхона, сартарошхона, кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Янги боғча болаларни қабул қилишга шай. Шунингдек, бу ерда 6 та болалар майдончаси ва йўл қоидаси ўқув майдончаси каби маданий ҳордиқ объектлари ҳам аҳоли хизматида.

Муҳим масалалардан яна бири — аҳоли бандлигини таъминлаш. Хотин-қизларни ишли қилиш мақсадида тикувчилик цехи очилди. Яқин кунларда бу ерда Сирдарёнинг дунёга машҳур қовун маҳсулотларини экспорт қилиш учун қовунни қайта ишлаш цехи қурилиб фойдаланишга топширилади.

Сардоба тумани “Дўстлик” маҳалласи ҳудудида туманнинг “Кўрғонтепа”, “Юртдош” ва “Дўстлик” маҳаллаларида яшган, уйлари яроқсиз ҳолга келган хонадон эгалари учун 1 минг 480 хонадонли 37 та кўп қаватли уй-жой қурилди. Бугун мазкур ҳудудлардан аҳоли кўп қаватли уйларга кўчиб кирмоқда. Бундан ташқари, янги уй-жойлар массивида мактабгача таълим ташкилоти ва 660 ўринли умумтаълим мактаби биноси қурилиши якунига етказилмоқда.

— Сардобаликлар янги ҳаётни бошлади. Бугун туман қиёфаси ҳам тубдан ўзгарган. Қурилиш, ободончилик ишлари авжида, — дейди “Дўстлик” маҳалласи раиси Алишер Кинбоев. — Шу каби фаровонлик руҳига ҳамоҳанг аҳолининг ҳам кайфияти кўтаринки. Дарҳақиқат, талафот кўрган ҳудудларнинг тошқиндан олдинги кўринишини, инфратузилмасини билган, кўрган киши ҳозир қилинаётган бунёдкорлик ишларини, олиб борилаётган ислохотларни кўриб, халқимизнинг ҳамжиҳатлигига, бағрикенглигига тан беради. Бу манзараю ўзгаришларни ҳис этган ҳар бир инсонда эртанги кунга бўлган ишонч ортиб бораверади.

“Дўстлик” маҳалласидаги “Сардоба Оқсарой текстиль” фабрикаси роппа-роса 120 кун деганда қуриб битказилди. Бу ерда 550 кишининг иш билан таъминланиши кўзда тутилган. Ҳозир 220 нафар хотин-қиз қисқа муддатли ўқув курсини битириб, меҳнат фаолиятини бошлади.

— Корхонамизда тайёр мато ва кийимлар ишлаб чиқарамиз, маҳсулотларимиз, асосан, экспортга мўлжалланган, — дейди “Сардоба Оқсарой текстиль” корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Асқар Ҳайдаров. — Айни пайтда корхонамизда катталар учун қишки кийим-кечаклар ишлаб чиқа-

риляпти. Бу ерда, асосан, янги уйларга кўчиб ўтган хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг юз-кўзида келажакка ишонч учқуни порлаб турганини кўриб, бизнинг ҳам ғайратимиз жўшади. Шу азиз опа-сингилларимиз ҳаётини янада яхшилаш йўлида қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширамиз. Президентимиз қорхонамизга ташрифи чоғида бизга маррани кенгроқ олиш бўйича аниқ кўрсатмалар берган эди. Келгусида маҳсулотларимиз тури ва ҳажмини ошириш, экспорт географиясини кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Демак, иш ўринларимиз сони ҳам кўпайиб боради. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

— Тўрт фарзандим бор. Биз ҳам тошқиндан зарар кўрдик. Бошпанасиз қолдик, — дейди тикувчи Умида Қаршибоева. — Мана, бугун янги кўп қаватли уйдан 3 хонали хонадон берилди. Давлатимизга раҳмат, бугун барчаси бадастир. Уйимиз иссиқ. Болаларимиз олдимиздаги таълим масканига боради. Ўзим тикувчилик цехида ишляпман. Тушлиқда иссиқ овқат берилади. Замонавий дастгоҳларда ишлаш учун қорхона ўқув марказида мутахассислардан иш ўргандик. Ойликларимиз ишимизга қараб ошириб борилмоқда. Одамнинг уйда тинчи бўлса, ишида ҳам унум бўлар экан. Иш унча оғир эмас. Болаларимга ҳам вақт ажратяпман.

Мирзаобод туманининг “Нурли келажак” маҳалласида ҳам 360 хонадондан иборат тўққизта кўп қаватли уйга бугун 240 та оила кўчиб кирди.

— Талафотдан “Навбахор” маҳалласи ҳам зарар кўрган эди. Ўтган даврда бу ерда жуда катта қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Водий вилоятлари кўмаги билан бунёд этилган янги маҳалламизни “Нурли келажак” дея атадик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктам Кенжаев. — Бу ерда уч ярим минг нафардан ортиқ аҳоли, 668 хонадон мавжуд эди. Айни пайтгача 11 та икки қаватли уй ва 396 та ҳовли уйлар тўлиқ таъмирланиб, эгаларига топширилди. Шунингдек, иккита умумтаълим мактаби, битта мактабгача таълим муассасаси тўлиқ таъмирланди. Маҳалланинг янги биноси қад ростлади. Янги масжид биноси қурилиши эса давом этмоқда.

Қувонарлиси, бу ерда янги, замонавий бинолар қад ростлаши билан бирга, янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, “Нурли келажак” маҳалласи ҳудудида “Бек кластер” МЧЖ томонидан 20 гектар майдонда иссиқхоналар қурилди. Ҳар бири 25 сотихдан иборат иссиқхоналарда лимон ва қулупнай етиштирилмоқда. Уларда янги уйларга кўчиб ўтганлардан 200 нафардан ортигининг бандлиги таъминланди.



— Бу ерда цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилган, — дейди “Бек кластер” МЧЖ масъул ходими Тўлқин Норқулов. — Мазкур марказнинг асосий вазифаси иссиқхоналарда ишлаш хоҳишини билдирган фуқароларни соҳага тайёрлашдан иборат. Айни пайтгача мутахассислар 100 дан ортиқ ишчига соҳа сир-асрорларини ўргатди. Яна бир муҳим жиҳат, “Алоқабанк” кредити ҳисобига амалга оширилган ушбу лойиҳа кредит қарзлари узилгач, шу ерда ишлаётган фуқароларнинг ўзларига қолади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, янги қурилган кўп қаватли уй-жойларнинг ўз эга-

ларига топширилиши, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, одамларни рози қилиш, адолат, шаффофликни таъминлаш жуда муҳим масала. Шунинг учун ҳам мазкур уй-жойларни адолат таъмоийллари асосида тарқатиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳ назоратида бўлиб турибди.

— Уй-жойлар тақсимотида адолат, шаффофлик жуда муҳим. Шунинг учун ҳам уйлар қуръа ташлаш йўли билан тақсимланяпти. Бундан ташқари, кўп қаватли уйларни тақсимлашда барча жиҳатлар эътиборга олинган. Масалан, ногиронлиги бор шахслар ва қариялар биринчи қаватга жойлашти-

рилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шерзод Қулматов. — Бугунги кунга қадар ишчи гуруҳ томонидан 2 минг 932 оиланинг уй-жой олиш масаласида қилган муурожаати қабул қилинган бўлиб, улар қарийб бир ой давомида ўрганиб чиқилди. Маҳалла фаоллари, қўни-қўшниларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда қуръа ташлаш йўли билан Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманларида жами 1 минг 842 хонадон топширилди. Бугунги кунгача 1 минг 753 та оила янги уйга

кўчиб кирди. Бундан ташқари, айти пайтда 53 та муаммоли ҳужжатимиз бор. Яъни, бу ҳужжатларда камчиликлар бор. Шунинг учун ҳам ҳар бири жиддий ўрганилиб, кейин халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига киритилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тошқиндан зарар кўрган аҳолига барча шароитлар яратиш борасидаги ишлар бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Мутасаддиларнинг ишонтиришича, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бунинг учун маблағ ҳам, имкониятлар ҳам етарли.

Лутфулла СУВОНОВ,
журналист.
2020 йил 3 декабрь



MAZKUR TURAR JOY
MAJMUASIGA
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI
SHAVKAT MIROMONOVICH
MIRZIYOYEV TOMONIDAN
2020-YIL 15-MAY KUNI
TAMAL TOSHI QO'YILIB,
2020-YIL 13-OKTYABR KUNI
FOYDALANISHGA TOPSHIRILGAN.











ЯНГИЛАНАЁТГАН СИРДАРЁ:

*одамларни рози қилиш йўлидаги
амалий ишлар*



Президентимиз ўтган йили Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Ховос туманида ҳам бўлиб, замонавий шаҳар қурилиши бош режаси билан танишган, уни янада такомиллаштириш борасида зарур кўрсатмалар

берган эди. Кўп ўтмай 42 гектар ҳудудда “Ховос сити” қурилиши жадал бошлаб юборилди.

— Кейинги 50 йилда шаҳарчада бирорта ҳам кўп қаватли уй қурилмаган эди. Мана, яқинда 305 та эски хонадон бузилиб,

аҳоли янги уйларга кўчирилди, — дейди Ховос тумани хокими ўринбосари Санжар Пўлатов. — Аслида бу уйлар мамлакатимиздаги энг арзон кўп қаватли турар жой мажмуаси ҳисобланади. Уларнинг 3 хоналиги 160 миллион сўм, 2 хоналиги 140 миллион сўм бўлиб, 20 йил муддатга кредитга олиш ҳам мумкин.

Янги шаҳарчада Меҳнат ва бандликка кўмаклашиш маркази, Халқ банки, кадастр хизмати, туман электр тармоқлари корхонаси, туман ҳокимлиги бинолари, аҳоли дам олиш маскани, хотира майдони мажмуаси каби қатор объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2020–2021 ўқув йили арафасида математика фанини чуқур ўргатишга ихтисослашган 350 ўринли замонавий мактабнинг фойдаланишга топширилгани ховосликларнинг дилидаги иш бўлди.

— Илгари Эски Ховосдаги “Дўстлик” маҳалласида яшардик. Уйимиз бузилгач, “Ховос сити”дан 3 хонали хонадон беришди. Шароитлар яхши, иссиқ ва совуқ сув бор, газ, электр таъминотида узилиш йўқ. Рафиқам шаҳарчамиздаги 4-МТТда ишлаяпти, ўзим Ёшлар ишлари агентлиги Ховос тумани бўлими ходимиман, — дейди Сулаймонбек Пўлатов миннатдорлик руҳида.

Кўп қаватли уйларга кўчиб келган аҳоли янги иш бошлаган қандолатчилик цехи, тикув

фабрикасига ишга жойлашган. Жумладан, “Textile fashion” корхонаси 200 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Бу ерда яна 100та иш ўрни яратиш режалаштирилган. Асосан, болалар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона маҳсулотлари экспортга ҳам чиқарилади.

“Ховос сити”да кам таъминланган оилалар учун арзон уй-жойлар лойиҳаси асосида қурилган 2 сотихли 50 та уй ҳам ўз эгаларига топширилган. Бу уйлар вилоятнинг ҳар бир туманидан шароити ўта оғир ва ногиронлиги бўлган оилалардан биттасига берилган.

— Уч фарзандим билан 5 йил дала шийпонида, 10 йил ижара уйларда яшадик, — дейди Сафаргул Исмоилова. — Ўтган йили Президентимиз Ховосга келганида шароитларимизни ўрганиб, уй, иш билан таъминлаш ҳақида топшириқ берган эди. Худога шукр, кўп ўтмай ҳеч қандай тўловсиз 3 хонали уй ажратилди. Тикув машинаси совға қилишди. Ҳозир касаначилик билан шуғулланяпман. Бу йил шартнома асосида пахта териб, салкам олти миллион сўм даромад қилдик. Шу пулга помидор ва бодринг етиштириш учун ховлимизда иссиқхона қурдик. Иссиқхонамиздан фойдаланишни бошласак, турмушимиз янада яхшиланади.

— Янги кўчиб келган оилаларга кириб, шароитлари, қи-

зиқишларини ўрганияпмиз. Кунни кеча 3 та оилага тикув машинаси бердик. Улар уйда ногирон фарзанди, турмуш ўртоғи борлиги сабабли бирор корхонага бориб ишлай олмайди. Шу боис, улар уйда кийим-кечак тикиш ишлари билан шуғулланиб, оила харажатларини таъминлаши учун барча шароитлар яратиб берилди, — дейди “Бунёдкор” маҳалласи раиси Баҳодир Толипов.

Шу маҳаллада кўчма асфальт-бетон заводи қурилиши ҳам якунланди. Замонавий завод 1 соатда 120 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, 12 киши иш билан таъминланган.

Маълум бўлишича, бугунги кунда Эски Ховос шаҳарчасида 78 та икки қаватли уй таъмирланиб, атрофида ободонлаштириш ишлари бажарилган. Туман маркази кўчалари, янги қурилаётган кўп қаватли уйларнинг кириш ва ички йўлакларига асфальт ётқизилган. Бо-

лалар майдончаси барпо этишга, ичимлик сув таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу каби бунёдкорлик ишларини Мирзаобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзгаришлар кўзни қувнатади.

“Янги Ўзбекистон” маҳалласидаги 12 гектар майдонда беш қаватли, 800 хонадондан иборат 40 та уй қурилди. Сув тошқинидан зарар кўрган хонадонлар, ҳовлилар сақлаб қолинди. Ҳар бир хонадонга 40 миллион сўм товон пули, уй жиҳозлари учун 10 миллион сўмдан маблағ ажратилди.

Маҳаллада янги корхоналар ҳам ташкил этилмоқда, аҳоли иш билан таъминланмоқда. Ҳозирча 184 километр йўл, 19 та кўприк, 66 километр узунликда газ қувурлари тортилди. 89 километрлик ичимлик сув, 7,9 километрлик оқова сув тармоғи, 11 та сув тақсимлаш иншооти бунёд этилди.

Гулчиroy ИСОҚОВА
2020 йил 10 декабрь

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАҲАЛЛАСИ УЙЛАРИ ШАҲАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ УЙЛАРИДАН АСЛО КАМ ЭМАС

Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида “Сардоба” тошқинидан зарар кўрган аҳолининг ҳаётини яхшилаш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳудудларда янги уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида Мирзаобод туманининг “Ҳақиқат” маҳалла фуқаролар йиғинида қурилган кўп қаватли уйларни ҳам бориб кўрди.

Ҳақиқат маҳалласида 800 хонадондан иборат 40 та 5 қаватли уй қурилди. Бунинг учун маҳалла ҳудудидан қарийб 12 гектар ер майдони ажратилиб, кўп қаватли уйлар “White city

construction” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа фурсатларда барпо этилди.

– Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, вазирлигимиз томонидан тегишли ташкилотлар билан биргаликда энг замонавий уйлар лойиҳаси тайёрланди, – дейди қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидояттов. – Бу борада энг сифатли ва замонавий уй-жой қурувчи ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилинди. Қурувчи ташкилотлар томонидан Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида кўп қаватли турар жойлар қуриш учун бир ярим ой мобайнида ерни тайёрлаш ишлари олиб борилди. Янги технологиялар асосида ер майдони қаттиқлаштирилиб, 5 қаватли уйлар қурилди. Биноларнинг ташқи қисми базальт қопламаси билан қоплаган.



Бу – уйнинг қишда иссик, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Уйларни қисқа вақтда қуриш учун Туркиянинг туннель қолип тизимида иш олиб борилди. Биноларнинг ертўласида ҳар бир оила учун 15 квадрат метрдан алоҳида хона ташкил этилган бўлиб, ундан хонадон эгалари омборхона сифатида фойдаланиши мумкин. Худудда кузатув камералари ўрнатилган.

Юртбошимиз мазкур уй-жойларни кўздан кечириб, бу каби уйларни бошқа вилоятлар қишлоқларида ҳам қуриш ва нархини арзонлаштириш зарурлигини айтдилар. Бунинг натижасида экин майдонлари эгалланмайди, қишлоқ аҳолиси ҳам янги ва замонавий кўп қаватли уйларда истиқомат қилади.

Биноларда электр энергия, табиий газ, ичимлик ва оқова сув таъминоти мавжуд. Худудда маҳалла гузари, “Янги авлод” мактабгача таълим ташкилоти, 6 та болалар майдончаси, йўл қоидаси ўқув майдончаси, новвойхона, сартарошхона ва кутубхона бор.

– Кутубхонамизда ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир асарларидан иборат 1 минг 597 та китоб бор, – дейди “Янги Ўзбекистон” МФЙ кутубхоначиси Ҳилола Баҳодирова. – Яъни, маҳалламиздаги ҳар икки кишига битта китоб тўғри келади. Бадиий китоблар воқеалари асосида театрлаштирилган сахна асарлари тайёрлаб, китобхонлар сонини оширмоқчимиз. Китобхонлар мутолааси учун бу ерда барча шароит бор.

Кутубхонамиз ҳафтасига олти кун ишлайди. Бундан ташқари, аҳолига электрон китоблар билан ҳам хизмат кўрсатамиз. Шунингдек, китобларни китобхон уйига ҳам берамиз.

Раҳматилла Ҳожимуродов ҳам талафотдан жабр кўрганлардан. Бугунги кунда у “Янги Ўзбекистон” МФЙ раисининг ўринбосари сифатида фаолият юритмоқда.

– Тошқиндан олдин катта йўл бўйида 350 миллион сўм маблағ эвазига туристлар учун ҳаммом қурган эдик, – дейди Р. Ҳожимуродов. – Энди ишга туширамыз деганда бу фалокат бўлиб қолди. Уйимизни сув босганидан сўнг саккиз жон ўша ерда яшадик. Шу ҳудудда қолган аҳоли ва ҳудудни ободонлаштираётган хашарчиларга овқат пишириб бердик. Бу орада уйимиз таъмирлаб берилди. 40 миллион сўмлик моддий ёрдам,

маиший техникалар берилди. Президентимиз ўша пайтлар аҳоли билан учрашиб, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигини, тез фурсатларда 5 қаватли замонавий, шинам уйлар қурилишини, аҳоли у ерда бепул жойлаштирилишини айтган эдилар. Мана, ўша айтилган уйлар қуриб битказилди. Тез орада ўз эгаларига топширилади. Бу ҳудуд бир вақтлар янтоқзор, ташландиқ ер эди. Айнан шу жойда замонавий шаҳарча қурилади, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Янги уйларга, биринчи навбатда, талафотдан жабр кўрган ногиронлар, кексалар жойлаштирилади.

Ҳудуд аҳолисининг кайфияти яхши, улар 1 май тошқинлари, ундан кейинги уйқусиз тунларни унутиб юборишни истайди. Айни пайтда кўзида қувонч, қалбида шижоат, келажакка ишонч билан яшамоқда.

ЎзА.

2020 йил 15 декабрь

“УЙИМИЗ ОЛДИНГИДАН ҲАМ ФАЙЗЛИ БЎЛДИ...”



Жорий йилнинг 1 май куни “Сардоба” сув омборида юзага келган тошқин оқибатида Сирдарё вилоятининг Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларидан 89 минг 450 нафар аҳоли хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган эди.

Бугунги кунга қадар уларнинг 80 минг 64 нафари, яъни 89,5 фоизи уйларига қайтарилди. Қолган 8 минг 199 нафар аҳоли эвакуация даврида кўчирилган ҳудудларда вақтинча яшамоқда. Маълумотларга кўра, уларга ҳудудда қурилаёт-



ган кўп қаватли турар-жойлардан хонадонлар ажратилган.

Ишчи гуруҳлар томонидан талафот кўрган ҳудудларда олиб борилган ўрганишда 4 минг 710 та хонадонга зарар етгани, жумладан, 2 минг 211 таси яроқсиз, 2 минг 499 таси эса таъмирталаб ҳолатда эканлиги аниқланганди.

– Президентимиз ташаббуси билан зарар кўрган ҳудудларни қисқа муддатда таъмирлаб, аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар томонидан таъмирлаш ишларига 170 га яқин техника, 670 дан ортиқ пудратчи корхона ва 2 минг 500 нафарга яқин қурувчи-мутахассис жалб қилинди, – деди Сирдарё вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Зафар Мирраҳимов.

– Сардоба туманидаги “Юртдош” маҳалласида намунавий лойиҳа асосида қурилган 48 та уй, 6 та хизмат уйи капитал таъмирланди. “Дўстлик” маҳалласида 275 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва 660 ўринли умумтаълим мактаби биноси қурилмоқда. Шунингдек, ҳар бири 500 ўринга мўлжалланган 3 та масжид барпо этилмоқда. Зарар кўрган 7 та қабристонда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Давлат хизматлари агентлиги томонидан фуқароларнинг йўқолган ва зарар кўрган жами 8 минг 239 та ҳужжати қайта тиклаб берилди.

Айни пайтда Сардоба туманида олиб борилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишдик. “Дўстлик” МФЙнинг обод, равон кўчалари бизни 81 ёшли Жавлон бобо



Жўраев ҳовлиси томон бошладди. Жавлон бобо бизни таъмирдан чиққан уйига таклиф қилди.

– Бошимизга тушган бу синов бошқаларни ҳам эътиборсиз қолдирмади, – дея хотирлайди Жавлон бобо. – Президентимиз ёрдами билан қисқа вақт ичида уйимиз қайта таъмирланди. 40 миллион сўмлик моддий ёрдам, шунингдек, телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси, электр чойнак ва дазмол каби маиший техникалар берилди. Маҳалламизда йигирма йилдан буён табиий газ йўқ эди. Уни ҳам улаб беришди. Ишонаверинг, уйимиз олдингидан ҳам файзли бўлди. Шундоққина ёнимизда, қишлоқнинг қоқ ўртасида каттагина шаҳарча қурилди.

“Дўстлик” маҳалласида қисқа вақт ичида 37 та 5 қаватли

уй-жой қад ростлади. 34 гектар майдонда барпо этилган ушбу шаҳарчадаги кўп қаватли уйларда жами 1 минг 480 хонадон мавжуд. Лойиҳа қиймати 479,5 миллиард сўм бўлиб, тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган.

– Бино асосан куйма темир-бетон технологияси асосида қурилган бўлиб, бу зилзилага ўта бардошли ҳисобланади, – дейди қурилиш объектининг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бошлиғи Бобошер Баратов. – Энергия тежамкор панеллардан фойдаланилган. Панелларнинг афзаллиги шундаки, хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Бинонинг деярли барча маҳсулотлари маҳаллий ҳисобланади. Бинода электр энергия, табиий газ, ичимлик ва оқова сув таъминоти мавжуд. Худудда 1 та маҳал-



ла гузари, 7 та болалар майдончаси бор.

Маҳаллада истиқомат қилаётган хотин-қизлар узоқ манзиллардан иш излашига ҳожат йўқ. Шу ерда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Сардоба Оқсарой текстиль” МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди.

– Ҳозирги кунда корхоналаримизда 3 минг нафар аҳолини иш билан таъминлаганмиз, – деди “Oqsaroy group” МЧЖ таъсисчиси Даврон Ваҳобов. – Қашқадарё вилоятида пахта етиштирамиз ва ўша ерда пахта хомашёси қайта ишланиб, ип-калава ҳолатига келтирилади. Тошкент шаҳрида уларга ранг берилиб, корхонанинг бошқа филиалларида мато ҳолатига келтирилади. “Сардоба Оқсарой текстиль” МЧЖда 650 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда ишчиларни қабул қиялпмиз.

Корхона маҳсулотлари Россия ва Украинага экспорт қилинади. Бино қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши учун барча шароит яратилган. 2020 йил якунига қадар тўлиқ қувватда ишлаши кутилаётган корхона томонидан йилига 1,4 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Талафот кўрган ҳудудларнинг тошқиндан олдинги ҳолатини, инфратузилмасини билган, кўрган киши ҳозирда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, халқимизнинг ҳамжихатлиги, бағрикенглигигатан бериши, шубҳасиз. Бу ўзгаришларни ҳис қилган ҳар бир инсонда эртанги кунга бўлган ишонч ортиб бораверади.

ЎзА.

2020 йил 10 декабрь





“ЯНГИ ТОШКЕНТ” ҲАЁТИ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛИБ ИЗГА ТУШМОҚДА



“Сардоба” сув омбори тўғони ўпирилиши Оқолтин туманидаги “Янги Тошкент” маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам катта зарар етказди.

Маҳалла аҳолиси маълум вақт ўз уйларидан олис манзилларда яшашга мажбур бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмасига асосан Оқолтин туманидаги “Янги Тошкент” маҳалласида 130 та бетон-панелли уй-жойда таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилиб, 200 дан зиёд оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Маҳалланинг ҳар бир кў-



часига Тошкент шаҳрининг туманлари номи берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 13 октябрь куни тумандаги “Янги Тошкент” маҳалласига келиб, аҳоли билан суҳбатлашди.

Бу ерда маҳалла гузари, кутубхона, болалар майдончаси, спорт комплекси барпо этилган. Ички йўллар қурилиб, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминоти тикланган.

Аввал бу ҳудудда маҳалла фуқаролар йиғини биноси бўлмаган. Маҳалла ходимлари ҳудуддаги 14-мактабнинг бир хонасида жойлашган эди. Бугунги кунда бир қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бинода давлатимиз раҳбари илга-

ри сурган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшлар учун муסיқа, компьютер ва бошқа хоналар ажратилган. Шунингдек, ҳудуддаги 130 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 150 ўринли мактаб биноси ҳам қайта таъмирланди.

– Техноген фалокат туфайли маҳалламиздаги барча уйлارга талафот етди, – дейди “Янги Тошкент” МФЙ раиси Абдурауф Шодмонов. – Илгари барча хонадонлар атрофида қўшимча бинолар қурилган ва ҳовли девор билан ўралган эди. Ҳаммасини тошқин ювиб кетди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан олиб борилган кенг кўламли ишлар сабаб маҳалламиз янги қиёфага кирди. Маҳалла ҳақиқатдан ҳам янги

Тошкент бўлди. Ҳўдим-чукур кўчалар текис ва равон бўлди. Аҳолининг ўттиз фоизи кўрсатилган моддий ёрдамдан фойдаланиб автомобиль олди, том маънода уларнинг турмуш шароити яхшиланди. Бугунги кунда барча аҳоли ўз уйига кўчиб келган. Тошқин ҳодисаси рўй берган ўша кун унутилди, тўйлар бошланди.

Бу ҳудудда илгари кутубхона йўқ эди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус ижроси доирасида замонавий кутубхона қурилди. Мазкур маърифат маскани ўтган ой фаолиятини бошлади.

– Кутубхонамизда 1000 донга ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари бор, – дейди “Янги Тошкент” МФЙ кутубхоначиси Шоира Орипова. – 4 та компьютер интернетга уланган, китобхонлар Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг электрон китобларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши мумкин. 15 китобхон бир вақтда кутубхонага келиб мутолаа қилиши мумкин. Уларнинг талабидан келиб чиқиб, китоблар уйда ўқиш учун ҳам берилади. Мақсадимиз, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилишдан иборат.

Маҳалла аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан 100 та янги иш ўрнига эга “Нафис либослар” тикувчилик корхонаси қурил-

ди. Илгари маҳалла хотин-қизларининг кўпчилиги ишсиз эди. Эндиликда улар маҳалла ҳудудида бунёд этилган мазкур тикув-трикотаж корхонасида иш бошлайди.

– Тадбиркор сифатида газоблок ишлаб чиқариш билан шуғулланаман. Бундан ташқари, дераза ва эшик тайёрловчи корхонам бор. Биринчи марта текстиль соҳасига кўл уриб, тикув-трикотаж корхонасини очдик. Лойиҳа 500 миллион сўм ўз маблағимиз ва банкнинг 2 миллиард сўм кредити асосида амалга оширилди. Гулистон шаҳридаги ҳамкорларимиз хомашё етказиб беради, биз тайёр маҳсулот жўнатамиз.

Бинода қурилиш ишлари якунланган. Электр, табиий газ ва сув тармоқлари тортилган. Бугунги кунда Хитойдан олиб келинган тикув дастгоҳларини ўрнатяпмиз. Корхонамиз жорий йилнинг декабрь ойида ишга тушади, 2021 йилдан тўлиқ қувватда ишлайди ва йилига 500 минг донга текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан ишчиларнинг кўпчилиги шу маҳалла хотин-қизларидан олинади.

Кейинги йилдан бошлаб ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 60 фоизи Россия, Тожикистон, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинади. Сирдарё вилоятининг яна икки

қишлоғида шу каби корхона қуриб, хотин-қизларни иш билан таъминлашни режалаштиряпмиз, – дейди корхона раҳбари Баҳром Тоштемиров.

Аҳолининг таъкидлашича, маҳаллада табиий газ қувурлари бўлган, лекин газ берилмаган. Айти пайтда аҳолига табиий газ, шунингдек, электр энергияси ва ичимлик суви узлуксиз етказиб берилмоқда.

Маҳалла ҳудудида 2004 йилда қурилган оилавий поликли-

ника ҳам қайта реконструкция қилинди.

Мазкур лойиҳа қиймати 623 миллион сўмни ташкил этиб, тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилган.

Поликлиникада янги тиббиёт ускуналари, ЭКГ, УЗИ ўрнатилди. Болалар невропатологи, УЗИ шифокори иш бошлади, дорихона ташкил этилди. Пировардида, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳам яхшиланди.

Хуршид ҚОДИРОВ,
ЎЗА.
2020 йил 15 декабрь



ОФАТ БА МАТОНАТ

269





YANGI T



DUSHKENT MAHALLASI















OPAT BA MATOHAT











ФИДОЙИЛАР МЕҲНАТИ МУНОСИБ ҚАДР ТОПДИ

2020 йилда дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси ҳамда Бухоро ва Сирдарёда юз берган талафотлар халқимиз қалбида жасорат, мардлик, тантилик, юртпарварлик, элпарварлик хислатлари қанчалик юксак эканини яна бир бор намоён этди.

Синовли кунларда халқимиз бирлашди, яқдил ва ҳамжиҳат бўлди, Юртбошимиз томонидан эълон қилинган ташаббусга “лаббай” деб жавоб бериб, чинакам умумхалқ ҳаракатини амалда намоён этди. Ўз навбатида, она Ватани учун фидойилик кўрсатишни ўзининг инсоний бурчи деб билган юртдошларимизнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб қадрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги ПФ-6032-сонли ҳамда 2020 йил 27 августдаги ПФ-6052-сонли Фармонларига асосан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшган, ўз ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, муқаддас бурчини виждонан адо этишда жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатган ватандошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик
кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг матонати, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини намоён этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги улкан жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан**

- | | |
|--------------------------------------|---|
| Ахунов
Олимжон | — Наманган вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бактериолог шифокори |
| Алимов Анвар
Валиевич | — Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори |
| Баротова Винера
Джураевна | — Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори |

- Ливерко Ирина Владимировна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари
- Мусабаев Эркин Исакович** — Республика вирусология илмий текшириш институти директори

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

- Акилов Хабибулла Атауллаевич** — Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори
- Атабеков Нурмат Сатиниязович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик назорати давлат инспекцияси бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори
- Джаппарова Гулсим Танирбергеновна** — Конимех тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими инфекционист шифокори, Навоий вилояти
- Имамкулов Абдукаюм Базарович** — Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими инфекционист шифокори, Сурхондарё вилояти
- Матназаров Исмоил Саидович** — Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Хоразм вилояти
- Менглиев Зулфитдин Давронович** — Ромитан тумани марказий шифохонасининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи, Бухоро вилояти
- Мустафаев Хайрулла** — Республика вирусология илмий текшириш институти бош илмий ходими
- Новикова Наталья Борисовна** — Миробод тумани кўп тармоқли поликлиникаси инфекционисти, Тошкент шаҳри
- Рузиев Мурот Самадович** — Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори, Қашқадарё вилояти
- Рустамова Дилдора Абдумаликовна** — Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори
- Туйчиев Лазиз Надирович** — Тошкент тиббиёт академияси ректори
- Худайназаров Одилбай Абдинаимович** — Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлари шифохонаси шифокори

I даражали “Саломатлик” ордени билан

- Азимов Абдувахид
Вахабжанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи
- Алмарданов Шухрат
Кудратович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдамани ташкиллаштириш бош бошқармасининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамани ташкиллаштириш бошқармаси бошлиғи
- Асилова Мухайё
Убаевна — Республика вирусология илмий текшириш институти клиникаси бош шифокори
- Ахмеджанова
Умида
Низамовна — Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта шифокори
- Ғофурова Умида
Рахимовна — Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори
- Дадабаев
Файзулложон
Абдукахарович — Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонаси шифокор-бактериологи
- Жуманиязов
Давронбек
Хусаинбоевич — Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
- Қодирова Саида
Ниёзовна — Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими ҳамшираси
- Миркасимова
Холида
Хафизовна — Республика вирусология илмий текшириш институти лабораторияси вирусология бўлими бошлиғи
- Муминов Солижон
Джалилович — Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
- Парпиева Наргиза
Нусратовна — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори
- Сайдалиев
Сайдимурат
Сайдиганиевич — Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори
- Саидгазиева
Хушнура
